

**Таъсисчи:**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

**Ушбу сон муҳаррирлари**

И.И. Хувайтов, Р.Р. Тумпаров

**Саҳифаловчи**

Д.Х. Хамидуллаев

**Муқова дизайни**

С.В. Асямов

Ахборотнома Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йил 18 июнда қайд этилган.

Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома № 0568

**Таҳририят манзили:**

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68 .

Тел.: 265-23-56, 265-23 -52.

e-mail: akadmvd@uzsci.net, qonun@doda.uz.

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Таҳрир ҳайъатининг фикри муаллиф фикридан ўзгача бўлиши мумкин. Қўлёзмалар мазмуни ва келтирилган фактларнинг ҳақиқийлиги учун муаллиф жавобгар.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр.-ҳисоб табағи 9,5. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «Saydana-print» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳри, Қамарнисо кўчаси, 3-уй.

Босишга рухсат этилди 30. 12. 2010.

Буюртма №

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИНИНГ АХБОРОТНОМАСИ

Илмий-амалий ҳуқуқий нашр

2010 йил, 4-сон

МУНДАРИЖА

**Конституция ва баркамол авлод тарбияси****Конституция и воспитание гармонично  
развитого поколения***Одилқориев Ҳ. Т.*

Ўзбекистон Конституцияси ва ёшларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви муаммолари.....3

**Ҳуқуқий ислоҳотлар ва қонунчиликни такомиллаштириш****Правовые реформы и совершенствование законодательства***Саитбаев Т. Р.*

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши — қонунийлик ва фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш гарови.....9

*Тултеев И. Т.*

Прогнозная обеспеченность как фактор эффективности законотворческой деятельности .....13

*Қабуллов Р., Акрамходжаев Б. Т.*

К проблеме дальнейшего развития судебного надзора в досудебных стадиях уголовного процесса.....18

*Хожаназаров И. Э.*

Ҳуқуқ соҳасида либераллаштиришнинг моҳияти ва хусусиятлари.....24

*Маъруфова Г.*

Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш .....28

*Дусмухамедова Н. Н.*

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида боланинг ҳуқуқий мақомини шакллантириш масаласи.....34

**Илмий концепциялар, мулоҳазалар****Научные концепции, суждения***Тургунов М. Т.*

Қадимги Ўзбек давлатчилиги ва ҳуқуқи тарихини ўрганишга цивилизациявий ёндашув.....40

*Мамадалиев Ш. О.*

Ҳуқуқ фалсафасининг ижтимоий-гуманитар фанлар тизимида тутган ўрни.....44

**Жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларни  
олдини олишнинг долзарб муаммолари****Актуальные проблемы борьбы с преступностью  
и профилактики правонарушений***Исмаилов И.*

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўрғасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминлашнинг асосий йўналишлари.....48

**Учредитель:**

Академия МВД Республики Узбекистан

**Редакционная коллегия**

Т.Р.Саитбаев (ответственный редактор),  
Х.Т.Адилкариев, И.Исмаилов, Э.Х.Нар-  
бутаев, Ш.Р.Кабилов, А.А.Таджиев,  
С.А.Раззаков, Н.Т.Исмоилов, Р.Р.Тум-  
паров

**Редакторы номера**

И.И. Хувайтов, Р.Р. Тумпаров

**Верстка**

Д.Х.Хамидуллаев

**Дизайн обложки**

С.В. Асямов

Вестник зарегистрирован Узбекским агент-  
ством по печати и информации 18 июня  
2009 г.

Свидетельство о регистрации средства мас-  
совой информации № 0568

**Адрес редакции:**

100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.

Тел.: 265-23-56, 265-23-52.

e-mail: akadmvd@uzsci.net, qonun@doda.uz.

Оригинал-макет подготовлен в редак-  
ционно-издательском отделе Академии  
МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым  
способом полностью или частично ссылка на  
вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИБ  
Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Мнение редакции может не совпадать с точ-  
кой зрения авторов публикаций. Ответствен-  
ность за содержание публикаций и досто-  
верность фактов несут авторы материалов.

Редакция не вступает в переписку с авторами  
писем, рукописи не рецензируются и не  
возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 9,5. Печать  
офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в  
типографии ООО «Saydana-print». г. Ташкент,  
ул. Камарнисо, д. 3.

Подписано в печать 30. 12. 2010.

Заказ №

© Академия МВД Республики Узбекистан,  
2010.*Зиядуллаев М.*Қишлоқ жойларида милиция таянч пунктлари  
фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хослиги.....53*Тян А.В.*Вопросы повышения эффективности раскрытия  
краж из жилищ граждан в целях обеспечения  
права собственности.....57**Ички ишлар идоралари учун кадрлар  
тайёрлаш масалалари****Вопросы подготовки кадров для  
органов внутренних дел***Мирзараимов И. М.*Ички ишлар идоралари учун раҳбар кадрлар  
тайёрлашни такомиллаштириш.....61*Самандаров И.И., Мадазизов Б.Х.*Сержантлар таркибини тайёрлашда мутахассислик  
фанларини ўқитиш тажрибаси.....65*Ризаев М.Н., Воронина Н.В.*Опыт внедрения инновационных педагогических  
технологий в процесс преподавания медицинских  
дисциплин в Академии МВД Республики Узбекистан.....69*Шойимов Н.Б.*Ички ишлар идоралари фаолияти учун экология  
ҳуқуқи фанини ўқитишнинг аҳамияти.....72**Ёш олимлар минбари****Трибуна молодых ученых***Мўминов М. Э.*Жиноят процессида далилларни расмийлаштиришнинг  
процессуал шаклланиши (тарихий жиҳат).....76*Норбўтаев О.Э.*Жиноий-ҳуқуқий нормаларнинг процессуал  
институтларни шакллантиришдаги ўрни.....82*У. Т. Тошканбаев*Проблемы совершенствования охраны авторских  
прав на программы для ЭВМ.....87**Танқид ва библиография****Критика и библиография***Хусанов О. Т.*

Ma'muriy huquq: Darslik.....92

**Конференция ва семинарлар****Конференции и семинары**«Ўзбекистонда аёллар ҳуқуқи ва гендер тенглиги»  
мавузид а ўтказилган Республика илмий-амалий  
конференцияси ҳақида ахборот.....94Информация о семинаре-тренинге по вопросам  
криминалистических методов расследования преступлений,  
проведенном при содействии Координатора проектов ОБСЕ  
в Узбекистане.....95

Ҳ. Т. Одилқориев\*

## ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ВА ЁШЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВИ МУАММОЛАРИ

**К**онституция истиқлолнинг беназир маҳсули, давлатимиз мустақиллигининг қонуний рамзи ҳамда халқимиз суверен иродасининг олий ифодаси сифатида жамият барча аъзолари, айниқса, ёш авлоднинг эркин камол топиши учун мустаҳкам ҳуқуқий замин яратди. Зеро, «... ҳозирги кунда тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб боришимизда, эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришимизда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган муҳим бир мезон борки, у ҳам бўлса, инсон капитали, яъни инсон омили, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқлоли учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиздир»<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, барқарор конституциявий тузум асосида мамлакатимиз ёшларини Ватан келажаги учун бор куч-ғайратини сарф қилиб, замонавий билим соҳиблари сифатида юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни эгаллаган комил инсонлар этиб тарбиялаш Ўзбекистоннинг устувор мақсадидир. Мазкур мақсад нуқтаи назаридан қараганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг ташаббуси билан 2010 йилнинг «Баркамол авлод йили» деб эълон қилингани ва шу асосда тегишли Давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилаётгани юқоридаги эзгу ниятга эришишга йўналтирилган қутлуғ қадамдир. Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, мазкур дастурнинг ижроси учун жорий йилда барча молиялаш манбалари ҳисобидан 8 триллион сўм атрофида маблағ йўналтириш мўлжалланган. Бу давлатимиз бюджетининг салмоқли қисмини ва талайгина нобюджет маблағларни ташкил этиши шубҳасиздир. Мустақиллик йилларида ёшларга ғамхўрлик, улар тарбиясига эътибор давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ушбу сиёсатнинг негизида Конституцияга қатъий таяниш, унинг нормаларига сўзсиз риоя қилиш ётганлиги тайиндир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2010 йил 12 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида: «...Мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади»<sup>2</sup>, — деб таъкидлади. Ушбу фикрни қўллаб-қувватлаб айтиш жоизки, ўтган йиллар мобайнида туб моҳияти, ички фалсафаси, гоёсига кўра илғор миллий ва умуминсоний кадриятларни, халқаро мезонларни ўз мазмунида мужассам этган Конституциямиз мамлакатимизни изчил ривожлантиришнинг инсон ҳуқуқ ва

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилдир // Халқ сўзи. — 2010. — 8 дек.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — 7-б.

эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, юртимизда демократия ва умуминсоний принципларни амалга оширишнинг мустақкам қонуний асоси бўлиб хизмат қилмоқда<sup>1</sup>.

Айни вақтда, Конституция мамлакатда қарор топган тинчлик, барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг асоси, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари учун ҳуқуқий мезон, демократик фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги ислоҳотларнинг пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, Конституция нафақат бугунги куннинг дастурий қомуси, балки эртанги кунимиз, қураётган жамиятимиз истиқболларини аниқлаб берувчи ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб турувчи маёқдир<sup>2</sup>.

Ҳар биримиз Конституция ва қонунларимиз берган ҳақ-ҳуқуқларимизни яхши билишимиз ва уларни ҳимоя қилиш кўникмаларига эга бўлишимиз лозим. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти етарли даражада эмаслиги баъзан жамиятда адолат мезонларининг бузилишига олиб келади. Давлатимиз раҳбари эътироф этишича, Конституциямиз биз учун назарий-ҳуқуқий ҳужжат — бурч ва мажбуриятларимиз мажмуасигина эмас, балки ҳаётимизни фаровон этиш, уни чинакам қонуний асосда қуриш, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни таъминлаш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини ўрнатишнинг ҳаётбахш манбаидир. Бу олижаноб мақсадларга эришиш учун барчамиз, аввало Конституциямиз ва қонунларимизнинг туб моҳиятини англаб етишимиз ва уларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида биргаликда қатъият билан қурашмоғимиз лозим<sup>3</sup>.

Асосий қонунимизда белгиланган нормаларнинг ҳаётда амалий ифодасини топишида ўсиб келаётган ёш авлоднинг Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти тўғрисида кенг ҳуқуқий билимга эгаллиги, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклиги муҳим роль ўйнайди. Шунини айтиш керакки, фақат ҳуқуқий билимли бўлишнинг ўзи етарли эмас, шу билан бирга эгаллаган билимларни ҳаётда қўллаш олиш маданиятини ҳам ёшларда тарбиялаб бориш лозим. Чунки ҳуқуқий билим ва уни амалда қўллаш маданияти фуқароларимиз ҳуқуқий-маънавий қиёфасини кўрсатувчи мезондир.

Таъкидлаш жоизки, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида, энг аввало, баркамол авлодни шакллантиришнинг ҳуқуқий жиҳатларига эътибор қаратилган. Жумладан, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустақкамлаш ва бу борада тегишли меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш масалалари асосий вазифалардан бири қилиб белгиланган<sup>4</sup>. Дастурнинг мазкур банди мазмунидан ёшларга ҳуқуқий билим беришнинг мунтазам тизимини яратиш, уларнинг ялпи ҳуқуқий саводхонлигига эришиш, юксак ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш вазифаси ҳам келиб чиқади. Бошқача айтганда, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, ҳуқуқий баркамоллиги ҳозирги авлод умумий баркамоллигининг зарурий узвий қисмидир. Мустақкам ҳуқуқий билимдонлик эса, ўз навбатида, ёшлар сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги ҳамда ҳуқуқий ижтимоийлашувининг пойдевори, ишончли гарови.

<sup>1</sup> Қаранг: *Мустафоев Б.* Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг мустақкам асоси // Халқ сўзи. — 2010. — 24 нояб.

<sup>2</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4. — Т., 1996. — 154-б.

<sup>3</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. Т.7. — Т., 1999.—251—252-б.

<sup>4</sup> Қаранг: «Баркамол авлод йили» Давлат дастури. — Т., 2010. — 8-б.

Шу ўринда юридик фанимиз учун янги илмий категория бўлган «ҳуқуқий ижтимоийлашув» атамасига изоҳ бериб ўтиш лозим. Аввало, «*ижтимоийлашув*» ўзининг фалсафий талқинига кўра, шахс томонидан муайян маданият типига хос бўлган фаолият ва хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштириш, қадриятлар ҳамда тартиб-меъзонларни англаш жараёнидир<sup>1</sup>. Бундай жараён ҳуқуқий ҳаёт соҳасида рўй берган тақдирда ҳуқуқий ижтимоийлашув ҳақида гапириш мумкин. Энг умумий тарзда таъриф қилганда, **ҳуқуқий ижтимоийлашув** — шахс (индивид)нинг ҳуқуқий тизимга, ҳуқуқий муҳитга фаол жалб этилиши бўлиб, унинг жамиятда шаклланган ҳуқуқий маданият меъёрлари, намуналари ва ҳуқуққа мос хулқ-атвор меъёрларини ўзлаштириши, ҳуқуқий қадриятлар, принциплар ҳамда қоидаларни теран англаши жараёнидир.

Шахс томонидан ҳуқуқий хулқ-атворнинг муайян роль тарзида намоён бўлиш ва мақом сифатидаги талаблари, ҳуқуқий маданият андозалари, ҳуқуқий қадриятлар ва қоидаларнинг ўзлаштирилиши, ҳуқуқий меъёрлар, принципларнинг идрок этилиши унда амалдаги ҳуқуқий тизимга мослашиш ва муайян функцияларни бажариш имконини берувчи фазилатларнинг шаклланишига олиб келади<sup>2</sup>. Фуқаролар ҳуқуқий тизимнинг фаол субъектларидан бири сифатида ижтимоий-ҳуқуқий ҳаётда турли ижтимоий роль ва мақомда (масалан, истеъмолчи, пенсионер, харидор ва сотувчи, иш берувчи ва ходим, эр ва хотин, даъвогар ва жавобгар, солиқ тўловчи, талаба, сайловчи, терговчи, прокурор, судья, адвокат, ижарачи, кредитор ва қарздор каби ролларда) бўладилар. Мазкур мақом ва ролларда фуқаролар муайян ҳуқуқий меъёрларни, ҳуқуқ ва бурчларни адо этадилар, ҳуқуқий анъана ва қадриятларни ўзлаштирадилар. Шу тариқа уларда муайян ҳуқуқий билим, тажриба, ҳуқуқий онг ва маданият шаклланади. Ҳуқуқий ижтимоийлашув инсонни ҳуқуқий ҳаёт соҳасида бажариши лозим бўлган ролларга ўргатиш жараёни сифатида талқин қилиниши мумкин.

Ҳуқуқий ижтимоийлашув, шунингдек, муайян ҳуқуқий майдонда шахс томонидан ижобий фаол хатти-ҳаракат, ташаббусли фаолиятнинг амалга оширилишини назарда тутаети. Бунда у ўзининг ҳуқуқий онги, маданияти, билим ва савиясига таянади. Демак, ҳуқуқий ижтимоийлашув бобида ҳуқуқий билим, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий фаол хулқ-атвор етакчи ўрин эгаллайди.

Шахснинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви жамият ҳуқуқий тараққиётининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Зеро, шахс амалдаги қонунчилик мазмуни ва талабларини яхши билса, пухта ҳуқуқий механизмларга таянган ҳолда муносабатларга киришса, юксак ҳуқуқий онг ва маданият соҳиби бўлса, ижтимоий-ҳуқуқий ҳаёт мўътадил ҳамда равон ривожланиш истиқболига эга бўлади. Шахс даражасидаги ҳуқуқий ижтимоийлашув фуқароларнинг жамият ҳаётидаги турли муносабатларда, айниқса, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнидаги фаоллигини янада оширади.

Ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг энг муҳим функцияси шахснинг ҳуқуқий муҳитга монеликсиз киришига ҳамда осон мослашишига, ҳуқуқий маконда тўғри йўл топа билишига, ўз ҳуқуқларидан фойдалана олиши ва зиммасидаги мажбуриятларини бажаришига имкон берувчи кўникма ва қобилиятларни шакллантиришдан иборат. Мазкур функциянинг бажарилишида оила, маҳалла, таълим тизими, ҳуқуқий институтлар, жамоат ва нодавлат уюшмалари, оммавий ахборот воситалари салмоқли роль ўйнайди.

<sup>1</sup> Қаранг: Фалсафа: Қомусий луғат / Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ. Назаров. — Т., 2004. —148-б.

<sup>2</sup> Қаранг: Пугачев В.П., Соловьев А.И. Сиеъатшуносликка кириш / Таржима раҳбари А.Бегматов. — Т., 2004. — 330-б.

Фуқароларнинг, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида жамият ҳуқуқий мафқурасининг таъсири ва аҳамияти ниҳоятда катта. Мақсади ва демократик тараққиёт йўналиши аниқ белгиланган жамиятда субъектларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви фаол амалга ошади. Мафқуравий-тарбиявий жараёнлар инсоннинг ички руҳий ҳолатига, маънавий дунёсига, манфаат ва интилишларига самарали таъсир этган ҳолдагина унинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига эришиш мумкин.

Ҳуқуқий ижтимоийлашув моҳият жиҳатидан ҳуқуқий нигилизмга қарама-қарши ҳодисадир. Унда ҳуқуқни (қонунни) тушуниш, мазмунини англаш баробарида уни ҳурмат қилиш, унга қатъий риоя этиш ва ҳуқуққа мувофиқ хулқ-атворни намоён этиш асосий ўринда туради. Инсонларда ҳуқуққа (қонунга) ҳурмат, ҳуқуқий фаоллик каби хусусиятлар айнан ҳуқуқий ижтимоийлашув орқали қарор топади.

Ҳуқуқий ижтимоийлашув билан ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик ҳодисалари ўзаро яқин ва ўхшаш кўринса-да, улар ўртасида фарқ бор. Ҳуқуқий фаоллик *конструктив* (бунёдкор, яратувчан) ва *деструктив* (бузғунчи, вайронкор) бўлиши мумкин. Ҳуқуқий ижтимоийлашув эса ҳамиша ижобий мазмун ва йўналишга эга бўлади.

Ҳуқуқий ижтимоийлашувнинг асосий тури — шахснинг конституциявий-ҳуқуқий ижтимоийлашуви ҳисобланади. *Конституциявий-ҳуқуқий ижтимоийлашув* деганда, жамият аъзолари, хусусан ёшлар томонидан Конституциянинг мазмун-моҳиятини, асосий принцип ва нормаларини мукамал ўзлаштирганлик, конституциявий қадриятлар ва хулқ-атвор моделларини, конституциявий институтларни теран англаш ҳамда барчада уларга қатъий риоя этиш кўникмалари барқарор шаклланганлигини тушуниш лозим.

Мамлакатимиз фуқароларининг, айниқса ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигига эришишнинг, ҳуқуқий ижтимоийлашувини таъминлашнинг асосини Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш ташкил этади. Конституциянинг мазмун ва моҳиятини ўрганиш, ундаги улғувор ғояларни пухта билиш, қонунга эътибор ва эътиқод юксак бўлишини ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Аҳоли ижтимоий онгида ҳуқуқий-мафқуравий соҳадаги билимлар мустаҳкамлаб борилса, ҳар қандай вазиятда жамият манфаатига зид бўлган хатти-ҳаракатларга ва таҳдидларга Конституция асосида баҳо бериш, лозим бўлса кураша олиш ва ўзимизни ҳимоя қилиш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳуқуқий мафқуранинг ўзаги ҳисобланган Конституция қоидалари жамият аъзолари, шу жумладан ёшларнинг эътиқодига айланиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг кадр-қимматини, нуфузини ҳеч нарса билан ўлчаб ва тенглаштириб бўлмайди. Чунки унда мустаҳкамланган қоидалар ва ифодаланган ғоялар замирида халқнинг, миллатнинг, қолаверса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари мужассам. Уни азиз ва муқаддас деб билиб, Конституциядаги қоидалар асосида яшаш ҳозирги авлоднинг бугунги ва келгуси ҳаёти фаровон бўлишининг асосидир.

Ҳуқуқий давлат барпо этиш сари ривожланиб бораётган давлатимизда ҳуқуқ устуворлигини таъминлаб бориш муҳим вазифа саналади. Конституциянинг устуворлиги эса ҳар биримиздан улкан ҳуқуқий масъулиятни талаб этади. Яъни бу масъулият конституция ва қонунларни билишни, уларга қатъий амал қилиб яшашни тақозо қилади.

*Бу Конституцияни ўрганиш зарурлигини* исботлайди. Зеро, уни ўрганиш Конституция мазмунини ифодаловчи ҳуқуқий қоида ва принципларнинг моҳиятини теран англаш, уларга онгли равишда амал қилиб яшаш ва қонун устуворлигига эришишнинг муҳим шартидир.

Ўзбекистон Конституциясини ўрганишнинг аҳамиятини инобатга олиб, Республика Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги 2001 йил 4 январь фармойишининг қабул қилингани айни муддао бўлди. Мазкур *Фармойишининг мақсади* Ўзбекистон Конституциясининг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, маъно-мазмун ва моҳиятини ўргатиш ҳамда шу асосда ёш авлоднинг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш, изчил юксалтиришдан иборат.

Ўтган йиллар мобайнида фармойишнинг ижросини таъминлаш учун талайгина ижобий ишлар амалга оширилди. Натижада: Конституциянинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини, мазмун-моҳиятини халқ, айниқса ёш авлоднинг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятига сингдиришга; шу тариқа жамиятда Конституцияга, қонунга нисбатан юксак ҳурмат муҳитини яратишга; ижтимоий муносабатларни конституциявий-ҳуқуқий тартибга солиш савиясини янада юқори даражага кўтаришга; энг муҳими, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга; ҳар бир фуқаро ўзининг Конституцияда мустақамланган ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини тўла идрок этиш орқали ўзлигини мукамал англаб етишига эришилмоқда. Аммо бу Конституцияни ўрганиш ишлари яқунланди, дегани эмас. Асосий қонунимизни янада мукамалроқ идрок этиш, билиш ва талқин қилиш муттасил давом этаверадиган жараёнدير.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан яқиндан танишиш ва уни бевосита ўрганиш фуқароларнинг ўз ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларини замон талаби даражасида билишлари учун замин яратади. Барчамиз муҳим бир ҳақиқатни англашимиз лозим. Ҳозирги шароитда ёшлар фақат қонунлар доирасидагина жамиятда ўз ўрни ва қадрини топиши мумкин. Ҳуқуқий давлатчиликка эришишнинг асосий талаби ҳам шу.

Конституция ҳуқуқ ва эркинликларни мустақамлаш баробарида фуқаролар зиммасига бурч ва масъулият ҳам юклайди. Бурч, аввало, Конституцияни ўқиб ўрганишдан бошланади. Конституцияни билган киши ўз хатти-ҳаракатини қонун доирасида амалга оширади. Бошқа кишиларнинг ҳамда жамият ва давлатнинг ҳуқуқи ва иродасини ҳурмат қилади. Конституцияни билиш асосида шакланган ҳуқуқий онг ва мафкура жамият тараққиётининг қудратли кучига айланади.

Ёш авлоднинг ҳуқуқий баркамоллиги ва ҳуқуқий ижтимоийлашувига эришиш чоратадбирлари орасида уларда конституциявий бурчга садоқат ва масъулият туйғуларини тарбиялаш муҳим ўрин тутаяди. Нафақат ҳуқуқ, имтиёз ва эркинликлардан фойдаланиш, балки бурчга содиқлик, давлат ва жамият олдида масъулият, юридик мажбуриятларни англаш ҳам комилликнинг ажралмас белгисидир. Жумладан, Конституциянинг 47–52-моддаларида фуқароларнинг Конституция ва қонунларга риоя этиш, конституциявий бурчларни бажариш, ўзбек халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлаш, атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, қонунда белгиланган солиқ ва йиғимларни тўлаш, Ватанни ҳимоя қилиш каби мажбуриятлар белгиланган. Фуқароларнинг мажбуриятлари жамият, давлат ва барча фуқароларнинг манфаатлари йўлида амалга оширилади. Ҳар бир фуқаро ўз мажбуриятларини виждонан ўташ орқали

бошқа инсонларнинг, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари амалга ошишига кўмаклашаётганини англаб етиши лозим. Бу фуқаролик жамиятининг устувор талаби ва моҳиятига оид хусусиятидир. Ушбу конституциявий талаблар ҳар бир фуқаро, айниқса ёшлар учун муқаддас саналиб, уларга қатъий риоя этилиши Ватанимиз келажаги бўлган ҳозирги авлод учун ҳам фарз, ҳам қарзидир.

Аҳолининг, шу жумладан ёшларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига эришишда мунтазам ҳуқуқий таълим тизимини яратиш алоҳида аҳамиятга эга. Бугунги кунда замонавий ҳуқуқий таълим тизимини қарор топтириш, етук ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш, аҳолининг юксак ҳуқуқий саводхонлигига эришиш фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш муаммоларини муваффақиятли ҳал этишнинг зарурий шартидир. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, «аҳолининг ҳуқуқий тарбиясини тубдан яхшилаш, унинг ҳуқуқий маданият даражасини ошириш, ҳуқуқий ахборотнинг кенг майдонини яратиб бериш, ҳуқуқий давлат қарор топишида муҳим йўналишдир»<sup>1</sup>. Изчил ҳуқуқий таълим ва тарбия тизимидан кўзланган асосий мақсад ҳуқуқий баркамол авлодни шакллантириш ҳамда аҳолининг, ёшларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувига эришишдан иборат.

Конституциямизда мустақамланган билим олиш ҳуқуқининг реал амалга оширилиши шахсга бирор-бир соҳада маълумот ва касбий тайёргарликни эгаллаш имконини беради. Бу эса ҳар кимнинг жамиятда самарали фаолият юритишига замин яратади. Шу билан бирга, фуқаролар ҳуқуқий билимларини оширишда эркин ҳолда яратилган тегишли инфратузилмага таяниб, ўз устида ишлаш, изланиш ва ҳуқуқий савиясини ўзи мустақил ошириш усулларида ҳам фойдаланадилар. Илмли, зиёли ва маърифатли бўлишдан нафақат инсоннинг ўзи, балки бутун жамият ва давлат манфаатдордир. Билим олиш ҳуқуқи ҳар бир кишининг эркин шаклланишига, жамиятнинг изчил ривожланишига хизмат қилади. Унинг собитқадамлик билан рўёбга чиқиши кишиларнинг саводхонлик даражаси ўсишига, уларнинг турмуши фаровонлашишига ва жамиятдаги ўрни мустақам бўлишига ижобий таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, Конституция ғоялари, принцип ва қоидаларини ҳуқуқий тафаккуримиз ҳамда маданиятимизнинг таркибий қисмига айлантириш юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият барпо этишга пухта замин яратади. Зеро, бундай давлатчилик ва жамиятни қарор топтириш унинг сиёсий-ҳуқуқий мафкурасини ижтимоий онгимизга сингдиришдан бошланади. Ана шу мақсадда Республикамиз Президенти бошлаб берган ялпи ижтимоий саъй-ҳаракатда фаол иштирок этмоқ ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Т.5. — Т., 1997. — 128-б.



*Т.Р. Саитбаев\**

## «ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ — ҚОНУНИЙЛИК ВА ФУҚАРОЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш мамлакатимизни ислоҳ этишга қаратилган асосий устувор йўналишлардан бири ҳисобланади<sup>1</sup>. Республикада 550 дан ортиқ қонун ва 18 та кодекс амал қилиб, мамлакатимизнинг ҳуқуқий асосларини ташкил этади ҳамда кучли ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга хизмат қилади<sup>2</sup>.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг барча турлари қонуний тартибга солинди. Ваҳоланки, ижтимоий турмушининг ривожланиши бу соҳадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш ишларини давом эттиришни талаб қилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгилаб берадиган «Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунни қабул қилиш таклифи ниҳоятда ўз вақтида айтилганлиги билан ҳам муҳимдир. «Ушбу қонуннинг мақсади тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналтирилган, — деб таъкидлайди И.А. Каримов. — Бу қонуннинг қабул қилиниши демократик давлатларнинг умумэътироф этилган амалиётига мос келади... Бу қонун жиноятлар содир этилишининг дастлабки босқичларидаёқ уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш бўйича чораларнинг самарадорлигини, шунингдек, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга хизмат қилади. Айни пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, авваламбор, ички ишлар идораларининг бу соҳадаги фаолиятининг янада либераллашувини таъминлашга олиб келади»<sup>3</sup>.

Айтиш жоизки, тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий тартибга солиниши ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг бошқа турларини тартибга солишдан жиддий фарқ қилади. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини ўрганиш шундан далолат берадики, тезкор-қидирув фаолиятини уни амалга оширишнинг бир қатор норматив-ҳуқуқий актлар, жумладан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (121-м.), Жиноят-процессуал кодекси (338, 382-м.), «Прокуратура тўғрисида»ги (4,8,28, 31-м.),

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи, юридик фанлар доктори.

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — 16-б.

<sup>2</sup> Lex Uz «Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги миллий маълумотлар базаси» ахборот-излов тизими маълумотларидан.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — 25-26-б.

«Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги (4-м.), «Адвокатлик фаолияти ва адвокатларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг кафолатлари тўғрисида»ги (7-м.), «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган механизмларини очиб бермай туриб, амалга ошириб бўлмайди.

Ҳозирги кунда тезкор-қидирув ҳуқуқини амалга ошириш ваколати берилган давлат органлари томонидан тезкор-қидирув фаолиятининг шакллари, воситалари ва усуллари тегишли идоравий норматив актлар орқали ҳар бир алоҳида ҳолат бўйича мустаҳкамлаб қўйилган ва бу, ўз навбатида, айрим институтларни тушуниш ва шарҳлашда турли талқинларга олиб келади.

Тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи нормалар тизимининг мураккаблиги амалда тезкор-қидирув ҳуқуқи назарияси масалаларини ишлаб чиқувчи барча олимлар томонидан эътироф этилади. Ушбу нормалар гуруҳларга бўлинган ҳолда тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асоси сифатида белгиланади<sup>1</sup>. Бундай ёндашув бир қатор сабаблар билан боғлиқ:

*биринчидан*, тезкор-қидирув фаолиятининг айрим томонларини ва унинг амалга оширилиши вақтида қонунийликка риоя қилиш кафолатларини тартибга солувчи асос бўладиган қонуннинг йўқлиги;

*иккинчидан*, тезкор-қидирув фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг ҳуқуқнинг шунга ўхшаш тармоқларига мос келувчи бошқа турларидан (жиноят-процессуал — жиноят-процессуал ҳуқуқ; маъмурий — маъмурий ва маъмурий-процессуал ҳуқуқ; жазони ижро этиш ва маҳкумларнинг тузалишини таъминлаш — жиноят-ижроия ҳуқуқи ва ҳоказо) жиддий фарқ қилиши;

*учинчидан*, тезкор-қидирув фаолияти таркибий ва мазмуний жиҳатдан комплекс хусусиятга эга бўлиб, унда турли вазифаларни ҳал этиш учун махсус куч, восита ва усуллардан фойдаланилади. Улардан айримларини ҳал этиш вақтида тезкор-қидирув фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг бошқа турларига нисбатан ёрдамчи ҳисобланади ва шу боис у турли ҳуқуқ тармоқлари, асосан жиноят, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, божхона ва маъмурий ҳуқуқ нормаларига асосланади;

*тўртинчидан*, тезкор-қидирув фаолияти ихтиёрида бўлган куч, восита ва усулларни ташкил этиш ва улардан фойдаланишнинг батафсил тартибга солиниши қонуности идоравий ҳужжатлари орқали амалга оширилади.

Тезкор-қидирув фаолиятининг асосий ҳуқуқий ва ташкилий мезонларининг қонун билан мустаҳкамланиши тезкор-қидирув фаолияти гўё қонун доирасидан «чиқади» ва ахлоқ принципларига «зид келади» деган тасаввурларга чек қўяди. Тезкор-қидирув фаолияти ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг муҳим таркибий қисми сифатида қонунийлик ва ижтимоий ҳаёт тақозоси эканлиги ўз қонуний тасдиғини топади. Ижтимоий турмушни демократлаштириш ва инсонпарварлаштириш шароитида бу ўта муҳим бўлиб, қонунчилик даражасида шахснинг дахлсизлигини, унинг мамлакатимиз

<sup>1</sup> Қаранг: Пулатов Ю.С. Оперативно-розыскное право как отрасль юриспруденции и ее связь с другими науками // Ҳуқуқ—Право—Law. — 1999. — № 2. — С.66—67.; Шумилов А. Ю. Правовая основа оперативно-розыскной деятельности.—М., 1997. —С.20—21; Саитбаев Т.Р., Закиров Б.Э. Оператив-қидирув фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш// Ҳаёт ва қонун.— 1997.—№6.— 47—50-б.; Saïtbaev T. R. Legal ensuring of operation starch activity of internal affairs and problems of its subsequent improvtmen // Ҳуқуқ—Право—Law. — 2003. — № 2. — P. 25-37; ва бошқ.

Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинликларининг кафолатини таъминлайди.

Тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солиш борасида хорижий тажрибаларни ҳар томонлама ўрганиш<sup>1</sup>, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини чуқур таҳлил қилиш орқали бугунги кунда тезкор-қидирув фаолиятининг мақсади, вазифалари, ҳуқуқий асослари, асосий принципларини акс эттирган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуни лойиҳасида қуйидаги масалалар ўз ифодасини топиши зарур. Аввало тезкор-қидирув фаолияти тушунчаси ва унинг амалга оширилишида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш тартиблари очиб берилиши лозим. Тезкор-қидирув фаолияти ва уни амалга оширувчи органларнинг аниқ доираси, уларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ходимларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш масалаларининг қонуний мустаҳкамланиши мақсадга мувофиқдир. Чора-тадбирларнинг ўтказилиши тақиқланадиган ҳолатларни белгилаш, тезкор-қидирув ишларини юритишни ахборот билан таъминлаш ва тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш тартибларини аниқлаб олиш жоиздир. Тезкор-қидирув фаолиятида бирхиллик ва такрорийликни истисно этиш мақсадида қонун лойиҳасида тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ваколатини чеклаб қўйиш тақозо этилади. Шунингдек, тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг очиқлиги ва ҳимоясини таъминлаш чегараларини, тезкор-қидирув чора-тадбирларини ўтказиш қарорини прокурор томонидан кўриб чиқиш тартибларини ифодалаш, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг қарорлари устидан шикоят қилиш тартиблари ҳамда тезкор-қидирув фаолияти тўғрисидаги қонунни бузганлик учун жавобгарлик масалаларини ҳам акс эттириш лозим.

Тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этиш ва тактикасининг батафсил тартибга солиниши «Тезкор-қидирув фаолияти» тўғрисида»ги қонун асосида қабул қилинадиган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар орқали амалга оширилиши боис, мавжуд идоравий норматив ҳужжатларни қайта ишлаб чиқиш ва янгиларини яратиш борасида кўпгина ишларни талаб қилади. Шу муносабат билан, назаримизда, қонун имзоланганидан кейин унинг муайян вақт ўтгач амалга киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Чет давлатлар, ва айниқса, МДҲ мамлакатлари тезкор аппаратлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тажрибасини ўрганиш «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун қабул қилинганидан кейин бир нечта идоралараро қонуности норматив ҳужжатлар тайёрлаш ва тасдиқлаш зарурлигидан далолат беради, жумладан:

— тезкор-қидирув фаолияти натижаларини суриштирув органлари, терговчи, прокурор ёки судга тақдим этиш тартиблари тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси, Ўзбекистон

<sup>1</sup> «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунлар 1991—1992 йилларда Болтиқбўйи мамлакатларида қабул қилинган. Украинада бундай қонун 1993 йил 18 февралда, Россия Федерациясида 1992 йилда (РФ Давлат Думаси томонидан 1995 йил 5 июнда янги қонун) қабул қилинди. Бундай қонунлар Беларусь Республикасида (1993 йил, янги қонун — 1999 йил), Қозоғистонда (1993 йил) ҳам қабул қилинган. Молдовада тезкор-қидирув фаолияти «Молдова Республикаси полицияси ҳақида»ги қонуннинг бобларидан бири ва «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонун билан тартибга солинади. Кўрсатиб ўтилган бу мамлакатларнинг қонунлари асосида идоравий норматив ҳужжатларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тезкор аппаратлари фаолиятини ташкил этиш ва тактикаси батафсил тартибга солинган.

Республикаси Ички ишлар вазири, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг биргаликдаги буйруғи билан эълон қилинган) Йўриқнома;

— Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунини ижро этилиши устидан прокурор назоратини ташкил этиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати раиси, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раиси билан келишган ҳолда буйруғи билан эълон қилинган) Йўриқнома.

Ушбу норматив ҳужжатлар барча тезкор аппаратлар учун тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган ахборот ва материалларни суриштирув органлари, терговчи, прокурор ёки судга тақдим этиш тартибларини белгилаш ҳамда кўриб чиқиладиган фаолият устидан самарали прокурор назоратини ташкил этиш имконини беради. Кўрсатиб ўтилган норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши муҳимдир, чунки тезкор-қидирув фаолиятининг натижалари: жиноят иши қўзғатиш учун сабаб ва асос бўлиб хизмат қилиши; тергов ва суд ҳаракатларига тайёргарлик кўриш ва уларни амалга оширишда қўлланилиши; жиноят-процессуал қонунчиликка мувофиқ исботлаш жараёнида фойдаланилиши мумкин.

Тезкор-қидирув фаолиятини норматив-ҳуқуқий тартибга солишни ўрганиш ҳозирги кунда ушбу соҳада катта миқдордаги идоравий норматив ҳужжатлар амал қилаётганидан дарак беради ва бу оператив таркибнинг улар билан ишлашини анча қийинлаштиради. Янги қонун қабул қилиниши билан улар миқдори камаймайди. Тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи қўплаб буйруқ, низом, қўлланма, йўриқнома, Ҳайъат қарорлари ва шу кабилардан фойдаланишга қулай бўлиши учун уларни тизимлаштириш чораларини кўриш зарур. Тизимлаштириш, норматив ҳужжатларга ишлов бериш ва бир тизимга солиш механизмни ўзида акс эттириб, улардан фойдаланишни осонлаштиради, нормалар мазмунидаги зиддиятларни бартараф этиш, эскирган нормаларни аниқлаш ва йўқотишга қўмақлашади. Назаримизда, тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи идоравий норматив ҳужжатларни тизимлаштиришнинг энг мақбул усули инкорпорация, яъни уларни хронологик, алифбо, мавзулари бўйича ёки бошқа тартибда ички мазмунини ўзгартирмаган ҳолда норматив ҳужжатлар тўплами (тўплам)га бирлаштириш ҳисобланади.

Инкорпорация норматив ҳужжатлардан фойдаланишни анча осонлаштиради, ҳуқуқий актларнинг дастлабки матнига кейинчалик бўладиган расмий ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш, бекор қилинган нормаларни чиқариб ташлаш, улар ўртасидаги номувофиқликлар ва зиддиятларни аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари, инкорпорация уларнинг тартибга солиниши вақтида юзага келган бўшлиқлар, такрорлашлар ва зиддиятларни аниқлаш орқали қонун ижодкорлиги фаолиятига катта ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этиш ва тактикасининг концептуал ва бир қатор асосий қоидаларининг қонуний мустаҳкамланиши уни суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, қонун устуворлиги, қонунийлик, шахсининг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида замонавий талабларга мослаштириш имконини беради.

И. Т. Тультеев\*

## ПРОГНОЗНАЯ ОБЕСПЕЧЕННОСТЬ КАК ФАКТОР ЭФФЕКТИВНОСТИ ЗАКОНОТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ

**В** настоящее время важнейшей задачей законодателя, вытекающей из сути предложенной Президентом Республики Узбекистан И.А. Каримовым Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране, является принятие качественных, эффективных и продуманных законов<sup>1</sup>. Следовательно, субъект законотворчества должен всесторонне учитывать социальные, юридические, организационные и другие факторы потенциальной реализуемости принимаемых законов. Необходимость создания актов, отвечающих требованиям качества, эффективности и обоснованности, требует глубокого осмысления и теоретической проработки существующих проблем законотворчества.

В научной и учебной литературе можно встретить различные взгляды на проблему обеспечения действия нормативно-правовых актов<sup>2</sup>. Вместе с тем, юридическая доктрина и практика до сих пор не выработала единого концептуального подхода к решению проблемы прогнозной обеспеченности, обоснованности правовых актов. В этой связи полагаем возможным ввести в научный оборот термин «*прогнозная обеспеченность*» как понятие, определяющее уровень применения прогнозирования в правотворчестве и, соответственно, степень обоснованности проекта правового акта на основе методов прогностики. Отмечая важность правотворческих процедур в качестве главного способа обеспечения обоснованности нормативно-правовых актов, следует обратить внимание на недостаточный уровень именно прогнозного обеспечения процедуры подготовки и принятия нормативно-правовых актов. На данный момент отсутствует механизм полноценной прогнозной проработки проектов нормативно-правовых актов<sup>3</sup>.

По нашему мнению, прогнозная обеспеченность проекта нормативно-правового акта есть *обусловленная совокупностью содержательных и формально-юридических факторов и основанная на применении широкого спектра методов и приемов прогнозирования потенциальная способность нормативно-правового акта регламентировать в будущем общественные отношения*. Противоположностью прогнозной обеспеченности выступает понятие «прогнозная необоснованность нормативно-правовых актов», т.е. невозможность реализации нормативно-правового акта в силу недостаточной его прогнозной обеспеченности либо ее полного отсутствия, что делает его, по сути, «мертвым»<sup>4</sup>. Прогнозная обеспеченность является неотъемлемой характеристикой действующего нормативно-правового акта. Она соприкасается, взаимодействует, но не

\* И. о. профессора кафедры конституционного права Академии МВД Республики Узбекистан, доктор юридических наук.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране // Народное слово. — 2010. — 13 нояб.

<sup>2</sup> См., например: Одиқориев Х. Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. — Т., 1995. — 77-б; Мирошникова Ж. Ю. Функции юридических актов по российскому законодательству: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Ростов-на-Дону, 2005. — С. 5-6.

<sup>3</sup> См.: Одиқориев Х. Т. Ўзбекистон Республикасида қонун чиқариш жараёни. — Т., 1995. — 79-б.

<sup>4</sup> См. об этом также: Аносова М.М. «Мертвое право» в контексте современного нормативного правопонимания: миф или реальность? // «Черные дыры» в российском законодательстве. — 2007. — №5. — С. 101-103.

должна смешиваться и отождествляться с другими характеристиками нормативно-правового акта (эффективность, экономичность, истинность и др.).

Реализация цели нормативно-правового акта — основной показатель его прогнозной обеспеченности. Если акт введен в действие и порождает запрограммированные, желаемые правовые последствия, достигает заложенных в нем целей — следует отметить его прогнозную обеспеченность в положительном значении. Если же правовые нормы формально действующего нормативно-правового акта не находят своего воплощения в фактическом поведении субъектов права, то нормативно-правовой акт не продуман, не учтены возможные его последствия, в нем не заложен регулятивный потенциал<sup>1</sup>.

По нашему мнению, прогнозная обеспеченность проекта правового акта закладывается в самом начале процесса правового регулирования. Поэтому специальное выявление причин отсутствия или недостаточной прогнозной обеспеченности нормативно-правового акта должно быть возложено на правотворческий либо экспертно-аналитический орган, который разрабатывает проект правотворческого решения и должен предусмотреть все его последствия.

Изучение законотворческой практики показывает, что основными проблемами недостаточной прогнозной обеспеченности нормативно-правовых актов являются: а) имеющиеся противоречия между действующими нормативно-правовыми актами; б) большое количество в тексте нормативно-правового акта отсылочных<sup>2</sup> и бланкетных правовых норм; в) отсутствие процессуальных правовых норм, обеспечивающих действие материальных; г) отсутствие формализованных процедур оценки акта на предмет исполнимости. Недостаточность прогнозного обеспечения законотворческой деятельности проявляется, кроме того, в отсутствии законодательно закрепленных экспертных прогнозных процедур, осуществляемых в отношении разрабатываемых правовых актов.

Достижение прогнозной обеспеченности правовых актов должно быть точкой опоры в построении системы реально и эффективно действующего законодательства, способствовать созданию в доктрине правотворчества единого концептуального подхода к разрешению проблем действующего законодательства<sup>3</sup>. Для выработки понятия прогнозной обеспеченности правовых актов необходимо провести анализ рассматриваемой категории. Можно указать наиболее существенные признаки этого понятия:

- прогнозная обеспеченность — *способность, потенциал* нормативно-правового акта выполнить заложенную в него регулятивную функцию с учетом всех возможных положительных и отрицательных последствий его применения и реализации;
- прогнозная обеспеченность является признаком *качества* правового акта, одновременно выступая юридическим критерием его эффективности;
- прогнозная обеспеченность как юридическая категория наиболее полно себя проявляет в процессе реализации правового акта<sup>4</sup> (безусловно, прогнозная обеспеченность нормативно-правового акта закладывается в процессе правотворчества);
- прогнозная обеспеченность зависит от ряда формально-юридических и содержательных характеристик как самого правового акта, так и внешних по отношению к нему факторов.

<sup>1</sup> См.: Уразаев Ш. З. Модель закона: какой ей быть? — Т., 1992. — С. 9.

<sup>2</sup> Некоторые законодательные акты перегружены отсылочными нормами, а сами отсылочные нормы не всегда получают реализацию в актах, к которым дается отсылка. Например, отсылочная норма Закона Республики Узбекистан «Об авторском праве и смежных правах», предусматривающая административную ответственность за нарушение авторских прав, не реализована в Кодексе Республики Узбекистан об административной ответственности.

<sup>3</sup> См.: Нарбутаев Э.Х. Уголовный закон и его эффективность. — Т., 1991. — С. 45.

<sup>4</sup> См.: Карпухин В.А. Нормативное социальное прогнозирование: критерии оптимальности. — М., 2000. — С. 43-44.

Отправной точкой для оценки прогнозной обеспеченности нормативно-правового акта является качество законотворческой деятельности. Качество законотворчества определяется грамотным составлением проекта акта, учитывающим потребности и реалии юридической практики, обеспечением его беспроblemности и непротиворечивости, соответствием его содержания намеченным целям, соблюдением правил законодательной техники. Ключевым моментом здесь является способность субъектов правотворчества выявить, предвидеть все возможные последствия принятия нормативно-правового акта. Следует отметить необходимость наличия у нормативно-правового акта свойства прогнозной обеспеченности в статике и динамике. Проявляя себя в статике как свойство содержательного аспекта качества правового акта, прогнозная обеспеченность не поддается количественному измерению, а может лишь служить качественной характеристикой нормативно-правового акта. Другой характеристикой, более результативной с практической точки зрения, видится прогнозная обеспеченность как свойство действия правового акта. Оценка нормативного акта, с точки зрения его реализации в динамике, как определенный результат, имеет количественные показатели, кроме того, опосредует и его потенциальную способность воздействовать на общественные отношения.

Анализ прогнозной обеспеченности правовых актов позволяет выявить некоторые ее свойства. Основой прогнозной обеспеченности нормативно-правовых актов является соответствие их содержания целям, закладываемым в процессе правотворчества, ведь социальная обусловленность и адекватность правовых норм определяется их целевым соответствием<sup>1</sup>. Правотворческое прогнозирование может сигнализировать о степени социальной адекватности правовой нормы. Социальная адекватность норм права полностью зависит от правотворческого органа, который определенным образом опосредует в них те или иные модели общественных отношений<sup>2</sup>. Их закрепление в нормативно-правовом акте будет отражать адекватность общественным отношениям и в конечном итоге их обоснованность. При оценке прогнозной обеспеченности норм права, кроме правотворческого органа, подлежат оценке работа правоприменительных органов, которым эти нормы непосредственно адресованы. Прогнозная обеспеченность характеризует результат реализации правовой нормы, содержит в себе перспективную оценку их результативности. В структуре механизма прогнозной обеспеченности нормативно-правового акта необходимо выделить такой важный компонент, как его экономичность<sup>3</sup>. Наличие у нормативно-правового акта свойства экономичности является не только желательным, но и необходимым. Лишь тогда можно говорить о достижении цели правового регулирования рациональным способом.

В свою очередь, на прогнозную обеспеченность нормативно-правовых актов влияют свои факторы. Факторы прогнозной обеспеченности нормативно-правовых актов – это система формально-юридических и социальных условий, наличие и параметры которых определяют степень прогнозной обоснованности нормативно-правового акта. Другими словами, под факторами прогнозной обеспеченности нормативно-правовых актов понимаются объективно существующие обстоятельства, взаимодействие правового акта с которыми определяет степень его реализуемости, достижения целей, предполагавшихся субъектами правотворчества.

Среди факторов прогнозной обеспеченности законотворческой деятельности можно выделить следующие:

<sup>1</sup> См.: Туленова К. Ж. Научное предвидение как философская проблема и её методологическое значение для социальной практики в условиях независимого Узбекистана: Автореф. дис. ... д-ра филос. наук. – Т., 2001. – С. 8.

<sup>2</sup> См.: Таджиханов У. Закон. Человек. Государство / Отв. ред. А.Х. Саидов. – Т., 1997. – С. 169.

<sup>3</sup> См.: Рабочая книга по прогнозированию / Под ред. Э. В. Обминского. – М., 1993. – С. 48.

1. *Адекватность отражения общественных потребностей и интересов.* Адекватное отражение в законе всей гаммы социально-правовых интересов во многом снимает проблему действенности правотворчества, закладывает в правовые акты соответствующий потенциал прогнозной обеспеченности. Здесь необходимо решение принципиальных вопросов: в какой мере и каким образом возможно удовлетворение правовых потребностей и интересов, каков критерий вычленения приоритетного интереса; при наличии каких объективных и субъективных условий возможно оптимальное сочетание различных интересов; каков его практический механизм в законе и в правореализационной практике.

Вилоят ва туман хотин-қизлар қўмиталарида Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги конвенция қоидаларини қўллаш масалалари юзасидан давлат муассасаларининг мансабдор шахслари, суд тизими ходимлари ва жамоатчилик орасида маърифий-тарғибот ва ахборот-тарғибот ишлари ва Миллий ҳаракат режасини бажариш юзасидан ишлар олиб борилмоқда.

2005 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорликда республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва республика Президенти томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар асосида Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, вазирликлар ва идоралар, тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари ва мутахассисларини жалб этган ҳолда ўқув машғулотлари ташкил этиб келинмоқда. 2005-2010 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси шаҳар ва туманлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталарининг барча вакиллари (ҳар йили шаҳар ва туманлар хотин-қизлар қўмиталарининг 200 нафар раиси) ўқитилди.

Ёшлар билан ишлаш, кадрлар захирасини мустаҳкамлашга катта эътибор берган ҳолда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчилигига аёл раҳбарлар қабул қилишни ошириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. 1996-2010 йиллар мобайнида Академияда 91 нафар раҳбар аёл ўқитилди. Улар орасида вилоятлар, шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталарининг 25 нафар раислари ҳам бор.

2008 йилдан бошлаб эса Давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорликда 200 нафар шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталарининг бош мутахассислари, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизимидаги ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан ишлаш бўлинмалари бошлиқлари — хотин-қизлар қўмитаси раислари учун бир ойлик малака ошириш курсларини ташкил этиш бўйича шартнома тузилди. Шартномага кўра Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Наманган, Фарғона ва Хоразм вилоятлари ҳамда уларга бўйсунувчи шаҳар, туман хотин-қизлар қўмиталари мутахассисларининг малакалари оширилди.

Шу жумладан, фаол хотин-қизлар билан ишлаш ва уларнинг жамият ҳаётидаги таъсирини кучайтириш юзасидан Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари қошида «Раҳбар аёллар» клублари ташкил этилган.

Клуб ўз фаолияти доирасида санъат, маданият, адабиёт соҳасидаги раҳбар аёллар, таълим, соғлиқни сақлаш, ички ишлар, прокуратура ва бошқа соҳалардаги ҳамда тадбиркор ва фермерлик фаолияти билан шуғулланувчи раҳбар аёлларни жалб этган ҳолда турли йўналишлар бўйича иш олиб боради.

Марказий аппарат томонидан ҳудудлар бўйича жами 9000 нафардан ортиқ раҳбар аёлнинг рўйхати жамланган. «Раҳбар аёллар» клуби аъзоларининг замон талабларига мос билим, кўникма ва малакаларини шакллантириб бориш борасида ҳам Давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорликда қисқа муддатли ўқитиш ишларини ташкил этиш йўлга қўйилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТнинг Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда 2007-2009 йилларда («Ўзбекистонда аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш учун ташкилий (институционал) ва ҳуқуқий салоҳиятни ривожлантириш» ҳамда «Меҳнат миграцияси жараёнларида иштирок этаётган аёлларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтиришни қўллаб-қувватлаш» лойиҳалари) турли мақсадли гуруҳлар учун бир қанча таълим семинарлари ўтказилди.

Юқоридагилар билан биргаликда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказилган барча тадбирларнинг қатнашчиларига БМТ Қўмитасининг ўзбек тилидаги Якуний мулоҳазалари тарқатилди.

Қуйидагилар ташкилотлар билан иш олиб боришда Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигининг муҳим элементлари ҳисобланади:

— манфаатдор ташкилотлар учун оилавий можаролар муаммоси бўйича таълим тренинглари ўтказиш;

— жамиятнинг барча қатламлари учун оилавий можаролар муаммоси бўйича ахборот ва таълим кампаниялари ўтказиш (дастурлар, сюжетлар ва эълон қилинадиган материалларни яратиш ва маҳаллий ОАВда жойлаштириш, ушбу муаммо бўйича плакатлар, ахборот берувчи рисолалар, реклама варақалари тайёрлаш ва тарқатиш).

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан аёлларни ижтимоий ҳимоялаш марказлари ташкил этилган бўлиб, Бухоро вилоятининг ҳар бир туманида иш олиб борувчи ушбу марказлар фаолияти тажрибаси республика даражасида умумлаштирилди. Ҳозирги вақтда республикада 64 та ана шундай марказ (Бухорода — 40 та, Навоийда — 11 та бошқа вилоятларда 13 та) фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида ҳам «Аёлларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш марказлари» фаолияти йўлга қўйилган.

2008-2009 йиллар давомида ушбу марказлар томонидан ҳуқуқий масалалар бўйича 1290, ижтимоий масалалар бўйича 164, соғломлаштириш масалалари бўйича 287 нафар аёлга одамга ҳуқуқий, психологик ва тиббий ёрдам кўрсатилди. 356 та ўқув курси ва 20 та семинар ўтказилди.

Марказлар томонидан қуйидаги шаклларда хизматлар кўрсатилади:

- ишонч телефонига мурожаат этиш;
- психологик ёрдам;
- ҳуқуқий маслаҳат;
- аёлларнинг ижтимоий ҳимоячиси сифатида фаолият олиб бориш;
- вақтинчалик бошпана бериш;
- ишга жойлашишда кўмаклашиш.

Маълумки, аёллар ҳуқуқларининг бузилиши жиноятчиликнинг одам савдоси билан боғлиқ шаклларида кўпроқ намоён бўлмоқда. Бу борада яратилган ҳуқуқий асослар натижасида республиканинг барча вилоятларида кенг профилактик ва ахборот-тарғибот ҳамда тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Хотин-қизлар қўмитаси турли давлатлар ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда аҳоли, айниқса, аёллар ва қизларнинг хорижда ноқонуний ишлашининг олдини олишга қаратилган тадбирлар ўтказмоқда. Бу борада бир қатор жамоатчилик ташкилотларида ишонч телефонлари фаолияти йўлга қўйилган. У ерда аҳолига бепул ва аноним маслаҳатлар берилади. Ушбу хизматни йўлга қўйиш орқали қуйидаги натижаларга эришилди:

2004 йилнинг декабрь ойида «Марказий Осиёда одам савдосининг олдини олиш» лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳрида одам савдосидан жабрланганлар учун Реабилитация маркази очилди. Мазкур марказ «Марказий Осиёда одам савдосининг олдини олиш» лойиҳаси доирасида «Istiqbolli avlod» Ёшлар ахборот-маърифат маркази қошида фаолият кўрсатмоқда.

Хотин-қизларнинг иқтисодий жабҳадаги имкониятларини янада кенгайтириш ҳам барча халқаро ва миллий қонун ҳужжатларимизда белгиланган асосий вазифалардан ҳисобланади. Аёлнинг иқтисодий майдондаги нуфузини оширишнинг биринчи шартлари уларнинг иш билан бандлигини таъминлашдир. Шу боис давлатимиз томонидан қатор йиллардан буён аёлларга иш ўринлари яратиш бўйича уларни иш билан таъминлашга қаратилган турли дастурлар ишлаб чиқилмоқда.

2005-2007 йилларга мўлжалланган дастурлар натижасида 600 мингдан зиёд ва уларнинг узвий давоми сифатида 2010 йил учун тасдиқланган дастурлар асосида 410 минг нафар аёлнинг иш билан банд этилишига эришилди.

Дастурларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда давлат ва нодавлат ташкилотлари билан бирга халқаро ташкилотлар имкониятларидан ҳам фойдаланилди.

Марказий банк маълумотларига кўра, 2010 йилнинг 11 ойида аёллар учун қарийб 250,6 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 138% кўпдир.

Аёлларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтиришнинг яна бир омили бу юртимизда кредит уюшмаларининг ташкил этилишидир. Ҳозир мавжуд 110 та кредит уюшмасининг 33 тасини аёллар бошқармоқда.

Мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизи қишлоқларда яшайди ва уларнинг катта қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Шу боис аёллар ишсизлигининг маълум фоизи қишлоқ аҳолисига тўғри келади.

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлар билан биргаликда қишлоқда яшаётган хотин-қизларнинг оилавий иқтисодга қўшаётган ҳиссасини кўпайтириш, уларнинг кўзга ташланмайдиган ёки иқтисодий ҳисобга олинмаган меҳнатларидан келаётган даромадлар миқдорини ошириш ва шу орқали аёлларнинг оиланинг моддий таъминотида ўз ўрни борлигини исботлаш, қишлоқ иқтисодиётини ривожлантириш ва аҳолининг моддий ҳаётини фаровонлаштириш мақсадида моҳир ва чевар аёллар томонидан яратилган маҳсулотлар асосида «Кўли гулдир ўзбек аёлин...» доимий кўرғазма-савдосини ўтказиб келмоқда.

2009 йилнинг июнь ойидан бошлаб фаолият юритаётган ушбу кўрғазма-савдода Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан қарийб 1500 иштирокчи аёл қўл меҳнати билан яратилган юзлаб турдаги маҳсулотлари билан



қатнашди. Кўрғазма-савдо доирасида иштирокчиларга «Маҳорат дарслари» машғулоти ташкил этилди. 25 нафар аёл имтиёзли тарзда «Хунарманд» уюшмасига аъзо қилиниб, 500 нафар иштирокчининг тадбиркорликни бошлаш, бизнес-режалар ишлаб чиқиш, микрокредит маблағларни олиш бўйича иқтисодий билимлари оширилди ва уларга маслаҳатлар берилди. Бу кўрғазма-савдо аёллар учун ҳам даромад манбаи, ҳам ўзаро тажриба алмашиш мактаби бўлиб келмоқда.

Кўрғазма-савдо давомида 400 млн. сўмдан ортиқ маҳсулотлар сотилди, талаб юқори бўлган маҳсулотлар учун 120 млн. сўмдан ортиқ буюртмалар олинди, шартномалар тузилди. Уй бекалари бўлган, эндигина тадбиркорликни бошлаётган хотин-қизларда ўз маҳсулотларининг қиммати баландлигига, уларнинг меҳнати қадрланаётганига ва ўз салоҳиятларига ишонч пайдо бўлди. Иштирокчиларнинг микрокредит маблағлари олишга эҳтиёжи борлиги аниқланди ва уларга бу борада ҳуқуқий кўмак кўрсатилди.

Юқорида таъкидланган иш билан таъминлаш дастурларининг ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлашга масъул ташкилотлар аёллар учун қонунларда белгилангани каби шарт-шароитлар яратишга, ойлик маошлари ўз вақтида тўланишига, санитария-гегиена ҳолатларини бузмасликка, ишга қабул қилинаётган хотин-қизларни тузилаётган меҳнат шартномаларидаги мезонлардан тўлиқ хабардор этишга эътибор қаратиб, нуфузли йиғилишларда муаммоларни танқидий-таҳлилий кўриб чиқишни янада кучайтириши зарур.

Ҳукумат томонидан БМТнинг «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги конвенциясининг ҳамда бу соҳада қабул қилинган Миллий ҳаракат режасининг Ўзбекистондаги ижроси бўйича вужудга келган муаммоларни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўрилаётгани ўринлидир, албатта. Бу қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам бежиз эмас:

- эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳлар ва баъзи камситилишлар кўринишларининг олдини олиш;
- одам савдосига қарши курашиш ва профилактика ишлари олиб бориш;
- хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги билимларни кенгайтириш ва кўникмаларни такомиллаштириш;
- оилавий низоларнинг олдини олиш ва бошқалар.

Жамият учун ҳар томонлама етук, баркамол фарзандлар тарбиялаб вояга етказишда аёл — она оиланинг асосий таянч нуқтасидир. Жамият аёл ва эркакнинг муносабатлари уйғунлашган оилалардан ташкил топади, шу жуфтлик ўртасидаги муносабат, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофазаси ҳам ҳозирги маданий тараққиётга эришган давлатларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида бош масалалардан бири бўлиб қолади десак, муболаға бўлмайди. Шу боис жамиятда авлодлар давомийлигини таъминловчи АЁЛнинг қадр-қиммати, интилишларига йўл очиш масаласи ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди.

*Н. Н. Дусмухамедова\**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИДА БОЛАНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАСИ

Ўзбекистон мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, республикаimiz йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ва ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида 2010 йилни «Баркамол авлод йили» деб эълон қилиб, болаларнинг таълим-тарбия ва ижтимоий муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда ўз ёндашувини ишлаб чиқмоқда ва шакллантирмоқда. «Баркамол авлод йили» Давлат дастурининг тасдиқланиши бу борадаги муҳим устувор йўналишларни белгилаб берди<sup>1</sup>.

Аҳолининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган болалар ташкил этган Ўзбекистон учун ҳуқуқий, маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол авлодни тарбиялаш келажакдаги фаровон ҳаёт учун замин яратиш демакдир.

Боланинг ҳуқуқий мақоми муаммоси бола мақомининг давлат ва жамият билан ўзаро муносабати масаласига методологик жиҳатдан ёндашиш муҳим эканлигини билдиради. Қандай қадриятлар шахс билан жамият ўртасидаги муносабатларни шакллантиради? Бола жамиятда қандай ижтимоий ва ҳуқуқий мақомга эга бўлади? Бола шахсининг ижтимоийлашуви жараёнида оила ва жамият қандай ўрин тутаети? Давлат қайси институтлар орқали боланинг ижтимоийлашув жараёнига таъсир кўрсатади? Бугунги кунда Ўзбекистон бу саволларга аниқ жавоблар топиши керак.

Боланинг ҳуқуқий мақоми турлича таърифлаш мумкин.

«Боланинг ҳуқуқий мақоми» давлат томонидан оила ва болаликнинг шахсий соҳасига аралашув чегараси ва таъсир этиш чорасини кўрсатадиган тушунча бўлиб, унинг жамият ҳаётида иштирок этиш имкониятларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва амалга оширишнинг юридик ва бошқа кафолатларини белгиловчи воситаларни ўз ичига олади. Боланинг ҳуқуқий мақоми миллий қонунчиликнинг ривожланишига таъсир этадиган муҳим ҳуқуқий институтдир.

Ҳуқуқий мақом — инсон ва жамиятнинг, фуқаро ва давлатнинг, индивид ва жамоанинг ҳамда бошқа ижтимоий қатламнинг ўзаро муносабатларини ифодаловчи комплекс, интеграцион категория<sup>2</sup>.

Бола ҳуқуқлари худди инсон ҳуқуқлари каби ижтимоий муносабатлар ва турмуш тарзининг ажралмас қисмидир. Улар қарама-қаршиликлар, зиддиятларнинг олдини олишнинг норматив шакли ҳисобланади. Уларнинг мавжудлиги боланинг нафақат индивид, балки ижтимоий гуруҳ аъзоси сифатида, худди оила каби нормал шакл-

\* Ўзбекистон Миллий университети давлат ва ҳуқуқ назарияси ва халқаро ҳуқуқ кафедрасининг ўқитувчиси.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисидаги 2010 йил 27 январь қарори // Халқ сўзи. — 2010. — 28 янв.

<sup>2</sup> *Рогова М.И.* Конституционно-правовой статус ребенка в Российской Федерации // Современное право. — 2009. — №6. — С. 18.

ланишини таъминлаш учун объектив зарурий ҳаёт тарзи шарт-шароитларини шакллантиради.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий давлат қуриш, ҳуқуқий тизимдаги ислоҳотлар асосида шахс билан жамиятнинг янги ҳаёт муносабатлари, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг янги концепцияси ишлаб чиқилганлиги туфайли бола билан боғлиқ масалаларнинг янги фундаментал асосини талаб қилмоқда.

Шахс бўлиб шаклланиш, унинг ҳуқуқларини тўла таъминлаш ушбу шахсни тенглаштирадиган маълум маданий макон, муайян жамият доирасида амалга ошади. Инсоннинг ижтимоий мавжудлиги унинг индивидуаллиги билан узвийдир. Яъни индивид—жамиятдан холи бўлмаган мавжудот. Шахс ҳимояси ҳуқуқ тизимининг муҳим жиҳати ҳисобланиб, бу ҳимояни инсоннинг ҳақиқий ижтимоий мақомисиз тасаввур этиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикасида боланинг ҳуқуқий мақоми муаммосига бўлган муносабат долзарбдир, чунки ҳозирги жамиятда боланинг ижтимоий мақомини ҳуқуқий воситалар орқали мустаҳкамлаш катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси томонидан 1989 йилда Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг ратификация қилиниши боланинг ҳуқуқий ва ижтимоий мақомини шакллантириш йўлида ташланган муҳим қадам бўлди, болага тенг ҳуқуқли шахс сифатида янги ҳаёт ёндашув ва муносабатлар асосини яратди. Ушбу ҳужжат орқали Ўзбекистон Конвенция қоидалари ва принципларига риоя қилиш мажбуриятини ҳамда жаҳон ҳамжамияти олдида жавобгарлик масаласини ўз зиммасига олди.

Конвенциянинг бош мақсади бола манфаатларини юқори даражада ҳимоя қилишдан иборат. Конвенция барча болаларнинг шахс сифатида тан олинishi, индивидуаллиги, юридик шахс эканлигини тасдиқлайди ва уларнинг ўз ҳуқуқларини билишлари ҳамда қўллашлари зарурлигини таъкидлайди. Конвенциянинг кўпгина моддалари бола ҳуқуқлари ва уларнинг хусусиятларини ҳимоялашни кучайтиришга қаратилган. Унинг қоидалари қуйидаги тўртта асосий талабларга қаратилган: яшаш, ривожланиш, жамият ҳаётида фаол иштирокини ҳимоя қилиш ва таъминлаш. Кўриниб турибдики, ушбу талаблар болаларнинг ижтимоий тизим жараёнида норасмий ва расмий иштирокини, яъни шахс ижтимоийлашувининг асосий ғояларини ифодалайди. Масалан, давлат ўзининг кўп сонли тузилмалари билан болаларнинг расман иштирокини таъминлайди, лекин уларнинг кенг қўламли фаолиятида давлатнинг аралашуви чекланмайди, балки болаларнинг фаол ижтимоийлашувида керакли ижтимоий, иқтисодий, сиёсий шароитларни яратиб беради. Шунингдек, бу жараёнда жаҳон ҳамжамияти ва жаҳон жамоатчилигининг ўрни ҳам диққатга сазовордир.

Ўзбекистоннинг Асосий қонуни халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка сингдирилишида фундаментал асос ҳисобланади. Боланинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган бола ҳуқуқлари, эркинликлари, мажбуриятлари ва уларни амалга оширишнинг кафолатлари йигиндиси билан ифодаланади.

Боланинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми Конституцияда фуқаронинг мақомидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Конституцияда болага, унинг ҳуқуқларига, эркинликлари ва қонуний манфаатларига давлат ва жамият муносабатининг асосий принциплари мустаҳкамланган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига шарҳлар / Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, UNICEF. — Т., 2009. — 19-б.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг учта моддасида «бола», «фарзандлар» ва «вояга етмаганлар» тушунчалари қўлланилади. Улар қонунчилигимизда легал атамалар сифатида ишлатилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида белгиланишича, «вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексалар давлат ҳимоясидадирлар».

Конституциянинг 64-моддасида «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради»<sup>1</sup> деб кафолатлаб қўйилган.

Конституциямизнинг 65-моддасида: «Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади»<sup>2</sup>, деб таъкидланган.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий принциплари белгиланган. Улар сирасига қуйидаги принципларни киритиш мумкин:

— бола ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоясини таъминлашда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларининг устуворлиги;

— бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва муҳофаза этишнинг давлат томонидан таъминланиши;

— етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга давлат ва жамият томонидан гамхўрлик кўрсатилиши;

— болаларнинг келиб чиқиши ёки ота-онасининг фуқаролик ҳолати сабабли камситилишига йўл қўймаслик;

— болаларга нисбатан хайрия ишлари амалга оширилишини рағбатлантириш;

— ота-оналарнинг ўз фарзандларини боқиш ва тарбия қилиш мажбурияти<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Конституциясининг қолган нормаларида бола ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида назарда тутилиб, «фуқаро», «ҳар бир» иборалари орқали кўрилади. Демак, бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларга эгадир.

Таъкидлаш жоизки, бола нафақат ҳуқуқларга, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-50-моддаларида назарда тутилган мажбуриятларга ҳам эга. Болалар:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этишга;

бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга;

Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга; атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

Мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ҳимоясига доир ўзига хос миллий қонунчилик тизими ҳам яратилган. Бу Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, Фуқаролик кодекси, Меҳнат кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., 2009.

<sup>2</sup> Ўша манба.

<sup>3</sup> «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига шарҳлар / Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, UNICEF.— Т., 2009. — 20-21-б.

тўғрисидаги кодекси, «Ўзбекистон Республикасида Давлат ёшлар сиёсатининг асослари тўғрисида», «Таълим тўғрисида», «Фуқаролик тўғрисида», «Фуқароларнинг соғлигини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва яна бир қатор бошқа қонунлардан иборат. Чунончи, Оила кодексида бола тарбиясига оид меъёрлар аниқ кўрсатилган. Унда болаларнинг, шу жумладан, етим, ота-онасиз, қаровсиз қолган, ногирон болаларнинг ҳуқуқларини кафолатловчи қоидалар ва бошқа ҳуқуқий нормалар кўзда тутилган.

Бола ҳуқуқлари ва эркинликлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги<sup>1</sup> қонуннинг қабул қилиниши болага тенг ҳуқуқли шахс сифатида янгича ёндашувлар ва муносабатлар асосини ташкил этди. Ушбу қонун бола ҳуқуқ ва эркинликларига қатъий риоя этилиши ва унинг манфаатлари устуворлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ҳамда такомиллаштиришнинг узвий давоми бўлди. Уни асосли равишда Болалар конституцияси деб ҳам аташмоқда.

Қонунда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ҳуқуқларининг қўшимча кафолатларига доир ҳуқуқий нормалар алоҳида белгилаб берилди.

«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши жамиятимизда боланинг ҳуқуқий ҳолати, ҳуқуқий кафолатлари ва ҳимояси аниқ белгилаб берилишини таъминлади. Шунингдек, бу бола ҳуқуқлари бўйича қонунчиликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга, бола ҳуқуқларини таъминлаш борасида қонунчилик, ижроия ва суд органлари фаолиятинининг асосий йўналишларини белгилаб, шу соҳада давлат ва жамоат назоратини мустаҳкамлашга асос яратди. Мазкур қонунда мустаҳкамланган қоидалар бир қатор қонуности ҳужжатларида тегишли ўзгартишлар киритилиб, янада ривожлантирилмоқда.

Ҳуқуқий муносабатларнинг мана шу соҳасида миллий қонунчилигимизнинг замонавий ҳуқуқий базаси ўз мазмунига кўра кенг бўлиб, бугунги кунда янада такомиллаштирилди. Халқаро меҳнат ташкилотининг Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисидаги 138-конвенцияси, Болалар меҳнатининг огир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги конвенция Ҳукуматимиз томонидан ратификация қилиниб<sup>2</sup>, миллий қонунчилигимизга ўзгартишлар киритилди. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 77-моддасининг иккинчи қисмига кўра, «ишга қабул қилишда йўл қўйиладиган ёш» 15 ёш этиб белгиланди. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 20-моддасига қуйидаги ўзгартишлар киритилди: «Болаларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий камол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуни // Халқ сўзи. — 2008. — 8 янв.

<sup>2</sup> Болалар меҳнатининг огир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилиш чоралар тўғрисидаги конвенцияни (Женева, 1999 йил 17 июнь) ратификация қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 апрель қонуни // Халқ сўзи. — 2008. — 9 апр.

ўқишдан бўш вақтида бажариши учун — улар ўн беш ёшга тўлганидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади».

Ҳар қандай жамият ўз фарзандларининг масъулиятни ҳис этадиган, муносиб фуқаролар бўлиб етишишлари ва давлат тараққиёти, унинг гуллаб-яшнашига ўз улушларини қўшишларига умид қилади.

Афсуски, дунёнинг кўпгина мамлакатларида болалар ҳали ҳам ўз ҳуқуқларидан маҳрум этилганлар, яъни уларнинг соғ-саломат яшаб, тўлақонли ривожланишлари ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишлари учун ҳеч қандай имконият яратилмаган.

Тараққий этаётган мамлакатлардаги каби саноати ривожланган мамлакатларда ҳам болалар ҳар куни кўчаларда наркотик моддалар, жинсий зўравонликлар хавфига дуч келмоқдалар. Уларнинг иш соатлари баъзи ҳолларда ниҳоятда узун бўлганлиги боис, болалар соғлиғига хавф туғдиради, натижада улар дам олиш, маданий ҳордиқ чиқариш имкониятларидан маҳрум бўлиб келмоқдалар. Халқаро меҳнат ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, йилига 5,7 миллион нафар бола мажбурий меҳнат билан машғул бўлса, 1,2 миллион нафар бола одам савдоси қурбони бўлади<sup>1</sup>.

Ўзбекистонда болалар аҳволини тавсифловчи маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, оғир шароитларда яшовчи болаларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: хусусан, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, ижтимоий кам таъминланган болалар, ҳуқуқбузар болалар, ногирон болалар.

Аҳоли орасида болалар улушининг катталиги барча болалар ижтимоий қатламлари ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича аниқ йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишни талаб қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплексининг 2007 йил 15 январдаги «Ўзбекистонда болалар фаровонлигини таъминлаш бўйича Ҳаракат дастури»<sup>2</sup> да белгиланган алоҳида шароитдаги болаларни қўллаб-қувватлашга доир устувор йўналишлар ўта муҳим вазифаларни қамраб олди.

Ўсиб келаётган ёш авлодни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида амалга ошири-лаётган чора-тадбирлар «қаровсиз болалар» муаммоларининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг олдини олиш учун шарт-шароит яратиш имконини берди. Ўзбекистонда амалда қўлланилаётган «бундай болаларни қутқариш» режаси қуйидагиларни ўз ичига олади:

— бундай болаларни аниқлаш ва давлат қарамоғига олиш — махсус таълим-тарбия муассасаларига жойлаштириш ёки васийликнинг бошқа муқобил шакллари билан қамраб олиш;

— ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш, ёшларни соғлом, мукамал оилани шакллантиришга тайёрлаш, жамоатчиликнинг (маҳаллаларнинг) ҳар бир оилага эътибори ва ғамхўрлигини кучайтиришга доир мақсадли чора-тадбирларни амалга ошириш.

<sup>1</sup> Исмаилов И. Улар — бахтимиз, келажагимиз // Қалқон. — 2010. — №6. — 12-б.

<sup>2</sup> «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг Ўзбекистон Республикаси қонунларидаги акси мавзудаги илмий-амалий семинар учун тарқатма материаллар. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Парламентнинг қонун ижодкорлиги ва институционал салоҳиятини такомиллаштириш» кўшма лойиҳаси. — Т., 2007. — 131-132-б.

Бироқ, энг асосийси, болаларни давлат муассасаларида тарбиялаш борасидаги ҳеч қандай, ҳатто энг яхши ёндашув ҳам ота-она ўрнини боса олмаслигини тан олиш зарур. Шу сабабли, давлат оилани мустаҳкамлаш ва бузилишининг олдини олиш имкониятларини излаб топмоқда.

Давлат болалар манфаатлари йўлида алоҳида сиёсат ишлаб чиқмоқда ва амалга оширмоқда.

Республикамиз аҳолисининг каттагина қисмини ташкил этадиган болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичида долзарб аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан болалар манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор миллий дастурлар, қонунлар ва фармонлар қабул қилиниб амалиётга татбиқ этилмоқда. Шунингдек, болалар манфаатлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича тузилмалар фаолият кўрсатмоқда.

Давлатимиз томонидан болалар мақомини ҳимоя қилиш борасида зарурий вазифалар амалга оширилаётган бўлса-да, болаларнинг аҳволи давлатни ташвишлантираётган алоҳида соҳа бўлиб қолмоқда. Шу боис бугунги кунда болаликка оид ижтимоий муаммолар кундалик турмушда кўпроқ ўз ифодасини топмоқда.

Давлатнинг болалар манфаатлари соҳасидаги ижтимоий сиёсати демография, оила ва ёшлар сиёсати билан ўзаро боғлиқ, лекин болалар манфаатларига оид сиёсат ўзининг объекти, предмети, мақсади ва махсус вазифаларига эга бўлган мустақил мақомни олиши керак. Мазкур сиёсатнинг мақсади — боланинг аҳволини яхшилаш, жамият ва давлат томонидан болалар ва ёшларга нисбатан барча ижобий ўзгаришларга замин яратишдан иборат бўлиши лозим. Зеро, Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, «барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради»<sup>11</sup>.

Боланинг ҳуқуқий мақомини тўлалигича ўрганиш зарурияти, унинг тушунчаси, тузилиши ва элементларини аниқлаш аввало ушбу институтнинг амалий аҳамиятга эга эканлиги билан боғлиқ. Бу масала Ўзбекистон давлатчилигининг ҳозирги ривожланиш шароитида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлат ва жамият ривожланишининг янги ҳуқуқий ғоялари, принциплари, вазифа ва мақсадларини олий норматив даражага кўтаришида намоён бўлди.

<sup>11</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир // Халқ сўзи. — 2009. — 6 дек.

М.Т. Турғунов\*

## ҚАДИМГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИ ВА ҲУҚУҚИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШГА ЦИВИЛИЗАЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ

Ўзбек халқининг давлат ва ҳуқуқи қадимги Миср ва Хитой билан баҳслаша оладиган кўп минг йиллик тарихга эга. Мустақиллик бизга ўз тарихимиз, маданий ва илмий меросимизни ўрганиш, тарихни ҳаққоний идрок этиш ва тарихий хотирани шакллантириш имкониятини яратди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, «мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, кадриялари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу – табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, Ватанининг тарихини билишни истади»<sup>1</sup>.

Давлатнинг тарихий илдизларини, у қандай шароитларда пайдо бўлганини, қандай ривожланганлиги ва ҳозирги нуқтаи назардан қандай мазмун касб этганлигини билмай туриб цивилизация ҳодисаси сифатида давлатни илмий тушуниш мумкин эмас<sup>2</sup>.

Кишилик жамияти тараққиётини ўрганишда ягона ёндашув мавжуд эмас. Уни тушунишда яқин вақтларгача устунлик қилган, европацентристик ҳамда материалистик ёндашув тарихни узлуксиз синфий кураш ва ижтимоий можаролар жараёни сифатида талқин қилиб келди. Бу билан ижтимоий консенсус, бирлик, муросага бориш инкор этилди. Шу сабабли, фикримизча, тарихга нисбатан айнан цивилизациявий ёндашиш, бир томондан, «синфий ёндашиш»дан, иккинчи томондан, миллий ўзига бино қўйишдан холи бўлган миллий ғояни ривожлантиришга қодирдир, чунки цивилизация – ҳатто ўзининг маҳаллий шаклларида ҳам моҳиятига кўра умумбашарий воқелиқдир.

Ўзбекистон ҳудудидаги цивилизация жараёнлари тарихини ўрганиш эндигина бошланди. Цивилизация ҳодисаси сифатида қадимги ўзбек давлатчилиги ва ҳуқуқи тараққиёти тажрибасини таҳлил этиш Ўзбекистон қадимги давлатчилиги ва ҳуқуқининг ҳали номаълум бўлган жиҳатларига эътибор қаратиш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг қадимги цивилизацияси нафақат ўзбек халқининг аجدодлари, балки Марказий Осиёнинг бошқа халқлари аجدодлари томонидан яратилган; Ҳиндистон, Эрон, Хитой, Юнонистон ва Буюк Даштнинг қадимги халқлари ҳам унга ўз ҳиссаларини қўшишган. Карвон йўллари ёқасида жойлашган Ўзбекистоннинг қадимги давлатчилиги ташқаридан бўладиган таъсирга учраши, ўз навбатида ўзи ҳам қўшни ҳудудларга таъсир этмаслиги мумкин эмас эди.

Бутун дунёда бўлгани сингари Марказий Осиёда ҳам давлатчилик абадий мавжуд бўлган эмас, балки инсоният тараққиётининг муайян босқичида вужудга келган. Антропологиянинг сўнгги маълумотларига кўра фақат замонавий кроманьон одамнинг (*homo sapiens* ёки неантропнинг) тарихи 40 минг йилни ташкил этади, инсоният

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлигининг биринчи ўринбосари, юридик фанлар номзоди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. –Т., 1999. – 132-б.

<sup>2</sup> Қаранг: Кашанина Т.В. Происхождение государства и права. Современные трактовки и новые подходы. – М., 1999. – С.335.



тарихидаги илк давлат тузилмалари эса бундан қарийб 5 минг йил олдин, милoddан аввалги тўртинчи ва бешинчи минг йиллик чегарасида пайдо бўлган. Бинобарин — давлатчилик инсониятнинг нисбатан яқин вақтлардаги ихтиросидир. Инсон ўз онгли тарихининг мутлақо катта қисмида давлат бўлиб уюшган жамиятдан ташқарида яшаган<sup>1</sup>.

«Цивилизация» тушунчаси ёрдамида тарихни ўрганиш асослари инглиз тарихчиси А.Ж.Тойнби (1889—1975) томонидан 1934—1961 йилларда чоп этилган ўн икки жилдли «Тарихни англаш» («A Study of History») асарида ишлаб чиқилган. Муаллиф цивилизациялар фарқини энг аввало, тафаккур тарзида кўради. У маданий элемент ўзида «цивилизациянинг қалби, қон томири, моҳияти»ни ифдаллаши тўғрисидаги қонидани асослади. Тойнбининг фикрича, цивилизация географик, миллий, диний ва бошқа белгиларнинг умумийлиги билан фарқ қилувчи жамиятнинг тор ва маҳаллий ҳолатидир. У шу асосда жаҳон тарихида 21та цивилизацияни ажратиб кўрсатди. Умуман олганда эса, турли олимлар томонидан цивилизацияларнинг 15—20тадан 30тагача тури фарқланади<sup>2</sup>.

Давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлишига бевосита алоқаси бўлган неолит инқилобининг муҳим оқибатларидан бири уруғлараро алоқаларнинг ривожланиши ва жамият устидаги қурилмаларнинг шаклланиши бўлган. «Неолит инқилоби» («неолит» сўзидан — янги тош асри) тушунчасини инглиз археологи Г.Чайлд XX аср ўртасида тарих фанига олиб кирди. У неолит даврида (тахминан милoddан аввалги VII—III минг йиллик) ўзлаштирувчи хўжалиқдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка, яъни овчилик, балиқчилик ва мева теришдан деҳқончиликка, чорвачиликка, темирчилик ва металлга ишлов беришга, сопол ишлаб чиқаришга ўтиш чоғида инсоният ҳаётининг барча соҳаларида юз берган қатъий сифат ўзгаришини таърифлаб берди. Ушбу ўтиш даври бундан тахминан 10—12 минг йил илгари бошланиб, бир неча минг йил давом этган. У ибтидоий жамият ҳаётининг бутун моддий асосини, ижтимоий ва маънавий тузилишини ўзгартириб юборган ва шу сабабли, адолатли равишда инқилоб деб аталади. Бундай даврлаштириш қайси ибтидоий жамият тўғрисида бораётганини, у қандай вақт доираларида мавжуд бўлганини, унинг ижтимоий ва маънавий тузилиши қандай бўлгани, инсоният такрор ишлаб чиқариш ва турмуш кечиришнинг қандай шаклларида фойдаланганини аниқ белгилаш имконини беради.

Бинобарин, давлатчилик назарияси учун ўзлаштирувчи ёки ишлаб чиқарувчи иқтисодийга эга бўлган жамиятларда ҳокимиятни ташкил этиш ва ижтимоий-регулятив тизимларнинг қандай шакллари мавжуд бўлганини аниқ белгилаш имконияти пайдо бўлди.

Давлатчиликнинг келиб чиқиши тўғрисидаги масала — тарих фани ва юридик фандаги мунозарали масалалардан биридир. Давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлишини турлича тушунтирувчи кўплаб назариялар мавжуд. Бироқ, шуни қайд этиш лозимки, муайян назариялар доирасида ҳам давлатчилик пайдо бўлиши тўғрисида ягона фикр йўқ. Давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларининг вужудга келиши ва тараққиётининг турлича талқин этилиши қуйидагилар билан белгиланади: *биринчидан*, давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши жараёнининг ўзи мураккаб ва серқирралиги; *иккинчидан*, тадқиқотчиларнинг тафаккури, эътиқоди, манфаатлари ва бошқа субъектив омиллар билан боғлиқлиги; *учинчидан*, у ёки бу нуқтаи назарга таянган ҳолда давлат ва ҳуқуқнинг дастлабки вужудга келиши тўғрисидаги масалани бузиб кўрсатишларнинг мавжудлиги; *тўртинчидан*, давлат ва

<sup>1</sup>Ртвеладзе Э. В., Саидов А. Х., Абдуллаев Е. В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси: давлатчилик ва ҳуқуқ тарихидан лавҳалар. — Т., 2001. — 10-б.

<sup>2</sup>Қаранг: Тойнби А. Ж. Постигание истории. — М., 1991; Сорокин П. А. Человек. Цивилизация. Общество. — М., 1992; Вебер М. Избранные произведения. — М., 1990; Шпенглер О. Закат Европы. Т.1. — М., 1993; ва бошқ.

ҳуқуқнинг вужудга келишидан кейин ўтган вақтнинг узоқлиги, фактик материалларнинг сақланиб қолмаганлиги<sup>1</sup>.

Шу сабабдан неолит инқилобининг муҳим оқибатларидан бири бўлган жамият устидаги қурилмаларнинг вужудга келиши ва эволюцияси маълум даражада муайян-тарихий омиллар таъсирида турли шаклларга эга бўлган. Улардан баъзилари айрим халқлар учун типик бўлган, бироқ бошқа халқларда ривожланмаган. Давлатчиликнинг ташкил топиши жараёнларида жамоалараро алоқалар ва ташкилий бирлашма шаклларида бири — қабилавий тузум алоҳида мавқега эга бўлган.

Жамоа тузумининг, айниқса, сўнгги уруғчилик жамоасининг табиий эволюцияси (тадрижий ривожланиши) натижасида кўпгина янги оила-уруғ жамоалари вужудга келган. Бу эса анча йирик ижтимоий ташкилотлар — иттифоқлар (фратриялар) ва қабилаларнинг, баъзан эса қабилалар иттифоқининг пайдо бўлишига олиб келган. Қабила одатда ўз ҳудудига, номи, тили (шевасига), диний ва маиший урф-одатларига эга бўлган. Аста-секин қабиланинг ўзини ўзи бошқариш органлари, аввало қабила кенгаши ташкил топа бошлаган. Унинг таркибига, одатда қабиладаги барча уруғларнинг оқсоқоллари (доҳийлари) кирган. Қабила кенгаши аъзолари, шунингдек, қабила йўлбошчиси (доҳийси) қабила аъзолари томонидан сайланган ва алмаштирилган. Қабиланинг ҳар қандай аъзоси Кенгаш мажлисида сўзга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган ва мажлис қарорлари юзасидан ёки қабила бошлигининг хатти-ҳаракатлари бўйича ўз фикр ва мулоҳазаларини билдира олган.

Қабила органларининг фаолияти жамоа ишларини ташкил этишга, оила-уруғ гуруҳлари ўртасидаги алоқаларнинг кенгайишига, уруғлараро низоларни, шунингдек бошқа қабилалар билан ўзаро муносабатларни тартибга солишга ёрдам берган<sup>3</sup>.

А. Х. Саидов ва Ж. Ў. Тошқуловнинг таъкидлашларича, «сўнгги тарихий маълумотларга кўра милоддан аввалги биринчи минг йилликнинг бошларидаёқ Марказий Осиё ҳудудида 20 га яқин қабилалар бўлиб, улар бир неча қабилалар иттифоқига бирлашган эдилар. Булар орасида бир неча сак қабилаларини бирлаштирувчи массагетлар иттифоқи алоҳида мавқе билан бошқа қабилалар иттифоқидан ажралиб турган. Бинобарин, туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқининг илдизлари ана шу массагетларга бориб тақалади»<sup>3</sup>.

Давлат ва ҳуқуқ тарихидан олдинги даврнинг муҳим босқичи — жамоа тепасида турувчи мураккаб тузилмаларнинг ва уларга мос ижтимоий-меъёрий тартибга солиш механизмларининг ташкил топиши билан бирга, ўз мазмунига кўра давлатдан олдинги жамиятни бошқаришнинг тамоман янги асосларининг шаклланиши бўлган.

Бошқарув фаолиятининг янги қиёфаси жамият ҳаётининг эҳтиёжлари, хўжалик фаолиятининг мураккаблашуви ва одамлар ижтимоий-маданий алоқаларининг бутун тизими натижасида шаклланган. Ижтимоий ишларни ташкил этиш ва назорат қилиш, озиқ-овқат ва бошқа ресурсларни сақлаш ва тақсимлаш, қўшни гуруҳлар билан айирбошлаш муносабатларини юритиш зарурияти керакли билим ва маҳоратга эга бўлган махсус ишлаб чиқаришни ташкил этувчилар қатламнинг ажралиб чиқишига олиб келган.

Ижтимоий меҳнат тақсимодининг муҳим турлари (деҳқончиликдан чорвачилик ва бошқаларнинг ажралиб чиқиши) билан бир қаторда бошқарувчилик фаолиятининг ҳам ажралиб чиқиши ва аста-секин ихтисослашиб — доимий касбга айланиб бориши содир бўлган. Одамларнинг сон жиҳатидан иккита нотенг гуруҳларга (бошқарувчилар

<sup>1</sup> Общая теория государства и права. Академический курс в 2-х томах / Отв. ред. проф. М.Н.Марченко. — Том 1. Теория государства. — М., 2000. — С. 30.

<sup>2</sup> Мухамедов Ҳ. Қадимги дунё давлати ва ҳуқуқи тарихи. — Т., 1999. — 33–34-б.

<sup>3</sup> Саидов А., Тошқулов Ж. Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. — Т., 1995. — 12-б.

ва бошқарилувчиларга) бўлиниши жуда катта аҳамиятга эга бўлган, бу давлатнинг ташкил топишидаги охири босқич ҳисобланган<sup>1</sup>.

*Бошқарувчилик* вазифа (лавозим)лари уларнинг эгаларига катта моддий фойда келтирган, уларнинг бутун жамоага ўз хоҳиш-иродаларини ўтказишларига имконият яратган. Шаклланаётган бошқарувчилар табақаси ўз ҳокимияти ва имтиёзларидан ажралиб қолишни асло хоҳламас эди, шу боис уни ўз оиласи ва уруги билан мустақамлашга интилган. Ташкилотчилик фаолияти сиёсий хусусият касб этган. Жамоанинг маъмурий оқсуяклари (аслзодалари) давлат зодагонларига айланган. Жамоанинг юқори доиралари ўз анъанавий обрў-эътибори ва диний-мифологик асослар тизимидан фойдаланиб, бошқалар учун берк бўлган ёпиқ табақага ёки кастага бирлашишга ҳаракат қилган.

Ташкил топаётган илк давлатларда йўлбошчи (доҳий)нинг мавқеи ҳам ўзгарган, у борган сари кўпроқ маъмурий мансабларига таянадиган бўлиб қолган ва шу тариқа ўз ҳокимиятини кучайтириб борган. Шундай қилиб, илк давлатлар уруғ-қабилла тизимига ташқаридан зўрлаб киритилган куч сифатида эмас, балки жамоа тузилмаларининг мантиқий ва табиий ривожланиши натижасида унинг тадрижий давоми сифатида вужудга келган. У оила-уруғ гуруҳларининг умумий манфаатлари ва эҳтиёжлари билан мустақамланган, лекин илгариги ижтимоий бошқарув тизимидан мураккаб маъмурий иерархия ташкил этганлиги билан фарқ қилади. Бу иерархиянинг энг тепасида йўлбошчи (доҳий) турган, унинг ҳокимияти авторитар ва муқаддас хусусият касб этган. Демак, «неолит инқилоби» — инсониятнинг ишлаб чиқариш иқтисодиётига ўтишига, ибтидоий жамоанинг социал табақаланиши ва давлатнинг пайдо бўлишига олиб келган<sup>2</sup>.

Шаҳар-давлатларнинг ташкил топиши — бу инсониятнинг ибтидоий жамиятдан цивилизацияга томон тараққиётида ўзига хос поғона бўлган. Инсониятнинг цивилизацияга ўтиши турли қитъаларда ва турли халқларда тарихий жараёнларнинг нотекис ривожланиши натижасида турли вақтларда содир бўлган ҳамда асрлар ва баъзан минг йиллар давом этган.

Ўзбекистоннинг археолог олимлари сўнгги йилларда қадимги аждодларимиз умргузаронлик қилган манзилгоҳларни ўрганишга муваффақ бўлдилар ва уларнинг даврларини аниқладилар. Жумладан, бундан 4 минг йил аввал мавжуд бўлган Сополлитепа ва Жарқўтон ёдгорликлари (Сурхондарё), милоддан аввалги 2 минг йилликнинг охири ва 1 минг йилликнинг бошида мавжуд бўлган Далварзинтепа, Ашқолтепа, Чимбой ёдгорликлари (Фарғона воҳаси), милоддан аввалги 1 минг йилликнинг бошларидаги Амиробод, Якка Порсон, Тагискен ёдгорликлари (Хоразм) ва бошқалар ўрганилган.

Ушбу ёдгорликларнинг аксарияти уч қатор мудофаа девори билан ўралган, унинг қалинлиги 2 метрни ташкил этган, уларда ибодатхоналар, ҳукмдорлар саройи бўлган. Мазкур белгилар бу ерларда давлатлар амал қилганлигини кўрсатади. Ушбу ёдгорликларни давлатчилик нуқтаи назаридан чуқур тадқиқ этиш давр талабидир.

Шундай қилиб, ҳозирги замон тарихий, этнографик, археологик ва бошқа маълумотларининг ёрқин гувоҳлик беришича, адабиётларда кўп вақт марксча-ленинча таълимот асосида эътироф этиб келинганидек, давлат — синфий ҳукмронлик асосида эмас, балки ибтидоий жамоа тузумининг табиий ривожланиши давомида ички сабаблар натижасида пайдо бўлган жамоа тепасида турувчи тузилмалардан ташкил топган. Илк шаҳар-давлатларнинг хусусиятларидан бири — бу мураккаб ташкилий-бошқарувчилик тизимининг вужудга келиши ва унинг аста-секин ёпиқ ва ўзини вужудга келтирган жамиятдан ажралиб борадиган тизимга айланишидир.

<sup>1</sup> Қаранг: *Муҳамедов Ҳ.* Қадимги дунё давлати ва ҳуқуқи тарихи. — Т., 1999. — 34–35-б.

<sup>2</sup> *Саидов А., Тожиқонов У.* Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Икки жилдли. 1-жилд. Давлат назарияси. — Т., 2001. — 75-б.

Ш.О. Мамадалиев\*

## ҲУҚУҚ ФАЛСАФАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАР ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

**Х**уқуқ фалсафаси кеча ёки бугун пайдо бўлган ижтимоий-гуманитар фанлар тармоғи эмас. Айрим фалсафий-ҳуқуқий адабиётларда «хуқуқ, хуқуқ фалсафаси, қонун тушунчалари давлат пайдо бўлиши билан вужудга келган»<sup>1</sup> — деган фикр илгари сурилади.

Бизнингча, хуқуқ, қонун, хуқуқ фалсафаси ҳақидаги тасаввурлар давлатнинг пайдо бўлишидан олдин вужудга келган бўлиб, у дунёвий тафаккур маҳсулидир. Дунёвий тафаккурсиз давлатнинг пайдо бўлиши мумкин эмас, чунки давлат — маълум гоё, мақсадни ҳаётга татбиқ этиш учун онгли равишда ташкил этилган ижтимоий тузилма. Давлатнинг қандай бўлиши тегишли гоё ва мақсадга боғлиқ. Бунёдкор гоё ва мақсад асосига қурилган давлат яратувчи хуқуқий давлатдир. Хуқуқий давлат асосида «инсон давлат учун эмас, давлат инсон учун» деган фалсафа ётади. Ушбу фалсафа эса давлатнинг — хуқуқий давлат, жамиятнинг — фуқаровий жамият бўлишини объектив заруриятга айлантиради. Маълумки, табиий қонунлар табиат томонидан яратилади, аммо ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи позитив хуқуқ, юридик қонунлар инсон (парламент) томонидан яратилади. Инсон томонидан яратилган қонунлар сифати эса инсон онгининг ижтимоий борлиққа адекватлигига ҳамда табиат қонунлари билан уйғунлигига боғлиқ бўлади.

Бу эса, хуқуқ фалсафаси — хуқуқ, қонунларга шарҳ берувчи фан эмас, балки уларнинг сифати, мазмуни ва моҳиятини акс эттирувчи, яратувчи фан дегани. Хуқуқ фалсафаси асосида ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи фикр, гоё ётади. Хуқуқ фалсафаси фанининг предметини эса табиий қонунлар билан ижтимоий-сиёсий ва хуқуқий муносабатларнинг уйғунлигини таъминлаш ташкил этади.

Шу боис инсон томонидан парламент орқали қабул қилинган қонунлар, табиий қонунлар ҳамда ахлоқ ва маънавият измида бўлиши табиий ҳол. Бу эса қонунларнинг мутлақ эмаслиги, уларни мукамаллаштириш жараёни объектив зарурият эканлигини англатади. Ўзбекистон халқи мустақилликни қўлга киритиб, ўз олдига хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришни мақсад қилиб қўйди. Бу эса хуқуқ фалсафасининг ривожланишига катта туртки берди. Жумладан, хуқуқ фалсафаси «Мутахассисликлар рўйхати»га киритилди (09.00.12 — хуқуқ фалсафаси). Хуқуқ фалсафаси бўйича тўртта (С.Абдухаликов, Ш.Мамадалиев, К.Джавакова, Ф.Мусаев) докторлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Аммо, ушбу фаннинг ривожланиши ижтимоий тараққиёт эҳтиёжлари даражасида эмас.

Фикримизча, хуқуқ фалсафаси бўйича қуйидаги йўналишларда фундаментал илмий-тадқиқотлар олиб бориш зарур.

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедрасининг бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор.

<sup>1</sup> Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, проф. У. Таджихановнинг умумий таҳририда. — Т., 2001. — 651-б.; *Феофанов Ю. Ф.* О власти и праве. — М., 1988. — С. 255.

***Биринчи йўналиш. Ҳуқуқий давлат қуришининг фалсафий асослари.***

Албатта, бизнинг «Халқ ҳокимияти» (2003 й.), К.Джавакованинг «Институт народоластия в Республике Узбекистан» (2006 й.), Ф.Мусаевнинг «Демократик давлат қуришининг фалсафий-ҳуқуқий асослари» (2007 й.) каби асарлари ушбу йўналишда Ўзбекистонда амалга оширилажак фундаментал тадқиқотларнинг дебчасидир. Аммо қонун ижодкорлиги, қонун тили, қонунчилик ташаббуси, қонун қабул қилиш жараёни, қонун мантиғи, парламент назорати, жамоат назорати, сайлов жараёни билан боғлиқ масалалар фалсафий тадқиқот мавзуга айлангани йўқ. Х.Одилқориев, Ш.Кўчимов, Э.Халилов каби ҳуқуқшунос ва тилшунос олимлар томонидан ушбу масалалар ўрганилмоқда, бироқ уларнинг илмий ишлари фалсафий умумлашмаларни (мушоҳадани) тақозо этади.

***Иккинчи йўналиш. Қонун ва ахлоқ масалалари.***

Агар фалсафий тафаккур тарихига назар ташласак, қонунни ахлоқдан (Сукрот) ёки ахлоқни қонундан (Конфуций) устун қўйиш ҳолатларини тарихий тараққиётнинг барча босқичларида кузатишимиз мумкин. Аслида эса, ахлоқ ва қонун бир нарсанинг (яъни маънавиятнинг) икки томонидир: ахлоқ — тарихий тараққиёт томонидан яратилса, қонун (юридик қонун) парламентлар томонидан яратилади. Бу эса қонунлар ахлоққа, миллий ва умуминсоний қадриятларга зид бўлмаслиги, аксинча ахлоқ, қадриятлар қонунларнинг ижтимоий капиталини ташкил этиши лозимлигини англатади.

***Учинчи йўналиш. Адолат ва ҳуқуқ масалалари.***

Буюк мутафаккирлар, давлат арбоблари бу ҳақда ўз фикрларини билдиришган. Қадимда буюк файласуфлардан бири «Адолат — бу қонундир, қонун эса адолатдир» деган хулосага келгани бежиз эмас.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом муборақ ҳадисларида «Адолат дин иззати, султон қуввати, раият тотувлиги, ҳамма яхшиликлар мезонидир», деганлар. Бу ўринда Амир Темурнинг «Куч адолатда»дир деган шиорини алоҳида қайд этиш лозим. Давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ: «Ислоҳотларимизнинг пировард мақсади битта. Бу ҳам бўлса адолатли жамият барпо этиш», «Халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди», - деган эди.

Фикҳ илмига доир манбаларда ҳуқуқ ва адолат бир бутун тушунча ҳисобланган. *Ҳуқуқ ва адолат тарозининг икки палласи* деб тасаввур қилинганлиги сабабли қозихоналар пештоқига айнан *тарози* тасвири туширилган. Юқорида келтирилган фикрлардан мақсад шуки, яратилаётган қонунлар ва уларнинг ижроси адолатли бўлишига эришишимиз лозим. «Инсон қонун учун эмас, қонун инсон учун» деган фикр бу борадаги фалсафий тадқиқотнинг қоидаси бўлиши шарт.

***Тўртинчи йўналиш. Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришининг фалсафий масалалари.***

Ҳуқуқий давлат ҳуқуқий маданиятни тақозо этади. Ҳуқуқий маданият эса ҳуқуқий тарбиясиз шаклланмайди. Ҳуқуқшунос олимларимиз томонидан ҳуқуқий маданият назариясига оид салмоқли тадқиқотлар амалга оширилган. Бу ўринда А.Саидов ва У.Таджихановнинг икки томли «Ҳуқуқий маданият назарияси» (1998 й.) асарини келтириб ўтиш мумкин.

Бироқ айтиш жоизки, ҳуқуқий тарбия масаласида ҳуқуқшунослар «қонунга итоаткорлик», «қонун устуворлиги» доирасидан чиқиб кета олмаяптилар. Файласуфлар эса

бу борада «кузатувчанлик» позициясида туришибди. Шу сабабли ҳуқуқий тарбиянинг ахлоқий, маънавий жиҳатлари умумназарий тадқиқотдан четда қолмоқда. Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да таъкидланганидек, «жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир»<sup>1</sup>.

**Бешинчи йўналиш.** *Инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг фалсафий муаммолари.*

Бу борада файласуфлар кўп ишларни амалга оширишлари мумкин. Сабаби, «инсон муаммоси» файласуфларнинг азалий тадқиқот объекти бўлиб келган. Бу соҳадаги тадқиқот ишларига назар ташланса, инсон ҳуқуқлари масаласида инсоннинг бурч ва масъулиятлари назардан четда қоляпти. Ваҳоланки, ҳуқуқ бурч ва масъулиятсиз мавжуд бўла олмайди. Инсон эрки чексиз ва чегарасиз нарса эмас. Ҳамма нарсанинг чеки ва чегараси бўлганидек, эркинлик ҳам ахлоқ, қонун ва учинчи шахснинг ҳуқуқи билан чегараланади. Қолаверса, инсон эркинлиги шахс, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид солмаслиги, бузгунчиликка хизмат қилмаслиги лозим.

Файласуфлар тили билан айтганда, эркинлик англаб олинган заруриятдир. Аммо у бунёдкорликка хизмат қилиши шарт. Юқоридаги фикрларга хулоса сифатида айтиш жоизки, ҳуқуқ фалсафасининг ижтимоий-гуманитар фанларни ривожлантиришдаги ўрни беқиёс. Уни ривожлантириш учун қуйидаги истиқболли ташкилий тадбирларни амалга ошириш зарур.

*Биринчидан*, ҳуқуқшунослик ва фалсафа фанлари ўртасидага ҳамкорликни чуқурлаштириш лозим. Бу борада Фалсафа ва ҳуқуқ институти томонидан амалга оширилаётган «Ҳуқуқ ва фалсафа фанларининг долзарб муаммолари» мавзуидаги доимий илмий-амалий конференциялар диққатга сазовордир. 1994 йилдан буён ҳар йили ўтказиб келинаётган ушбу илмий-назарий анжуманларда йиғилиш материаллари алоҳида илмий-тадқиқот объектига айланди десак, хато бўлмайди. Аммо, ҳуқуқ фалсафаси соҳасида тадқиқотларнинг камлиги ачинарли ҳолдир.

*Иккинчидан*, «Ҳуқуқ фалсафаси» мутахассислиги бўйича Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети, Тошкент давлат юридик институтининг магистратура босқичларида мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш керак.

*Учинчидан*, «Ҳуқуқ фалсафаси» фани ижтимоий-гуманитар йўналишдаги барча олий ўқув юртларида ўқитилиши зарур. Чунки, мустақиллик шарофати билан ҳар бир шахс ҳокимият субъектига айланди. Шундай экан, шахс дунёқарашида «жамият – бу мен», «демократия – бу биз», «биз қандай бўлсак – ҳаёт шундай бўлади» — деган ҳаётий қоидалар устувор бўлиши зарур. Ҳар бир инсон онгу шуурида «ривожланиш фалсафаси» устувор бўлмас экан, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштириб, фуқаролик жамиятини ривожлантириб бўлмайди. «Ўзбек модели» ривожланиш фалсафасининг мантиқий давоми бўлган Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010.— 27-б.

ривожлантириш концепцияси»да белгилаб берилган олтига йўналиш — давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодий-либераллаштиришни янада чуқурлаштириш борасидаги устувор вазифалар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотларнинг долзарблигини аңлатади.

Ўзбекистон ижтимоий-гуманитар фанлари олимларининг илмий салоҳияти мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш муаммоларини илмий тадқиқ этиш, илмий хулосалар ишлаб чиқишига шубҳа уйғотмайди. Ҳамма гап ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланишдадир.

• **Нашрга тайёрланди** •

**Душанов Р. Х. Жиноятчи шахс психологияси: Ўқув қўлланма.** — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. — 72 б.

Мазкур қўлланма «Касбий психология» фанининг ўқув дастури асосида давлат тилида яратилган дастлабки ишлардан бири бўлиб, унда «жиноий хулқ» ва «нормадан четга чиқиш» тушунчалари ва уларнинг ички ишлар органлари тизимидаги аҳамияти, жиноятчи шахс ва алоҳида тоифадаги ҳуқуқбузар шахсларнинг психологик хусусиятлари ҳамда типологияси, рецидив жиноятчилар психологияси борасида батафсил фикр юритилган.

Юриспуденция ва юридик психология соҳаларида жиноятчи шахс психологиясини ўрганаётган тадқиқотчилар, аспирант ва адъюнктлар, тингловчи ва талабалар, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг амалиётчи ходимларига мўлжалланган.

И. Исмаилов \*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING «ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЎРТАСИДА НАЗОРАТСИЗЛИК ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ПРОФИЛАКТИКАСИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**М**устақиллик йиллари Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини таъминлашнинг яхлит тизими шаклланди ва у ўзининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий асосларига эга.

Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини таъминлашни шартли равишда уч йўналишга ажратиб кўрсатиш мумкин.

*Биринчи йўналиш* — болаларнинг соғлом туғилиши, ўсиб-улғайиши, таълим-тарбия олиши, ўзи танлаган касбни эгаллаши ҳамда комил инсон бўлиб, жамиятда муносиб ўрнини топиши учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш.

*Иккинчи йўналиш* — болаларни жамият ва ундан ташқарида мавжуд турли хил ва кўринишдаги салбий омиллар таъсири ҳамда тажовузидан ҳимоя қилиш.

*Учинчи йўналиш* — ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болаларга ҳар бирининг эҳтиёжи, имконияти, қобилиятини ҳисобга олган ҳолда жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиши учун тўлиқ амалий ёрдам кўрсатиш.

Бугунги кунда ушбу йўналишлар бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда ва самарали натижаларга эришилмоқда<sup>1</sup>. Шунини алоҳида қайд этиш жоизки, 2008 йил 8 январда «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини таъминлашни янги босқичга кўтарди. Мамлакатимизда «Баркамол авлод йили» деб эълон қилинган 2010 йилда болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган номатив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди<sup>2</sup>.

Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикаси Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари кафолатларини таъминловчи яхлит тизимнинг ажралмас таркибий қисмидир.

2010 йил 29 сентябрда имзоланган ва 30 сентябрдан кучга кирган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонун бевосита «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддасида кўрсатилган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиди.

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноятларнинг олдини олиш кафедрасининг бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

<sup>1</sup> Қаранг: Соғлом турмуш тарзи — баркамол авлод тарбиясининг асоси (Халқаро форумнинг материаллари). — Т., 2010. — 3-29-б.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш — тараққиётимизнинг муҳим омилдир // Халқ сўзи. — 2010. — 8 дек.



Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликлари профилактикаси бўйича фаолият объектлари ҳисобланган ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги вояга етмаганлар ва оила, назоратсиз ва қаровсиз вояга етмаган, шунингдек ушбу қонуннинг ижроси учун масъул бўлган субъектлар фаолиятига оид вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, якка тартибдаги профилактика иши, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар ва бошқалар амалиётда атамаларни бир хилда тушуниш ва қўллаш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади.

Қонунийлик, инсонпарварлик принциплари билан бир қаторда тизимлилик, оилани қўллаб-қувватлаш ва у билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ҳамда ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларнинг тарбиясига якка тартибда ёндашишнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий принциплари этиб белгиланганлиги унинг ўзига хос хусусиятларга эгаллигини кўрсатади.

Амалиётнинг кўрсатишича, ҳар қандай фаолиятни самарали амалга ошириш авваламбор бу жараёни ташкил этиш учун зарур ахборотга эга бўлишни тақозо этади. «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунда (8-м.) вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятни ахборот билан таъминлашнинг белгиланганлиги бугунги кунда амалиётда бу соҳада мавжуд бир қатор муаммоларнинг ҳал этилишини таъминлайди. Ушбу нормада давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек фуқаролар вояга етмаганларга боғлиқ қандай ҳолатлар ҳақида кимга, яъни қайси давлат органларига зудлик билан хабар қилишлари аниқ белгилаб қўйилган.

Қонунда ахборот билан таъминлаш соҳасида бундай тартибнинг белгилаб қўйилиши қуйидагиларга хизмат қилади:

*биринчидан*, вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилиши ҳолатларининг, уларнинг қаровсиз ва назоратсиз қолишининг, шунингдек болаларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирадиган ёхуд таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлишининг зудлик билан олдини олиш, тўхтатиш, бартараф этиш ва айбдорларга нисбатан қонунда белгиланган таъсир чораларини кўриш;

*иккинчидан*, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганлар ва оилалар, ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этган вояга етмаганларга нисбатан қонунда белгиланган тарбиявий-профилактик, маъмурий ва бошқа таъсир чораларини амалга ошириш;

*учинчидан*, вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд уларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган ота-оналар ва ўзга шахсларни аниқлаш ҳамда уларни қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш;

*тўртинчидан*, ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаганлар ва оилаларни, мунтазам равишда спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни истеъмол қилиши оқибатида тиббий текширувга, кузатувга ёки даволанишга, шунингдек давлатнинг ижтимоий ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганларни аниқлаш ва уларга зудлик билан амалий ёрдам кўрсатиш;

*бешинчидан*, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари ёки бошқа болалар муассасаларини ўзбошимчалик билан тарқ этган ёхуд таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётганларни

аниқлаш ҳамда улар билан якка тартибда тарбиявий-профилактик ишлар олиб боришни таъминлаш.

Қонунда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ота-оналар ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг иштирок этиш шакл ва усуллари ҳамда тартиби аниқ белгилаб қўйилган. Таъкидлаш жоизки, ота-она ёки улар ўрнини босувчи шахслар ўз болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажариш билан бир вақтда, уларнинг хавфсизлиги, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш бўйича ушбу қонун нормалари (9-м.)да белгиланган мажбуриятларни тўлиқ бажариб боришлари талаб қилинади. Ушбу мажбуриятларни бажармасликлари, албатта, уларни амалдаги қонунларда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Дастлабки таҳлиллар шуни кўрсатадики, қонунда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимида кирувчи субъектлар, шунингдек улар ҳар бирининг ваколатлари аниқ белгилаб берилган. Ҳар бир субъект ваколатларининг аниқ белгилаб берилиши бугунги кунда ушбу соҳада мавжуд бўлган «бу бизга тааллуқли эмас», «бу бизнинг ишимиз эмас», «бунга биз ваколатли эмасмиз», «бизнинг ишга аралашманг» каби важдлар билан йўл қўйиб келинган «сансалорлик»ни бартараф этишга хизмат қилади.

Республика Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир<sup>1</sup>. Ушбу қонунда ички ишлар органлари тизимидаги вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига ва халқ таълими тизимидаги ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларига жойлаштириладиган вояга етмаганлар тоифаларининг аниқ белгиланганлиги, айниқса уларни жойлаштириш ваколатларининг судларга берилганлиги суд-ҳуқуқ тизимида, хусусан ҳуқуқни қўллаш фаолиятида амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар янада чуқурлашиб бораётганлигининг яққол исботидир.

Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари кафолатларини таъминловчи тизимнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлашни бошқариш турли функция, шакл ва усуллар орқали амалга оширилади. Бугунги кунда уларни мазмун-моҳиятига кўра бири-бири билан боғлиқ бўлган қуйидаги йўналишларга ажратиш мумкин:

— вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини амалга оширувчи субъектлар фаолиятини ташкил этиш, унинг натижаларини мониторинг қилиш, уни илғор замонавий усуллар билан бойитиб бориш каби бошқарув шакллари ўз ичига олган *ташкилий-тактик таъминлаш*;

— вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини амалга оширувчи субъектлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни назарда тутувчи *ҳуқуқий таъминлаш*;

— назоратсиз қолган ва ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим-тарбия олиши ва ўзи танлаган касбни эгаллаши, шунингдек келажакда комил инсон бўлиб

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — 15-16-б.

шаклланишига хизмат қилувчи муассасаларнинг бекаму кўст фаолият кўрсатиши учун етарли маблағ, замон талаблари даражасидаги бино, жиҳозлар, техника воситалари билан таъминлашни назарда тутувчи *моддий-техник таъминлаш*;

— вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини амалга оширувчи субъектлар учун етук мутахассис кадрлар тайёрлаш, уларни жой-жойига қўйиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириб боришни назарда тутувчи *кадрлар билан таъминлаш*;

— вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини амалга оширувчи субъектлар ўртасидаги ўзаро ҳамда уларнинг жамиятнинг бошқа таркибий тузилмалари билан ҳамкорлигини ташкил этиш, мувофиқлаштириш ва тартибга солишни назарда тутувчи *ҳамкорликни таъминлаш*.

Юқорида кўрсатиб ўтилган барча йўналишлар бўйича қонун ижросини таъминлаш бевосита вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси билан шуғулланувчи органлар ҳамда муассасалар тизими томонидан амалга оширилиши керак. Қонуннинг 8-моддасига асосан ушбу тизимга вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, ички ишлар органлари, таълимни бошқариш органлари ва таълим муассасалари, васийлик ва ҳомийлик органлари, соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари киритилган.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимига кирувчи барча субъектларнинг бу соҳадаги фаолиятини самарали ташкил этиш, аввало Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, ходимларда унинг нормаларини амалиётда қўллаш учун зарур билим ва кўникмаларни шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади. Ушбу тадбирларни шартли равишда беш йўналишга ажратиш мумкин:

**Биринчи йўналиш.** Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг мазмун-моҳиятини ўрганиш бўйича ўқув-методик материаллар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарур.

Бу борада ушбу қонун нормаларининг мазмун-моҳиятини ўрганишга қаратилган «Сиз қонунни биласизми?» электрон ўқув қўлланмаси, тест саволлари тайёрлаш, интерфаол усулларни қўллаган ҳолда «Викторина»лар, амалиётда учраётган муаммолар ва уларнинг ечими бўйича амалий семинарлар ўтказиш ҳамда ходимлардан имтиҳонлар қабул қилишни мантиқий кетма-кетликда тизимли ташкил этиш, албатта, ўзининг самарали натижаларини беради.

**Иккинчи йўналиш.** Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ижросини таъминловчи субъектлар:

- а) вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар;
- б) ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари;
- в) вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари;
- г) ихтисослаштирилган мактаблар;
- д) ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежлари;
- е) васийлик ва ҳомийлик органлари фаолиятини тартибга солувчи ушбу қонун қабул қилиниши муносабати билан қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшимча

ва ўзгартишлар киритиш ёки янги таҳрирда қабул қилиш ҳамда уларни ўрганишни таъминлаш. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганишда ҳам юқорида кўрсатилган усуллардан кенг фойдаланиш ва қоидаларга асосланиш мақсадга мувофиқдир.

**Учинчи йўналиш.** Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонун ижросини таъминловчи субъектлар ходимларида ушбу қонун нормаларини амалий фаолиятда қўллаш бўйича кўникмаларни такомиллаштириб ва тажрибаларини бойитиб бориш.

Ушбу йўналишдаги тадбирлар, биринчи навбатда, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизимига кирувчи муайян субъект томонидан уларга қонунда белгиланган ваколатлар, вазифалар ва уларни амалга ошириш бўйича хизмат фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда таъминлашни тақозо этади. Ходимларнинг ушбу қонун нормаларини амалий фаолиятда қўллаш бўйича кўникмаларини такомиллаштириш ва тажрибаларини бойитиб бориш хизмат тайёр-гарликлари доирасидаги машғулотлар, алоҳида дастур ва жадвал асосида ўтказиладиган семинар-тренинглар орқали таъминланиши керак.

**Тўртинчидан йўналиш.** Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ижросининг доимий мониторинги ва унинг натижаларини таҳлил қилиб боришни таъминлаш.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолият мониторинги ва унинг натижалари таҳлилини: *биринчидан*, ушбу фаолиятни амалга оширувчи ҳар бир субъект ўз соҳаси бўйича; *иккинчидан*, фаолиятни ҳамкорликда амалга оширувчи субъектлар биргаликда олиб боришлари самаралидир.

Таъкидлаш жоизки, мониторинг ва таҳлиллар натижаларини ҳар бир субъект ўз соҳаси бўйича алоҳида, шунингдек қонун ижроси учун масъул бўлган субъектлар биргаликда ташкил этган ҳолда амалий семинарлар, давра суҳбатлари ва илмий-амалий анжуманларда қонунни қўллаш амалиётидаги муаммоларни муҳокама қилишлари ҳамда уларни ҳал этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишлари мақсадга мувофиқдир. Албатта, ушбу таклиф ва тавсияларнинг ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан асослантилган ҳолда тегишли идораларга ўз вақтида тақдим этилиши амалиётдаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган бошқарув қарорларининг қабул қилинишига тўртки беради.

**Бешинчи йўналиш.** Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг мазмун-моҳиятини аҳоли, айниқса ота-оналар ва вояга етмаганлар ўртасида тарғиб қилиш.

Ушбу йўналишда: *биринчидан*, тарғиботчиларни танлаш ва тайёрлаш, айниқса уларни тарғибот жараёнида интерфаол усулларни қўллашга ўргатиш; *иккинчидан*, уларни қонуннинг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш бўйича методик материаллар билан таъминлаш; *учинчидан*, тағибот ишларини олиб боришда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш, албатта, қонун ижросини таъминлашда самарали натижаларга эришишга хизмат қилади.

Юқорида кўрсатилган барча йўналишлардаги чора-тадбирларни вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар томонидан мантиқий кетма-кетликда амалга ошириб бориш ушбу қонуннинг ижросини самарали таъминлашга хизмат қилади.

М. Зиёдуллаев\*

## ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА МИЛИЦИЯ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Ўтган йиллар ичида юртимизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилган кенг қўламли ислоҳотлар натижасида республикамизнинг барча ҳудудлари, шу жумладан энг чекка қишлоқ, овул ва маҳаллаларида милиция таянч пунктлари ташкил этилиб, уларда профилактика инспекторларининг фаолияти йўлга қўйилди. Бу эса ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноят содир этилишига олиб келадиган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасидаги ишларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва кучайтириш имконини берди, мамлакатимизда жиноий вазиятнинг сезиларли даражада соғломлашувини таъминлади<sup>1</sup>.

Маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича юзага келган янги тизим — милиция таянч пунктларининг афзалликларини қуйидагиларда кўриш мумкин:

*Биринчидан*, милиция таянч пунктлари ички ишлар идораларининг кечаю кундуз фаолият олиб борувчи энг қуёи бўғини бўлиб, унинг негизида соҳа ходимларининг жамоатчилик билан узлуксиз ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича милиция таянч пунктлари негизида ички ишлар идораларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда улар таркибидаги яраштириш комиссиялари, ёшлар комиссиялари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар ҳамда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари билан самарали ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ўз натижаларини бермоқда. Буни жамоатчилик ёрдамида фош этилган жиноятлар сонининг 2007 йилда 2006 йилга нисбатан 11,7%, 2008 йилда 20,8%, 2009 йилда 22,6%га ошиб бурганида ҳам кўриш мумкин. Қолаверса, жиноятларнинг олдини олишда ҳам жамоатчиликнинг иштироки катта самара бермоқда. Жумладан жамоатчилик ёрдамида фош этилган жиноятлар 2002 йилда 2001 йилга нисбатан 3,0%га ошган бўлса, бу кўрсаткич 2003 йилда 9,0%ни, 2004 йилда 18,1%, 2005 йилда 28,4%, 2006 йилда 51,7%, 2007 йилда 60,6%, 2008 йилда 90,0% ва 2009 йилда 95,6%ни ташкил қилган.

*Иккинчидан*, милиция таянч пунктлари негизида ички ишлар идоралари ходимларининг жамоатчилик билан узлуксиз ҳамкорлигининг йўлга қўйилгани, аввало, уларнинг аҳолига янада яқинлашувига замин яратаётган бўлса, иккинчи томондан, бу ҳудудда ички ишлар идоралари хизматларининг кенг қўламли фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини янада кенгайтирмоқда. Бинобарин,

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноятларнинг олдини олиш кафедрасининг доценти в. б., юридик фанлар номзоди.

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларига байрам табриги // *Поста.* — 2007. — 25 окт.

ички ишлар идоралари фаолиятининг демократик асослари уларнинг нафақат давлат ва қонун, балки жамоатчилик олдида ҳам ҳисобдор бўлишини талаб қилади<sup>1</sup>.

*Учинчидан*, битта ҳудудга хизмат кўрсатувчи турли тармоқдаги ички ишлар идораларининг бевосита хизмат ҳудудида ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш учун шароит яратилди, бу билан Ўзбекистон Республикаси ИИВ томонидан қўйилаётган талаб — ички ишлар идоралари барча соҳалари ходимларининг ўз ишини маҳалладан, таянч пунктларида хизмат қилаётган профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда бошлашларига эришилмоқда. Бунинг натижасида 2002 йилда мамлакатимиздаги маҳаллаларнинг 11,6% да, 2003 йилда — 18,6%, 2004 йилда — 20,1%, 2005 йилда — 23,9%, 2006 йилда — 26,1%, 2007 йилда — 26,7%, 2008 йилда — 26,6% ва 2009 йилда — 27,1% ида умуман жиноят содир этилишига йўл қўйилмади.

*Тўртинчидан*, эндиликда милиция таянч пунктида хизмат олиб борувчи субъектлар, жумладан профилактика инспектори фаолиятининг асосий йўналишларидан бири — аҳолининг ҳуқуқий маданияти, онги ва дунёқарашини ривожлантириш қилиб белгиланди.

*Бешинчидан*, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш учун милиция таянч пунктларида вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий-спорт тадбирларини ташкиллаштириш ҳамда уларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш мақсадида ушбу таянч пунктлари инфратузилмасида спорт майдончалари, жумладан футбол, баскетбол, волейбол майдонлари, сузиш ҳавзалари, тренажёр хоналари ташкил этилди ҳамда тажрибали мутахассислар жалб этилган ҳолда турли спорт мусобақалари ўтказиб бориш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд милиция таянч пунктларининг қарийб 82,2% ида спорт майдончалари, 73,5%ининг ҳузурида турли факультатив тўғараклар, қарийб 67,6%ида эса кичик бизнес шохобчалари ташкил этилган.

Таъкидлаш жоизки, ҳозир милиция таянч пунктларининг кўпчилиги республикамизнинг қишлоқ жойларида фаолият кўрсатиб, у ерда яшаётган аҳолининг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини турли жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш вазифаларини самарали бажариб келмоқдалар. Қишлоқ жойларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлари, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги хизматлари учун ўтган йиллар ичида бир қатор милиция таянч пунктлари субъектларининг фидокорона меҳнатлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди<sup>2</sup>.

Маълумки, қишлоқ жойларида милиция таянч пунктларининг, хусусан унда фаолият юритувчи субъектларнинг ишини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд ва бу шаҳар жойларидагидан муайян даражада фарқ қилади:

Биринчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, хусусан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жиноятчиликка қарши курашда Ички ишлар вазирлиги профилактика хизматининг ролини кучайтириш тўғрисида»ги 2001 йил 6 июнь қарорида белгиланганидек, милиция таянч пунктларининг ишига шаҳарда — профилактика

<sup>1</sup> Руководство по демократическим основам полицейской деятельности / Составлено Старшим советником Генерального секретаря ОБСЕ по вопросам полицейской деятельности. — Вена, 2008. — С.14.

<sup>2</sup> Рўзиев З. Туну кун хизматда // Постда. — 2008. — 13 сент.; Мирюсуфзода Ш., Саидов И. Ёниб яшар бир аёл// Постда. — 2008. — 6 сент.

хизмати раҳбарлик қилса, қишлоқ жойларида ушбу вазифани профилактика катта инспекторлари амалга оширадидлар.

Иккинчидан, қишлоқ жойларида милиция таянч пунктлари фаолиятини ташкил этишнинг шаҳардагидан фарқли яна бир жиҳати шундаки, қишлоқларда профилактика инспекторлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, улар негизда фаолият кўрсатувчи Яраштириш комиссиялари, ёшлар комиссиялари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари билан бир қаторда, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, фермер хўжаликлари билан ҳам узлуксиз ҳамкорлик қилиб борадилар.

Шунингдек, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан ноқонуний муомала қилиш, қишлоқ жойларида экинларни пайҳон қилиш, спиртли ичимликларни сотиш мақсадида хонаки усулда тайёрлаш ва сотиш, ўқотар қуроллардан фойдаланиш, уларни рўйхатдан ўтказиш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқадилар, уларни вужудга келтирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарларга нисбатан маъмурий жазо, тарбиявий-профилактик чораларни қўллашда туман марказидан олисда ва бориш қийин бўлган қишлоқлардаги маъмурий комиссиялар билан ҳамкорликни амалга оширадидлар.

Учинчидан, қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, хусусан Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда милиция таянч пунктлари ва профилактика (катта) инспекторларининг хизмат фаолиятини ташкил этиш бўйича Йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 2009 йил 15 июнь буйруғида марказий милиция таянч пунктларининг туман ва шаҳарлар марказларида ташкил этилиши белгилангани боис, қишлоқ жойларида марказий милиция таянч пунктларининг айрим имкониятларидан милиция таянч пунктлари негизда фойдаланилмоқда. Хусусан, туман ва шаҳар марказидан узоқда жойлашган милиция таянч пунктларида ҳафтанинг белгиланган кунларида хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати ходимлари томонидан қишлоқ фуқароларини қабул қилиш ҳамда уларга паспорт бериш, алмаштириш ёки паспорт тизими билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал қилишда ёрдам кўрсатиш, қолаверса йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари томонидан ҳафтанинг белгиланган кунларида маъмурий ҳудудда яшовчи фуқароларнинг автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш ва бошқа шунга ўхшаш шарт-шароитлар яратилган.

Тўртинчидан, қишлоқ жойларидаги милиция таянч пунктлари фаолиятига хос асосий хусусиятлардан яна бири уларда иш олиб боровчи ходимлар, хусусан профилактика инспекторлари фаолиятининг қишлоқ хўжалиги ишлари, айниқса мавсумий йиғим-терим ишлари билан боғлиқлигидир.

Маълумки, ҳозир амалиётда милиция таянч пунктларининг фаолиятини самарали ташкил этишга тўсқинлик қиладиган объектив ва субъектив хусусиятга эга бир қатор муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас.

Қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида профилактика инспекторлари ва милиция таянч пунктига хизматга жалб этилган бошқа хизмат ходимларидан ўзларининг бевосита хизмат вазифалари ҳамда ҳудуд билан боғлиқ бўлмаган ишларда фойдаланиш қатъиян тақиқланиши белгиланган. Бироқ, қишлоқ жойларидаги милиция таянч пунктлари субъектларининг фаолияти қишлоқ хўжалиги ишлари билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги, айрим жойларда профилактика инспекторларининг бундай юмушларга ҳаддан ташқари кенг жалб этилиши улар зиммасидаги асосий вазифаларни тўлиқ бажариш имконини бермаяпти.

Ички ишлар идоралари ходимлари, жумладан профилактика инспекторлари ўртасида олиб борилган сўровларда қатнашганларнинг 70 фоизи уларнинг норматив ҳужжатларда кўрсатилган вазифалари жуда ҳам кўплигидан ўз функционал вазифаларини амалда тўлиқ бажариб бўлмастлигини таъкидлашган бўлса, ҳар ўн иштирокчининг саккиз нафари уларга хизмат доирасидан ташқари вазифалар ҳам кўплаб юклатилишини, айниқса бу ҳол қишлоқ жойларида қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилишда ўз аксини топишини баён қилган.

Назаримизда, қишлоқ жойларида мавсумий йиғим-терим тадбирлари даврида айрим ички ишлар идоралари бошлиқларининг куч ва воситалар тақсимотини нотўғри амалга ошириши ёки самарали сафарбар эта олмаслиги натижасида баъзи милиция таянч пунктларининг иши ўз ҳолига ташлаб қўйилиши сир эмас. Бу эса ўз-ўзидан ҳудудда жамоат тартибни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишда айрим муаммоларни келтириб чиқариши табиий.

Қишлоқ жойларида милиция таянч пунктларига бириктирилган маъмурий ҳудуд шаҳардагига нисбатан катта бўлади. Бу эса профилактика инспекторларининг ишини муайян даражада қийинлаштиради. Бунинг устига, милиция таянч пунктларини транспорт воситалари билан таъминлашдаги муаммолар аҳволни бирмунча оғирлаштиради. Бинобарин, 2009 йилнинг бошида жами милиция таянч пунктларининг атиги 8,7 фоизи автотранспорт воситалари билан таъминланган, холос.

Қишлоқ жойларида милиция таянч пунктлари фаолиятини ташкил этишдаги муаммолардан яна бири уларнинг туман ички ишлар идоралари билан алоқасини ташкил этиш билан боғлиқ. Чунончи, бугунги кунда республикамизда фаолият кўрсатаётган милиция таянч пунктларининг қарийб 10% телефон билан таъминланмаган бўлса, 24,1% стационар рациялар билан таъминланган, холос. Қолаверса, телефон ва стационар рациялар билан таъминланган милиция таянч пунктларининг аксарияти қишлоқ жойлари улушига тўғри келади.

Ички ишлар идораларининг патруль-пост нарядлари милиция таянч пунктлари негизида профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда иш олиб борувчи асосий хизмат эканлиги барчамизга маълум. Шу боис, бугунги кунда қишлоқ жойларида милиция таянч пунктлари негизида профилактика инспекторларининг патруль-пост нарядлари билан ҳамкорлигини яхшилаш муҳимдир. Чунки бу ерда ўтказиладиган оммавий тадбирлар, жумладан сайиллар, спорт тадбирларида жамоат тартибни сақлашда патруль-пост нарядларининг профилактика инспекторларига ёрдам кўрсатишлари жуда зарур.

Шундай қилиб, бугунги кунда қишлоқ жойларидаги милиция таянч пунктлари ишини такомиллаштириш, профилактика инспекторлари хизматидан ўз ўрнида самарали фойдаланиш давр талабидир.



*А. В. Тяг\**

## ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ РАСКРЫТИЯ КРАЖ ИЗ ЖИЛИЩ ГРАЖДАН В ЦЕЛЯХ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРАВА СОБСТВЕННОСТИ

**И**нститут права собственности занимает одно из важнейших мест среди экономических основ конституционного строя Республики Узбекистан. Статья 53 Конституции страны гласит: «Основу экономики Узбекистана, направленной на развитие рыночных отношений, составляет собственность в ее различных формах». Государство гарантирует равноправие и правовую защиту всех форм собственности. Частная собственность, наряду с другими формами собственности, признана неприкосновенной и защищается государством. В ст. 54 Основного закона закреплено, что «собственник по своему усмотрению владеет, пользуется и распоряжается принадлежащим ему имуществом».

Гарантии права собственности (как и других прав и свобод граждан) различны по своему характеру: они могут быть экономическими, политическими, организационными, юридическими. При этом особое внимание уделяется юридическим гарантиям права собственности, базирующимся на нормах различных отраслей права, среди которых большую роль играют нормы уголовного права.

Данное положение находит свое прямое подтверждение в законодательной практике. Статья 2 УК Республики Узбекистан в числе задач уголовного законодательства указывает на охрану собственности, поставленную в иерархии ценностей сразу после охраны прав и свобод личности, интересов общества и государства. Кроме того, Раздел III УК, посвященный преступлениям в сфере экономики, содержит главу «Хищение чужого имущества».

Следует отметить, что преступные посягательства против собственности являются наиболее распространенными среди других уголовно наказуемых деяний и причиняют огромный ущерб, негативно воздействуя на все сферы жизнедеятельности общества, поскольку, посягая на право собственности как на одно из важнейших конституционно гарантированных прав, они порождают неуверенность в стабильности и надежной защищенности экономического положения субъектов права. Поэтому проблема уголовно-правовой охраны собственности имеет особую актуальность и значимость во все времена, и остается таковой на сегодняшний день.

Изучение состояния и тенденций преступности в республике свидетельствует, что ее количественные показатели в решающей мере определяются уровнем хищений чужого имущества и составляют 45,2% от всех преступлений. Наиболее распространенными среди них являются кражи, удельный вес которых в общем объеме выявленных преступлений составляет в среднем свыше 29%, а среди преступлений имущественной направленности — почти 68%. В структуре краж значительно преобладают кражи,

\* Старший преподаватель кафедры оперативно-розыскного права Академии МВД Республики Узбекистан.

совершаемые с незаконным проникновением в жилище граждан. Из них доля краж, совершенных с противоправным проникновением в квартиры, составляет около 32 %<sup>1</sup>.

Кража представляет собой опасное преступное явление, посягающее на одну из важных социальных ценностей человека – право собственности, при котором ущемляется гражданское право – право владеть, пользоваться и распоряжаться имуществом. Кроме того, при совершении такого рода деяний виновные прилагают дополнительные усилия и прибегают к различным ухищрениям для преодоления преград и получения доступа к имуществу. Взламывая замки, двери, оконные решетки и рамы, повреждая предметы мебели, интерьера и т.п., злоумышленники наносят серьезный ущерб материальным объектам собственности.

При совершении краж из квартир наряду с посягательством на право собственности граждан имеет место и нарушение конституционных прав граждан на неприкосновенность жилища и их частной жизни, что свидетельствует о повышенной общественной опасности квартирных краж и о необходимости усиления эффективных мер борьбы с ними.

Проблема противодействия кражам продолжает сохранять высокий уровень актуальности, осложняясь значительной их латентностью наряду с относительно невысокой раскрываемостью, а также слабо организованной работой по их предупреждению.

В доктрине уголовного права сложилось понимание хищения (одной из форм которого является кража) как безвозмездного изъятия, т. е. без предоставления равного возмещения его стоимости деньгами либо в иной форме<sup>2</sup>. Виновный неправомерно изымает материальные ценности из имущественной сферы другого лица и переводит чужое имущество в свое обладание, тем самым нарушая существующую социальную связь – отношение собственности. При этом сам факт того, что изъятие происходит безвозмездно, говорит о том, что собственнику или иному лицу (например, пользователю имущества) наносится имущественный ущерб. Поэтому в деле обеспечения права собственности первоочередную роль должны играть восстановительно-компенсационные средства, преследующие цель восстановления прав, нарушенных в результате преступлений. Наиболее полно ведущая роль восстановительно-компенсационной функции проявляется в гражданско-правовых средствах защиты прав собственника (см. гл. 33 УПК Республики Узбекистан).

Вместе с тем в ст.287 УПК Республики Узбекистан предусмотрен порядок возвращения по принадлежности имущества потерпевшего, утраченного в результате преступления.

Процесс возмещения имущественного вреда связан с тем, что правоохранительным органам необходимо обеспечить данное возмещение, так как своевременное, быстрое и максимально полное возмещение имущественного вреда способствует возможности успешного гарантирования прав личности, которой он был причинен<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Здесь и далее приведены данные, полученные в результате исследований, проведенных в различных регионах Республики Узбекистан.

<sup>2</sup> См.: *Рустамбаев М. Ю.* Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Особенная часть. – Т., 2004. – С.254.

<sup>3</sup> См.: *Тиллаев Т.Н.* Обеспечение прав личности при разрешении гражданского иска в уголовном деле // *Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг асосий йўналишлари: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари.* – Т., 2007. – С. 288.

В свою очередь, несвоевременное возмещение имущественного вреда, а порой и непринятие необходимых мер по его возмещению, не способствуют укреплению законности и правопорядка, наносят непоправимый вред правам и законным интересам как физических, так и юридических лиц, пострадавших от преступлений.

Применение восстановительно-компенсационных мер в целях защиты и восстановления нарушенных прав собственника возможно лишь в случае быстрого и полного раскрытия преступления (в данном случае кражи), под которым следует понимать не только выявление всех причастных к преступлению лиц, доказательств, смягчающих и отягчающих вину обстоятельств, выявление и устранение обстоятельств, способствовавших совершению преступления, но и принятие необходимых мер по поиску и обнаружению похищенного имущества. В этой связи необходимо отметить, что сложившаяся практика раскрытия аппаратами УРиБТ преступлений, связанных с имущественными завладениями (так называемые традиционные формы – «от факта преступления к лицу, его совершившему», и «от лица к преступлению»), к сожалению, в современных условиях не охватывает всех направлений в борьбе с преступностью. Изучение практики дает основание констатировать, что в подавляющем большинстве случаев для раскрытия преступлений, связанных с отчуждением имущества, оперативные работники организуют и проводят комплекс мероприятий «от преступления к преступнику». С этой же позиции процесс раскрытия данных видов преступлений рассматривался практически во всей специальной литературе<sup>1</sup>.

Между тем нам представляется, что в современных условиях деятельности аппаратов УРиБТ, учитывая особенности характеристики квартирных краж, значительно осложняется применение прежних приемов их раскрытия. Значительный же потенциал кроется в раскрытии данных преступлений посредством обнаружения похищенного имущества. Однако реалии сегодняшнего дня таковы, что целенаправленный поиск похищенного имущества осуществляется не на должном организационном и тактическом уровне; как в теоретическом, так и в практическом плане поиску и обнаружению похищенного имущества не уделяется соответствующего внимания.

В деятельности многих органов внутренних дел, как показало проведенное исследование, по существу отсутствует система учета объектов сбыта похищенного. Работа по наблюдению за ними и их обслуживанию во многом осуществляется стихийно, без учета реально сложившейся оперативной обстановки. Не вполне отвечает требованиям и организующая роль руководителей служб и подразделений органов внутренних дел, ответственных за это направление деятельности. Вместе с тем похищенное имущество, в случае его обнаружения и изъятия, является не только средством обеспечения возмещения имущественного вреда и, как следствие, гарантом восстановления нарушенного права собственности. В подавляющем большинстве случаев похищенное имущество представляет собой «хранилище» информации о событии преступления и зачастую является существенным, а порой и единственным доказательством по уголовным делам. Кроме того, поиск похищенного – это еще одна эффективная форма раскрытия квартирных краж, так как от похищенного имущества нити всегда ведут к лицу, совершившему преступление.

<sup>1</sup> См.: *Дмитриев А.Е.* Пути совершенствования практики раскрытия краж из квартир граждан // *Борьба с кражами*. – Омск, 1986. – С.106-111; *Шабанов Б.С.* Совершенствование организации борьбы с квартирными кражами в условиях крупного города на основе специализации // *Совершенствование борьбы с кражами личного имущества граждан: Сборник научных трудов* – Т., 1987. – С.3–10; *Ручкин С.Б., Катенкарь Н.Т.* Организация и тактика раскрытия краж из квартир. – М., 1977. – С. 44; и др.

Актуальность рассматриваемого направления работы аппаратов УРиБТ определяется и сложившимся на практике противоречием между растущим объемом учетных данных, подлежащих сбору, хранению, выдаче, и не вполне совершенными средствами их обработки. Это положение приобретает особую значимость в отношении неномерного похищенного имущества, ювелирных изделий, которые в массиве «данные о предметах» не учитываются. В то же время они имеют огромное значение в раскрытии преступлений, изобличении виновных. В этой связи отчетливо прослеживается необходимость разработки теоретических вопросов методики поиска похищенного имущества и выработки научно-практических рекомендаций по совершенствованию работы в данной области.

Важной задачей в рассматриваемом аспекте является создание эффективной системы учета и наблюдения за объектами, на которых осуществляется сбыт похищенного имущества, что обеспечит своевременное получение информации о похищенном имуществе, лицах, его приобретающих и реализующих, а также лицах, причастных к совершенным преступлениям. Создание и функционирование такой системы предполагает комплексное использование возможностей всех служб и подразделений органов внутренних дел в пределах их компетенции. При этом особое внимание должно уделяться повышению уровня организующей роли и управленческой деятельности руководителей соответствующих служб и подразделений, так как только грамотно организованная работа позволит исключить факты непроизводительных и нецелесообразных затрат сил, средств и времени, параллелизм и дублирование.

Комплексность находит свое отражение не только в изыскании возможностей структурно-функциональных звеньев органов внутренних дел, но и в комплексном использовании различных по своему процессуальному статусу средств и методов работы, что создаст качественно новое состояние рассматриваемого направления деятельности, ее организационно-тактическую устойчивость и способность гибкого приспособления к меняющимся условиям оперативной обстановки.

Повышение качества поиска похищенного имущества находится в прямой зависимости от понимания важности и значимости этого направления деятельности руководителями и исполнителями всех уровней. В связи с этим возникает необходимость разработки и включения в систему служебной подготовки соответствующих подразделений органов внутренних дел программы обучения по проблемным вопросам организации и тактики данной работы.

Таким образом, поиск и обнаружение похищенного имущества следует рассматривать как один из важных резервов повышения качества и эффективности деятельности по раскрытию квартирных краж, а также всех других видов преступлений, связанных с имущественными завладениями. Такой подход предопределяет придание поиску похищенного имущества статуса самостоятельного направления деятельности органов внутренних дел, поскольку помимо собственно раскрытия преступления («через имущество к преступнику») осуществляется реальное обеспечение уголовных дел вещественными доказательствами и, что самое главное, возмещается причиненный преступлением материальный ущерб, восстанавливается нарушенное право собственности.

*И. М. Мирзараимов\**

## ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ УЧУН РАҲБАР КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов замон талаб қиладиган даражада мутахассис кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароит яратмасак, бугунги кунда юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаб қолишга эриша олмас эдик, дея таъкидлади<sup>1</sup>. Бу сўзлар ички ишлар идоралари учун раҳбар кадрлар тайёрлашга ҳам бевосита тааллуқлидир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизими учун юқори малакали мутахассис раҳбар кадрлар тайёрлаш ишларини ИИВ Академиясининг Олий академик курслари амалга оширади. Ушбу Олий академик курслари (ОАК) 2004 йилнинг октябрь ойида олий юридик таълим негизида ташкил этилган бўлиб, ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг буйруқ ва йўриқномалари, ИИВ Академияси бошлиғининг буйруқ ва кўрсатмалари асосида олиб боради. ОАКнинг асосий мақсади — ички ишлар идоралари учун юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича тадбирларни ташкил қилиш ва бошқаришга, содир этилган жиноятларни очиш ва тергов қилишга республикада жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ- тартиботни, қонун устуворлигини таъминлашга, шахсий таркибни тарбиялаш, ҳуқуқий ва касбий билим савиясини оширишга лаёқатли мутахассис раҳбар кадрларни тайёрлашдан иборатдир<sup>3</sup>.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ОАКга номзодларни ўқишга қабул қилишнинг бир қатор шартлари белгилаб қўйилган. Яъни, ОАКга ўқишга олий юридик маълумотга эга бўлган, ИИВ, ИИББ, ИИБда бўлинма бошлиғи ҳамда ундан юқори лавозимларда камида бир йил хизмат ўтаётган, ички ишлар идораларида камида 7 йиллик амалий стажга эга бўлган ҳамда ёши 40 дан ошмаган ходимлар қабул қилинадилар. Ўқишга кирувчи номзодларнинг қабул синовлари белгиланган муддаларда қабул комиссияси томонидан ўтказилади ҳамда синовлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- мутахассислик бўйича қабул синовлари;
- Ўзбекистон Республикасида демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани бўйича қабул синовлари;
- номзоднинг олий маълумоти тўғрисидаги дипломи бўйича умумий рейтинги.

ОАКда раҳбар кадрларни ўқитиш кундузги шаклда бир йил муддат давомида ходимларнинг эгаллаган лавозимидан озод этилган ҳолда ташкил этилади. Ушбу муддатда тингловчилар икки семестр давомида назарий таълим олиб, оралиқ ва якуний назорат

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Олий академик курслари бошлиғи, юридик фанлар номзоди, доцент.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамияти барпо этишда мустақкам пойдевордир // Халқ сўзи. — 2009. — 8 дек.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Олий академик курсларида раҳбар кадрлар тайёрлаш ишлари самарасини ошириш тўғрисида» 2010 йил 29 ноябрдаги 149-сонли буйруғи. — Т., 2010. — 4-б.

ишлари топшириш билан бир қаторда амалий кўникмаларини мустақамлаш учун ОАКни битирганларидан сўнг ўзлари келган жойлардаги жамловчи ички ишлар идораларида тайинланиши режалаштирилган лавозимларда 40 кун давомида амалий тажриба орттирадилар.

ОАКда раҳбар кадрларни ўқитиш ишлари иккита ўқув гуруҳига бўлинган ҳолда амалга оширилади. Тингловчилар билан ўқув машғулотларини Академия кафедра-ларининг бошлиқлари, юридик фанлар доктори ва юридик фанлар номзоди илмий даражасига, шунингдек профессор ва доцент илмий унвонига ҳамда ички ишлар идораларида кўп йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган ўқитувчилар ўтказадилар.

Булардан ташқари, тингловчиларнинг амалий кўникмаларини мукамал тарзда шакллантириш ва машғулотларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида ОАКда ўтказиладиган ўқув машғулотларига Ўзбекистон Республикаси ИИБ бошқармалари бошлиқлари, Тошкент шаҳар ИИББ, Тошкент вилояти ИИБнинг бўлим бошлиқлари таклиф этилади.

Олий академик курсларда олиб борилаётган ўқув машғулотларининг самарадорлиги ва сифатини яхшилаш мақсадида ўқув машғулотлари олиб бориладиган хоналарда компьютер, видеопроекторлар ўрнатилган. ОАК тингловчилари дарс жараёнида, айниқса, мустақил таълим ва амалий машғулотларни ўтказиш жараёнида ушбу замонавий техника воситаларидан (мультимедиа материаллари, электрон дарсликлар ва ўқув қўлланмаларидан) кенг фойдаланадилар.

ОАК тингловчиларига таълим бериш мобайнида маъруза, мунозара ва амалий машғулотлар билан бир қаторда уларнинг дарсларга фаол иштирок этиши, шунингдек ўқув машғулотининг ўз олдига қўйган мақсадига тўлиқ эришишини таъминлаш мақсадида таълимнинг фаол усулларида давра суҳбатлари, ишга оид ролли ўйинлар, ўқув машқлари, гуруҳий машғулотлар, тренинглари мунтазам равишда ўтказилади.

Булардан ташқари, ОАК тингловчилари ўқув машғулотлари жараёнида замонавий педагогик технологиялар, фан ва техника ютуқлари, Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятининг илғор тажрибаларидан кенг фойдаланадилар.

ОАК Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг мустақил ихтисослашган таълим бўлинмасидир. Уни битирувчи ходимларга Ички ишлар идоралари бошқаруви фаолияти мутахассислиги юзасидан «*Жиноятчиликка қарши кураш ва жамоат хавфсизлигини сақлашни бошқариш ташкилотчиси*» ихтисослиги бўйича дипломлар берилади.

Ҳозирги кунда ички ишлар идоралари учун раҳбар кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш мақсадида Ички ишлар вазирлиги томонидан ўрнатилган талаблар асосида янги 2011-2012 ўқув йилидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси ОАКда тингловчилар қўйидаги икки ўқув гуруҳига тақсимланган ҳолда ўқитиладилар:

**1-ўқув гуруҳи:** Вазирлик марказий аппаратидаги бошқарма бошлиғи ва ўринбосари, мустақил бўлим бошлиғи; Қарақалпоғистон Республикаси ИИБнинг ўринбосари, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва транспортдаги ИИБ бошлиғининг ўринбосари; Қарақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва транспортдаги ИИБ аппаратидаги бошқарма бошлиғи ва ўринбосари; шаҳар-туман, транспортдаги тармоқ ИИБ бошлиғи лавозимларига тайинланадиган раҳбар кадрлар;

**2-ўқув гуруҳи:** вазирлик марказий аппаратидаги бўлим бошлиғи ва ўринбосари; Қарақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва транспортдаги ИИБ аппаратидаги бўлим бошлиғи ва ўринбосари; шаҳар-туман, транспортдаги тармоқ ИИБ бошлиғининг ўринбосари лавозимларига тайинланадиган раҳбар кадрлар.

Таъкидлаш жоизки, нафақат Ички ишлар вазирлиги, балки республикамиз раҳбарияти томонидан ҳам раҳбар кадрлар тайёрлаш ишларига бир қатор қатъий талаблар қўйилмоқда. Президент И.А.Каримовнинг таъбири билан айтганда, раҳбар авваламбор қатъиятли, билимдон ва талабчан бўлиши керак. Раҳбар қачон эл-юрт ишончини қозона олади? Қачонки юраги тоза, қўли тоза, кўнгли очиқ, ақл ва заковат соҳиби бўлса, унинг табиатида қатъиятлилик ва билим, талабчанлик билан адолат уйғун бўлса, ўзи бошқарадиган одамларнинг ҳам ташвишларини ўз қалбидан ўтказишга қодир бўлса<sup>1</sup>. Давлатимиз бошлиғи томонидан раҳбар ходимларга қўйилган бундай талаблар, шубҳасиз, ички ишлар идоралари тизимидаги раҳбарларга ҳам тегишлидир.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ОАКнинг ҳар бир битирувчи ходими юқорида келтирилган сифатларни ўзлаштириши баробарида кенг дунёқараш, фундаментал илмий асосга эга бўлиши, илмий ижод методологияси, замонавий ахборот технологиясини, илмий ахборотни олиш, ишлаш ва сақлаш усулларини пухта эгаллаган, шунингдек тадқиқотчиликка, илмий-амалий ва илмий-педагогик фаолиятга тайёр бўлиши керак.

Қайд этиш лозимки, ОАК ташкил этилганидан шу кунга қадар ички ишлар органлари учун жами 280 нафар юқори малакали мутахассис раҳбар кадрлар тайёрланган бўлиб, улар ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ИИВ, Қарақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоят, шаҳар ва туман ИИБлари ҳамда транспортдаги ИИБда турли раҳбарлик лавозимларида хизмат қилмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Олий академик курсларида 2010 йилнинг 24 декабрь кунига қадар ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, улардан 1 нафари Ўзбекистон Республикаси ИИВ бошқарма бошлиғи, 4 нафари ИИВ бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 2 нафари Ўзбекистон Республикаси ИИВ бўлим бошлиғи, 1 нафари ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, 2 нафари ички ишлар бошқармасида бошқарма бошлиғи, 15 нафари ички ишлар бошқармаси бўлим бошлиғи, 24 нафари шаҳар ва туман ИИБ бошлиқлари, 15 нафари шаҳар ва туман ИИБ бошлиғи ўринбосари лавозимларида ва бошқалари ички ишлар органларининг турли соҳавий хизматларида раҳбарлик лавозимларида фаолият олиб бормоқдалар.

Ички ишлар идоралари учун раҳбар кадрлар тайёрлаш бўйича бошқа давлатларнинг тажрибаларига назар соладиган бўлсак, бу давлатларда ушбу тизимнинг ташкил этилиши, номланиши, ўқитишнинг муддатлари кабиларнинг таълим муассасамиздаги мавжуд тизимдан фарқли томонлари борлиги кўзга ташланади. Масалан, Беларусь Республикаси ИИВ Академиясида раҳбар кадрлар тайёрлаш ишларини «Малака ошириш ва раҳбар кадрлар тайёрлаш факультети», Қозоғистон Республикаси ИИВ Академиясида эса «Малака ошириш факультети қошидаги олий академик курслар» деб номланган тузилмалар амалга оширади.

Россия Федерациясида ички ишлар идоралари учун раҳбар кадрлар тайёрлаш ишлари билан ИИВ Бошқарув академиясининг тўртта факультети (ҳар бир факультет ўзининг ихтисослиги бўйича турли соҳавий хизматлар учун раҳбар кадрлар тайёрлайди) шуғулланишини кўриш мумкин<sup>2</sup>. Бу ҳолат Россия Федерациясида ички ишлар идоралари учун раҳбар кадрларга эҳтиёжнинг катта эканлигидан далолат беради.

Сир эмас, ҳозир ҳам ички ишлар идоралари раҳбар ходимларининг барчасида юқори бошқарувчилик қобилияти, турли соҳаларга доир билимларга эгалик, ўта мураккаб

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. — Т., 2002. — 241-242-б.

<sup>2</sup> <http://www.amvd.ru>.

вазиятларда ўзини тута олиш, барқарор ишчанлик ва талабчанлик, амалдаги қонунчилик, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг буйруқ ва кўрсатмаларини билиш ҳамда уларга оғишмай риоя қилиш, ички ишлар идораларида мавжуд куч ва воситалардан тўлиқ фойдалана билиш маҳоратини, шунингдек амалий тажрибаларини етарли даражада деб бўлмайди.

Айнан шу масалада бир неча йил олдин ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, сўралган ички ишлар идоралари раҳбарлари ходимларни касбга тайёрлаш замон талабларига тўлиқ жавоб бериши учун унинг сабабларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш зарурлигини таъкидлашган. Улар мазкур сабаблар: *биринчидан*, амалий кўникмаларни такомиллаштириш учун янада самаралироқ ишлаш кераклиги (сўралганларнинг 46 фоизи); *иккинчидан*, кадрлар билан ишлаш, уларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалаларига алоҳида эътибор бериш (34 фоизи); *учинчидан*, фаолиятда илгор тажрибаларнинг кам ёритилиши (32 фоизи); *тўртинчидан*, ИИВ ўқув юртларида хизматга тайёргарликни замон талабига жавоб берадиган даражада такомиллаштириш (26 фоизи); *бешинчидан*, хизмат тайёргарлиги тизимидаги машғулотлар мазмуни, сифати ва шаклларида талаб даражасида бўлишига эришиш (26 фоизи); *олтинчидан*, ушбу соҳадаги махсус адабиёт ва услубий ишланмалар таъминотини йўлга қўйиш; *еттинчидан*, ходимларнинг ўз касбий маҳоратлари устида мунтазам иш олиб боришлари кераклиги (21 фоизи) деб қайд этганлар<sup>1</sup>.

Фикримизча, мамлакатимизда ички ишлар идоралари учун раҳбар кадрлар тайёрлаш ишларини янада такомиллаштириш борасида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

— ривожланган мамлакатлар ички ишлар органларининг таълим муассасалари билан бу борада тажриба алмашиш;

— уларнинг таълим муассасаларидаги ўқув ва методик материалларни таълим муассасамиздаги мавжуд ўқув ва услубий материалларга қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан солиштирган ҳолда таҳлил қилиб, ижобий томонларини татбиқ қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

— ривожланган мамлакатларнинг таълим муассасалари билан профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш соҳасида ҳамкорликни амалга ошириш ва замонавий ўқув-методик материаллар алмашинуви бўйича ишларни йўлга қўйиш;

— Республика раҳбарияти ва Ички ишлар вазирлиги томонидан қўйиладиган талабларга жавоб берадиган юқори малакали раҳбар кадрларни тайёрлаш мақсадида, ИИВ Академияси ОАҚда ички ишлар идоралари учун раҳбар кадрлар тайёрлаш бўйича таълим дастурини янгитдан ишлаб чиқиш;

— айнан шу масалалар бўйича умумакадемик конференциялар, давра суҳбатлари ва ўқув семинарларини ташкиллаштириш ҳамда тегишли соҳавий хизматларнинг бу борадаги талаб ва таклифларини олиш;

— ИИВ Академияси ОАҚда ички ишлар идоралари учун раҳбар кадрларни ўқитиш жараёнини самарали ташкил этиш мақсадида курсларнинг моддий-техник базасини замон талаблари асосида ўқув-техника воситалари билан бойитиш ва бошқалар.

Бу каби ишларнинг амалга оширилиши, ички ишлар идоралари учун раҳбар кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштиришга муайян ҳисса қўшади, деб ҳисоблаймиз.

<sup>1</sup> Қаранг: Саитбаев Т.Р. Ички ишлар органларининг оператив таркибини касбга ўргатишни такомиллаштириш йўллари ва муаммолари // Ўзбекистонда ҳуқуқ фанини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари: Илмий мақолалар тўплами. — Т., 2004. — 181-183-б.



*И.И. Самандаров\**  
*Б.Х. Мадазизов\*\**

## СЕРЖАНТЛАР ТАРКИБИНИ ТАЙЁРЛАШДА МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШ ТАЖРИБАСИ

**И**чки ишлар идораларини Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетини ҳимоя қилиш учун зарур билимларга эга бўлган, ички ишлар хизматига виждонан ёндашувчи, фуқаролар хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга маҳорати етарли, зарур ҳолларда, жиноятчиликка қарши курашда тегишли куч ва воситалардан самарали фойдалана оладиган профессионал ходимлар билан таъминлаш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан 2004 йилда ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари (СТТОК) ташкил этилди.

Ушбу даргоҳда ички ишлар идораларининг барча бўғинлари учун малакали, тезкор ва профессионал ходимлар етказиб берилмоқда. Бугунги кунда ички ишлар идораларида ўндан ортиқ хизмат соҳалари бўйича ушбу муассасада таълим олган минглаб малакали сержантлар фаолият кўрсатмоқда.

ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларининг зиммасига:

— кадрлар негизи ҳисобланган сержантлар таркибини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

— курсантларнинг кундалик фаолиятида ички ишлар идораларининг бирламчи бўлинмаларининг моҳирона бошқарувини таъминлаш, мураккаб вазиятлар юзага келганда қисқа фурсатларда қарор қабул қилишга ўргатиш;

— курсантларнинг юқори жанговар ва ахлоқий-маънавий, руҳий фазилятлар ва хусусиятларни ўзлаштиришига эришиш;

— фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, уларни ҳуқуқ-тартибот ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашга виждонан ёндашадиган юксак маданиятли, ижтимоий жиҳатдан фаол, интизомли қилиб тарбиялаш вазифалари юклатилган.

Юқоридаги вазифаларни матонат ва шижоат билан бажаришда СТТОК махсус фанлар цикли катта аҳамият касб этади.

СТТОК махсус фанлар цикли ички ишлар идораларига кичик бошлиқлар таркиби лавозимларига ўз мутахассислиги бўйича чуқур билим ва амалий кўникмаларга эга бўлган ходимлар тайёрлайди.

Ҳозир ушбу циклда ички ишлар идораларининг: «Патруль-пост хизмати»; «Алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбарлик отрядлари»; «Йўл-патруль хизмати»; «Жазони ижро этиш хизмати»; «Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати»; «Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати»; «ИИИлари кўриқлаш хизмати»; «Ёнғин хавфсизлиги хизмати (тиббий тайёргарлик, компьютер тайёргарлиги, ишларни

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари махсус фанлар циклининг бошлиғи.

\*\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари ўқув бўлимининг катта ўқитувчи-методисти.

юритиш бўйича ўқув курслари)»<sup>1</sup>; «ИИВ томонидан белгиланган бошқа йўналишлардаги хизматлар» йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда.

Циклда ўқув жараёнини ташкил этишда жинойтчиликка қарши кураш борасида ички ишлар идораларида эришилган ютуқлар ҳамда педагогика ва психология соҳасида мавжуд илмий методларга таянилади. Шу билан бирга мутахассислик йўналишлари бўйича ўқув ва амалий машғулотлар замон талаблари асосида жиҳозланган ўқув-методик хоналарда бевосита амалиётда тажриба орттирган малакали ходимлар иштирокида олиб борилади.

СТТОК махсус фанлар циклида ўқув, ўқув-методик, илмий-тадқиқот ишлари Таълим тўғрисидаги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, ИИВнинг Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларининг фаолиятига оид ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғи ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ олий ўқув юртларида ўқув жараёнини ташкил этиш бўйича Йўриқнома талаблари, шунингдек Академия Илмий кенгашининг режаси, цикл иш режалари ва Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курслари бошлиғи томонидан тасдиқланган ўқитувчиларнинг шахсий иш режалари асосида олиб борилмоқда.

Ўтган йиллар давомида цикл ўқитувчилари томонидан курсантларга йўналишлар бўйича таълим бериш борасида катта ишлар қилинди. Ўқув режасига мувофиқ ўқув ва иш ўрганиш дастурлари 2010 йилда қайта ишлаб чиқилди, бир қатор ўқув қўлланмалари яратилди. Жумладан: 2008 йилда ички ишлар идораларини моддий-техник воситалар билан таъминлаш бўйича давлат контракти; 2009 йилда патруль-пост хизмати йўналиши бўйича — ҳуқуқбузарларни ички ишлар идораларига олиб келиш асослари, сақлаш муддати ва уларни махсус муассасаларга жойлаштиришни расмийлаштириш тартиби; йўл-патруль хизмати бўйича — ДЙХХХ тизимида автомобилотранспорт воситаларини рўйхатга олиш тартиби; ИИВ томонидан белгиланган бошқа йўналишдаги хизматлар бўйича — Ахборот маркази фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, ички ишлар идоралари навбатчилик қисми фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари; ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати бўйича — вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази фаолиятининг ташкилий ҳуқуқий асослари; хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати бўйича — Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг паспорт йўқотганликлари бўйича ишларини кўриб чиқиш тартиби; ИИИ кўриқлаш хизмати бўйича — кўриқлаш хизматида техник кўриқлаш пульти фаолиятини ташкил этиш тартиби; жазони ижро этиш хизмати бўйича — жазони ижро этиш фаолияти; йўл-патруль хизмати бўйича — Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг ДЙХХХга тааллуқли моддалари асосида маъмурий ҳужжатларни расмийлаштириш ва маъмурий чора кўриш тартиби ва ҳоказо. Ҳозирги кунда ушбу ўқув қўлланмалари чоп этилиб, улардан ўқув жараёнида кенг фойдаланилмоқда.

Ўқув жараёнини замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўқитиш тизимини амалиёт билан боғлаб олиб бориш йўналишида самарали натижаларга эришилди.

Маълумки, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида давлат таълим стандартларига ўқув-методик адабиётларни такомиллаштириш, янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш орқали таълим сифати ва самарадорлигини янада яхшилаш хусусида аниқ чоралар белгилаб берилган<sup>2</sup>. Шу муносабат билан СТТОК махсус фанлар цикли ўқитувчилари томонидан мутахассислик йўналишлари бўйича

<sup>1</sup> Ушбу йўналиш бўйича мутахассислик фанлари Ёнгин хавфсизлиги олий техник мактабида ўқитилади.

<sup>2</sup> Қаранг: «Баркамол авлод йили» Давлат дастури. — Т., 2010.

Ўқитиладиган ўқув курсларида ўқув ва иш ўрганиш дастурлари қайта ишлаб чиқилди. Ўқув жараёнини янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар асосида электрон дарсликлар, мультимедиа воситалари асосида ташкил этиш йўлга қўйилди. Фақат сўнгги йил ичида 30 дан ортиқ мультимедиа тақдимотлари яратилди.

Юқорида таъкидланган йўналишларда ўқув жараёнини ташкил этиш учун ўқув режаси ишлаб чиқилган ва ушбу режага асосан мутахассислик бўйича ўқув курсига 360 соат вақт ажратилган. Циклда мутахассислик бўйича ўқув курсидан ташқари тиббий тайёргарлик, ички ишлар идораларида иш юритиш, ички ишлар идоралари фаолияти ва компьютер тайёргарлиги ўқув курслари бўйича машғулотлар ўтказилади.

Ўқув машғулотлари курсантларга маъруза, амалий машғулот, машқлар, ички ишлари идоралари негизида амалий, мустақил тайёргарлик машғулотлари кўринишида ўтказилади. Ушбу машғулотларни ташкил этиш бўйича ИИВ, бош бошқарма ва бошқармалари билан келишилган ҳолда СТТОК дарс жадвалида белгиланган кунлари ўқитилаётган йўналишлар бўйича бошқарма бошлиқлари ҳамда малакали амалиёт ходимлари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Курсантларнинг амалиёт билан боғлиқ мавзуларни чуқурроқ ўзлаштиришлари учун ҳар бир йўналиш бўйича мавзулар режасига амалиёт ишини ўрганиш учун соатлар ажратилган, ҳар бир ўқув йиғинида ўқув режасида белгиланган машғулотлар ИИВ негизида олиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда СТТОК махсус фанлар циклида таълим берилаётган хизмат йўналишлари бўйича замонавий воситалар билан жиҳозланган 10 та ўқув-методик, икки та лингафон хонаси мавжуд ва 39 та компьютер воситалари билан таъминланган учта ўқув хонаси ташкил этилган. Ўқув-методик хоналардаги ўқув қуролларига қўриқлаш хизмати йўналиши бўйича 43 номдаги замонавий қўриқлаш сигнализацияси воситалари ўрнатилган стенд, хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати йўналиши бўйича фуқаролик паспортини расмийлаштириш принтери, расм қирқиш мосламалари ва фуқаролик паспорти ҳужжатлари намуналари билан жиҳозланган стенд, тиббий тайёргарлик ўқув курси бўйича фантомлар, муляжлар, скелет, кўрғазмали қуроллар билан жиҳозланган стендлар; йўл ҳаракатини тартибга солиш ҳолатларини ўрганиш учун тайёрланган макет, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш техник воситалари, газоанализатор; ёнгин хавфсизлиги ходимининг ёнгинни ўчиришдаги махсус кийимлари билан жиҳозланган манекен кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Бундан ташқари, ўқув-методик хоналарда телевизор, видеомагнитофон, компьютер ва видеопроекторлар ўрнатилган бўлиб, курсантларга мультимедиа дастурларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг замонавий интерфаол усуллардан фойдаланган ҳолда машғулотлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш қўшимча чора-тадбирлари ҳақида»ги 2009 йил 23 июнь ҳамда унга ўзгартиш киритиш ҳақидаги 2009 йил 29 декабрь фармонлари билан жорий қилинаётган биометрик паспорт тизимига ўтиш бўйича «Хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш» йўналишида таҳсил олаётган курсантларга Ўзбекистон Президентининг ушбу фармонлари моҳиятини ва биометрик паспортнинг хусусиятларини ўргатиш бўйича амалиёт ходимлари ва цикл ўқитувчилари томонидан маъруза материаллари, методик ишланмалар, мультимедиа ўқув воситалари ва кўрғазмали қуроллар тайёрланиб, юқори савияли машғулотлар ўтказилмоқда.

Махсус фанлар циклида ўқитишни янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги вазифалар белгилаб олинган:

— циклда хизмат йўналишлари бўйича ўқитилаётган барча мавзуларни қамраб олган ўқув қўлланмалари яратиш;

— жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишдаги долзарб масалалар лойиҳаси билан ҳамкорликда хизмат йўналишларининг долзарб мавзулари бўйича илмий изланишларни амалга ошириб, натижаларини ўқув жараёнига татбиқ қилиш;

— курсантларнинг касбий тайёргарлигини замон талаблари даражасига етказиш, уларда муайян вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш юзасидан амалий ўқув ва кўник-маларни шакллантириш мақсадида моделлаштириш ва симуляция марказини яратиш. Бу, ўз навбатида, мутахассислик йўналишлари бўйича амалий машғулотларни ички ишлар идоралари амалиётида учрайдиган турли ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг ечимини топишга асосланган ҳолда ўтказиш имкониятини яратади;

— Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларига олий маълумотга эга номзодларнинг қабул қилинаётганлиги хизмат фаолиятида ижобий самара бераётганлиги сабабли, олий курсларга ўқишга киришда олий маълумотли номзодларга маълум бир имтиёзлар яратиш ва номзодлар танловини амалга оширишда олий маълумотли ва ички ишлар идораларида хизмат қилган ходимларни танлашга алоҳида эътибор қаратиш. Айниқса бугунги кунда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати йўналиши бўйича олий маълумотга эга ходимларга эҳтиёж сезилмоқда;

— ИИВ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш олий курсларига амалиёт идораларидан бириктирилган мураббийларнинг мақомини ошириш учун ИИВ соҳавий хизматларининг бўлим бошлиқлари ёки бош бошқарма бошлиқларининг ўринбосарларини мураббий этиб белгилаган ҳолда назария билан амалиётни уйғунлаштириш. Бириктирилган мураббийлар томонидан курсантларнинг иш ўрганишини назоратга олиш ҳам ўзининг ижобий самарасини беради;

— мутахассислик фанлари бўйича маъруза машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш учун ички ишлар амалиёти идораларининг малакали ходимларини уларнинг хизмат йўналишларини инобатга олган ҳолда алоҳида мавзулар бўйича бириктириш;

— барча машғулотларни замонавий педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ўтказиш ва уларни қўллаш тартибини ўқитувчининг иш режасида акс эттириб, ушбу ҳолатнинг цикл раҳбарияти томонидан назоратга олинишини таъминлаш.

Шундай қилиб, ички ишлар идоралари учун ҳар томонлама етук, баркамол ёш мутахассис кадрлар — сержантлар тайёрлаш мақсадида чуқур маърифий-ҳуқуқий ишлар олиб бориш, ички ишлар идоралари ходими касбига муносиб кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш давр талабидир.

Ўзбекистон Президенти таъкидлаганидек, «...бугунги сиёсий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тартиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусини янада ортишини таъминлайди...»<sup>1</sup>.

Бу эса, ўз навбатида, курсантларнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда жамият манфаатларини турли ҳуқуқбузарликлар ва тажовузлардан муҳофаза қилишга доир ҳуқуқий билимларини янада мустаҳкамлаш, уларни ички ишлар идораси ходими масъулиятини теран англашга, ихтисосликка чуқур кириб боришга тайёрлаш, белги-ланган жабҳада замон билан ҳамнафас этиб тарбиялашда цикл мураббийлари олдида янги талаблар қўяди.

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010. — 6-б.

*М. Н. Ризаев\**,  
*Н. В. Воронина\*\**

## ОПЫТ ВНЕДРЕНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В ПРОЦЕСС ПРЕПОДАВАНИЯ МЕДИЦИНСКИХ ДИСЦИПЛИН В АКАДЕМИИ МВД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**Н**ынешний этап развития системы образования в Республике Узбекистан характеризуется качественными изменениями его содержания, структуры. При этом важная роль в дальнейшем совершенствовании системы образования отводится развивающемуся процессу информатизации, позволяющему в ходе обучения широко использовать инновационные педагогические и информационно-коммуникационные технологии<sup>1</sup>.

Образовательный процесс при подготовке специалистов в системе МВД направлен на формирование нового типа сотрудника, обладающего глубокими профессиональными, правовыми, управленческими, психолого-педагогическими знаниями, умениями и навыками эффективного выполнения служебных задач в повседневных и чрезвычайных обстоятельствах. Этот процесс сопровождается интенсивным поиском современных форм и методов организации и обеспечения учебного процесса.

В настоящей статье рассматривается опыт реализации инновационной педагогической технологии, основанной на блочно-модульной системе организации учебного процесса, в ходе преподавания медицинских дисциплин в Академии МВД Республики Узбекистан.

Преподавание медицинских дисциплин в Академии МВД Республики Узбекистан осуществляется кафедрой медицинской подготовки, созданной в 1996 г. в целях реализации положений Закона Республики Узбекистан «Об охране здоровья граждан». В цикл дисциплин кафедры входят «Основы первой медицинской помощи», «Судебная медицина» и «Судебная психиатрия». Процесс преподавания строится на основе концепции формирования у слушателей необходимых медицинских знаний и практических умений и навыков, соответствующих государственному образовательному стандарту, а также воспитания у слушателей чувства ответственности за соблюдение прав и свобод человека, подлинной гуманности, самоотверженного и бескорыстного служения народу. Обучение проводится по блочно-модульной системе. Сотрудниками кафедры разработаны образовательные стандарты и типовые программы по указанным дисциплинам, созданы адаптированные к специфике высшего образовательного учреждения учебники, подготовлены учебные материалы по блокам, схемы в форме логического структурного изложения ключевых позиций изучаемого материала, специальные наглядные пособия для сотрудников органов внутренних дел. В целях практической реализации программы внедрения новых педагогических технологий подготовлены также электронные версии учебников, учебно-методических материалов и рекомендаций с ситуационными

\* Заслуженный деятель науки Республики Узбекистан, доктор медицинских наук, профессор.

\*\* Доцент кафедры медицинской подготовки Академии МВД Республики Узбекистан, кандидат медицинских наук, старший научный сотрудник.

<sup>1</sup> См.: Государственная программа «Год гармонично развитого поколения». — Т., 2010.

задачами, база тестовых вопросов с вариантами ответов по всем изучаемым темам, сформирована видеотека и др.

В структурно-содержательном плане основу блочно-модульного обучения составляет учебная тема дисциплины, характеризующаяся конкретностью сформулированных учебных целей, блоком учебной информации и практических задач, системой контроля усвоения знаний, формирования необходимых навыков и умений.

Учебный процесс при блочно-модульном обучении рассматривается как целенаправленный процесс управления познавательной деятельностью слушателя согласно поставленным образовательным целям и задачам, т. е. управляемое обучение. Методикой преподавания дисциплин предусмотрено изучение слушателями теоретического материала на лекциях, в ходе которых широко используются мультимедийные презентации, в часы самообразования под руководством преподавателя, а также самостоятельное изучение материала, размещенного на локальном образовательном портале Академии. В практической части занятий закрепляются теоретические знания, необходимые навыки и умения доводятся до «автоматизма» на муляжах, фантомах и т.д. В зависимости от объема информации, заложенной в учебную тему, занятие проводится в течение 2, 3 или 4 академических часов. В процессе обучения и после его завершения в Центре тестирования Академии проводится соответственно рубежное и итоговое тестирование. Проверка сформированности практических навыков и умений осуществляется по окончании курса в форме «деловой игры».

Реализуемая кафедрой технология блочно-модульного обучения представляет собой комплексное и в то же время дифференцированное использование элементов современных образовательных технологий, работающих по принципу взаимодополнения. То есть, наряду с традиционным вузовским обучением, используются элементы следующих образовательных технологий: развивающего, личностно-деятельностного, проблемного, дифференцированного, игрового и других видов обучения.

Выбранная модель обучения не является догмой, она постоянно совершенствуется. Блочно-модульная модель достаточно гибка и позволяет обновлять форму и содержание учебного материала по мере необходимости, в зависимости от уровня его усвоения слушателями.

Таким образом, преимущества инновационного блочно-модульного обучения налицо: во-первых, создается базисная основа с комплексом учебно-программных, учебно-методических материалов, мультимедийных и наглядно-прикладных средств по преподаваемым блокам, модулям и темам; во-вторых, блочно-модульное обучение позволяет сочетать и взаимодополнять традиционное обучение с инновационными образовательными технологиями; в-третьих, оно дает возможность систематизировать знания слушателей; в-четвертых, позволяет выработать у слушателей самостоятельный, индивидуальный подход к освоению знаний, умений и навыков; в-пятых, дает возможность педагогу в полной мере реализовывать свой творческий потенциал и т.д.

Анализ уровня знаний слушателей по преподаваемым кафедрой медицинской подготовки дисциплинам за 1998-2009 годы свидетельствует о хорошем показателе их рейтинговой оценки (в среднем 76%), что подтверждает эффективность применения рассматриваемой системы организации учебного процесса.

На сегодняшний день элементы основ доврачебной помощи включены в программу обучения сотрудников органов внутренних дел, проходящих курсы повышения квалификации, а также в систему занятий служебной и профессиональной подготовки.

Следует отметить, что умения и навыки по основам доврачебной помощи требуют постоянной отработки. Кроме того, как показывает практика, в сжатые сроки обучения достижение цели формирования твердых навыков и умений правильного выполнения приемов оказания доврачебной помощи в полном объеме не представляется возможным. На наш взгляд, в данном случае целесообразно применение и такой инновационной образовательной модели, как дистанционное обучение.

Дистанционное обучение — это совокупность образовательных технологий, при которых целенаправленное опосредованное или не полностью опосредованное взаимодействие обучающегося и преподавателя осуществляется независимо от места их нахождения, на основе педагогически организованных информационных технологий<sup>1</sup>. Во многих развитых странах современная сетевая технология становится неотъемлемой частью вузовского и послевузовского образования, чем определяются достаточно большие инвестиции в эту область. Использование технологий дистанционного обучения позволяет:

- снизить затраты на проведение обучения (не требуется затрат на аренду помещений, на поездки к месту учебы и т. п.);
- проводить обучение большого количества человек;
- повысить качество обучения за счет применения современных средств, объемных электронных библиотек и т.д.;
- создать единую образовательную среду (что особенно актуально для ведомственного обучения).

Учитывая перечисленные возможности данной технологии и развитый уровень компьютеризации системы МВД, считаем перспективным внедрение дистанционного обучения сотрудников органов внутренних дел в Академии МВД с использованием локально-сетевой технологии. Данная технология должна базироваться на использовании локальных сетей для обеспечения обучающихся учебно-методическими материалами непосредственно по месту их постоянного пребывания. При ее реализации сотрудники получают возможность повышать свою квалификацию в системе занятий служебной и профессиональной подготовки в удобное для них время, в удобном месте. Оценка уровня сформированности необходимых знаний, практических навыков и умений может проводиться на местах силами медицинских работников МВД, ГУВД, УВД, работающих в лечебно-профилактических подразделениях ведомства, это позволит рационально использовать как материальные, так и человеческие ресурсы.

Безусловно, реализация такого подхода в обучении сотрудников органов внутренних дел предусматривает решение комплекса задач правового, организационного и инвестиционного характера. При этом в образовательной сфере дистанционного обучения потребуется разработать соответствующие учебные планы и программы, создать специфические учебно-методические комплексы с использованием различных носителей информации, в том числе сетевые и мультимедийные учебники разработать систему электронного тестирования, компьютерные тренажеры-имитаторы и т.п., а также апробировать данную методику.

В заключение необходимо отметить, что внедрение и реализация инновационных педагогических технологий в системе образовательных учреждений МВД республики несет в себе огромные возможности для удовлетворения образовательных потребностей обучающихся, повышения их профессионального уровня.

<sup>1</sup> См.: Ахаян А.А. Виртуальный педагогический вуз. Теория становления. — СПб., 2001. — С. 17.

Н.Б. Шоимов\*

## ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИ УЧУН ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Б**угун инсон, табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар ҳамма вақтлардагидан кўра долзарб аҳамият касб этмоқда. Табиатга эғалик қилиш, унинг бойликларидан истаганча ва нооқилона фойдаланиш оқибатида табиий мувозанат бузилиб, издан чиқди. Чўлланиш жараёнларининг тезлашгани, ўрмон ҳудудларининг камайиб кетаётгани, ҳайвонот ва ўсимликлар оламининг баъзи турлари йўқолиб бораётгани, чучук сув танқислиги муаммоси, иқлимнинг глобал исиши, атроф-муҳит ифлосланиш даражасининг ортиб бориши, хуллас санаб адоғига етиб бўлмайдиган оғир экологик асоратлар инсониятга ўз қилмишларининг ойнадаги аксидек намоён бўлмоқда. Бу ҳолатлар инсониятни атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий объект ва ресурсларни асраб-авайлаш, ер юзидан йўқолиб бораётган ҳайвонот ва ўсимлик оламини сақлаб қолишга ундайди. Зеро, «табиатга, ўсимликлар дунёсига нисбатан нотўғри муносабатда бўлишга чек қўйиш, табиат бойликларини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш ҳаммамизнинг асосий бурчимиз»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов ҳали ўтган асрнинг охиридаёқ: «Экология ҳозирги замоннинг кенг миқёсдаги кескин ижтимоий муаммоларидан биридир. Уни ҳал этиш барча халқларнинг манфаатларига мос бўлиб, цивилизациянинг ҳозирги куни ва келажаги кўп жиҳатдан ана шу муаммонинг ҳал қилинишига боғлиқдир»<sup>2</sup>, — деб таъкидлаган эди.

Республикада амалга оширилаётган ислохотлар экологияга, экологик тизимга ўз таъсирини кўрсатди ва бу соҳада ижобий фикрларнинг шаклланишига сабаб бўлди. Ўзбекистон Конституциясида фуқароларнинг атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурлиги, мулкдор мулкига ўз хоҳишича эғалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, мулкдан фойдаланишда экологик муҳитга зарар етказмаслиги, ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик эканлиги, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида эканлиги каби қоидалар ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари, республикада қабул қилинган экологик қонунлар ва қонун ости ҳужжатларининг барчасида экологияни барқарорлаштириш масалалари акс этган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг янги «Ер кодекси», «Ўрмон тўғрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги, «Ветеринария тўғрисида»ги, «Давлат

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий педагог кадрлар тайёрлаш бўлимининг докторанти.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби. I жилд. — Т., 2006. — 6-б.

<sup>2</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т., 1998. — 506-508-б.



санитария назорати тўғрисида»ги, «Чиқиндилар тўғрисида»ги қонунлари ва қонун ости ҳужжатларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби тўғрисида»ги, «Биологик ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва олиб чиқиш устидан назоратни кучайтириш тўғрисида»ги, «Ўсимликлар дунёсига етказилган зарар бўйича ундириладиган тўловлар миқдорини ҳисоблаб чиқиш учун таксани тасдиқлаш тўғрисида»ги бир қатор қонун ости ҳужжатларида бу масалалар ўз аксини топган.

Агроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга доир қонун-қоидаларни ёшлар, жумладан ИИВ тизимидаги ўқув юртлари тингловчиларининг онгига сингдириш катта аҳамиятга эга. Айниқса, келгуси фаолияти бевосита бундай қонун ва қоидаларни амалиётда қўллаш билан боғлиқ бўлган Академия тингловчиларини бу каби масалалар билан чуқурроқ таништириш, уларнинг экологик қонунларни яхши ўзлаштириб олишларига эришиш мамлакатимизда экологик ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларга қарши курашда ижобий самара беради.

Шу боис мустақил давлатимизнинг экологик сиёсатини чуқур ўрганиш ва уни ҳаётга татбиқ этиш, экологик муаммоларни ҳал этиш, экологик қонунлар ва уларнинг талабларини амалга оширишда барча ҳуқуқий фанлар каби «Экология ҳуқуқи» фанининг ҳам муносиб ўрни бор, айнан шунинг учун ҳам уни пухта ва кенгроқ ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

«Экология ҳуқуқи» фанини ўрганиш учун ИИВ Академиясида жами 66 соат вақт ажратилган бўлиб, ундан 18 соатини маъруза, 12 соатини мунозара машғулот, 4 соатини амалий машғулот, 10 соатини мустақил таълим ва 22 соатини мустақил иш ташкил қилади. Шуларни ҳисобга олиб, ушбу дарс соатларидан унумли фойдаланиш нафақат профессор-ўқитувчилар, балки тингловчилардан ҳам машғулотларга янгича ёндашувни талаб қилади. Гап таълимнинг инновацион технологияларидан фойдаланиш хусусида кетмоқда. Бундай таълим соатларида экологик ҳуқуқбузарлик объектларининг турлари ва унга қарши кураш субъектларининг функциялари жонли тасвирлар, электрон кўргазмали воситалар ёрдамида тушунтирлади. Таълимда чизма, схема, жадвал ва бошқа кўргазмали қуроллардан ҳам фойдаланилади.

«Экология ҳуқуқи» фанини ўрганиш тингловчилардан экологик қонунларнинг ижтимоий-сиёсий маъноси ва юридик мазмуни, уларни ташкил этувчи норма ва институтларнинг ўзаро алоқалари, илмий таҳлил усулларини чуқур эгаллашни талаб этади.

Шу билан бирга, улар «Экология ҳуқуқи» фанини ўрганиш жараёнида унинг ҳуқуқ тизимида тутган ўрни ва ривожланиш принциплари, экологик-ҳуқуқий нормаларнинг жамият тараққиётида қўлланиш доираси ва имкониятлари ҳақидаги билимларни кенгроқ ўзлаштиришлари шарт. Бу жараёнда кўзда тутилган асосий мақсад тингловчиларда ҳуқуқнинг мустақил соҳаси сифатида жамиятимизда инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи экология ҳуқуқи бўйича чуқур назарий билимларни шакллантиришдан иборат.

Маълумки, тингловчилар таълим жараёнида жамиятнинг экологик, ижтимоий соҳасида экологик-ҳуқуқий масалаларни ажрата олиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти билан боғлиқ экологик-ҳуқуқий билимларни эгаллаш, касбий

фаолиятда айрим экологик-ҳуқуқий усулларни қўллаш каби билим ва малакаларни эгаллашлари лозим.

Бундан ташқари, тингловчиларнинг келгуси хизмат фаолиятларида экологик-ҳуқуқий ҳужжатларни тўғри тузиш ва уларни жорий этиш қўникмаларини шакллантириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашига ўтказилган сайлов жараёнида қатнашиб, шу ерда журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, Марказий Осиёда юзага келган мураккаб экологик вазият ҳақида сўз юритди. Бунда Орол денгизи муаммосини фақат анжуманлар, конференциялар ўтказиш билан ҳал қилиб бўлмаслиги, бу йўлда амалий ишлар, натижалар кераклиги, шу боис республикамизда фаолият юритаётган экологик ҳаракатлар бирлашгани, мамлакатимиз парламентининг қуйи палатасида Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланадиган депутатлар учун 15 та ўрин ажратилгани ҳамда экология масалаларига сиёсий тус берилгани бевосита қайд этиб ўтилади.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида эълон қилинган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да эса экология масалаларини ҳам демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаси сифатида белгилаш зарурлигига оид фикрлар билдириб, «*Экологик назорат тўғрисида*»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш фурсати етганлигини таъкидлади<sup>1</sup>.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб, «Экология ҳуқуқи» фанини ўрганишда самарали натижаларга эришиш учун ўқитишнинг замонавий шакл ва усулларида кенг фойдаланган ҳолда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

**Биринчидан,** таълим жараёнида Конституция ва унинг асосида қабул қилинган экологик қонунларнинг моҳияти ва талабларини кенгроқ тушунтириш мақсадга мувофиқдир.

Тингловчиларга экологик қонунларни ўргатиш жараёнида уларнинг экологик-ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга эътибор бериш, бунда экологик-ҳуқуқий таълимнинг интерфаол усулларида, хусусан, экология ҳуқуқининг мавзуларига оид кўргазмали қуроллар, мультимедиа воситаларидан унумли фойдаланиш лозим.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, «... ўқув жараёнига янги ахборот ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, болаларимизни комил инсонлар этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатадиган ўқитувчи ва домлаларга эътиборимизни янада ошириш, қисқача айтганда, таълим-тарбия тизимини сифат жиҳатидан бутунлай янги босқичга кўтариш диққатимиз марказида бўлиши даркор»<sup>2</sup>.

**Иккинчидан,** шу мақсадда ўқитувчи маъруза, мунозара ва амалий машғулот дарслари жараёнида «Экология ҳуқуқи» фанининг манбаи сифатида Президент

<sup>1</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т., 2010.—5-б.

<sup>2</sup> Қаранг: *Каримов И.А.* Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир // Халқ сўзи. — 2009.— 6 дек.

асарлари, фармон ва қарорлари, экологияга қонунларни кенгроқ, ҳаётий мисоллар билан тушунтириши ва тингловчилар томонидан конспект қилинишини таъминлаши шарт.

Бу мақсадларга эришиш учун ўқитувчи мазкур соҳада чуқур билимга эга бўлиши, дарсларга астойдил тайёрланиши керак, чунки «Жамият ҳаёти изчил илмий негизда ташкил қилиниб, у фан тавсиялари ва тиббиёт қонунлари асосида олиб борилса, экологик танглик хавфини камайтириш ва аста-секин зарурий мувозанатга эришиш мумкин»<sup>1</sup> бўлади.

**Учинчидан**, тингловчиларга «Экология ҳуқуқи» фанини ўқитишда, экологик муаммоларни ҳал этиш учун инсоният олдида турган глобал муаммолар ва уларнинг ечимини топиш мақсадида мамлакатимизнинг бошқа давлатлар билан халқаро ҳамкорлиги, республикаимизнинг қатор давлатлар билан тузган экологик битимлари ва шартномалари моҳиятини ҳам тушунтириб бериш катта аҳамиятга эга.

**Тўртинчидан**, таълим жараёнида тингловчилар қабул қилинган экологик қонунларда давлатимизнинг экологик сиёсати, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ҳайвонот ва наботот оламини ўз ҳолича сақлаб қолиш, жониворларнинг йўқолиб бораётган ноёб турлари ва нодир ўсимликларни кўпайтириш, асраб-авайлаш, уларга зарар етказганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш масалаларини пухта ўзлаштириб олишлари керак.

**Бешинчидан**, «Экология ҳуқуқи» фанини ўқитишда тингловчиларнинг олинган билимларини мустаҳкамлаш мақсадида мустақил дарс соатларида турли савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар, ролли ўйинлар уюштириб, вақтдан унумли фойдаланишга эришиш керак. Бу эса келгусида уларнинг экологик дунёқарашини кенгайтириб, экологик ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларга қарши кураш фаолиятида катта ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, «Экология ҳуқуқи» фанини ҳар томонлама чуқур ва самарали ўқитиш, тингловчи-ёшларнинг экологик-ҳуқуқий билимларини ошириши билан бир қаторда, ички ишлар органлари тизимида юксак малакали, замон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган мутахассис кадрлар тайёрлашда яхши натижалар беради.

<sup>1</sup> Қаранг: Мустақиллик: Изоҳли илмий-оммабоп лугат. — Т., 1998. — 243-б.

М. Э. Мўминов\*

## ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ДАЛИЛЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ШАКЛЛАНИШИ (ТАРИХИЙ ЖИХАТ)

**Ж**иноят ишларини юритиш жараёнида қонунийликни таъминлаш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳуқуқий давлатнинг зарурий шарти ва воситаси бўлиб хизмат қилади. Зеро, адолатга асосланган ҳамда ҳуқуқ-тартибот, қонунийлик талабларига мос давлатдагина ҳуқуқ устувор бўлади. Ҳуқуқий давлатда эса шахс ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бирламчи вазифа сифатида белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, «бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра, инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг бош субъектидир»<sup>1</sup>.

Жиноят иши бўйича далилларни процессуал расмийлаштириш ва мустаҳкамлаш тартиби қонунда батафсил баён этилган бўлса-да, далилларни мустаҳкамлаш бирмунча кенгроқ мазмунга эга. Маълумки, муайян даврдаги жамиятга хос хусусиятлар ўша давр ва жамиятдаги барча тизимларда ўз ифодасини топади. Мазкур қоидадан келиб чиққан ҳолда далилларни процессуал мустаҳкамлашнинг юзага келиши, ривожланиш тарихи ва бугунги кунгача ҳуқуқий тартибга солиниши ҳақида тўхталиб ўтиш унинг мазмуни тўғрисида батафсил тасаввур ҳосил қилишга имкон яратади.

Жиноят процессининг замонавий моҳияти тарихий шароит, жумладан, этник, маданий, диний, иқтисодий ва бошқа омиллар таъсирида шаклланган ҳамда жиноят ишлари бўйича иш юритиш, далиллар тўплаш ва процессуал мустаҳкамлашга доир масалаларни қандай ҳал этиш лозимлиги ҳақидаги турли тасаввурлардан пайдо бўлган. Буларнинг барчаси процессуал фаолият шакллариининг хилма-хил бўлишига олиб келган.

Республикамиз ҳудудида мавжуд бўлган қадимги давлатларда жиноят ва жазо тизими милоднинг VII-VIII асрига қадар — одат ҳуқуқи ҳамда зардуштийлик динининг асосий манбаи бўлган «Авесто» китоби асосида, шу даврдан чор Россияси босқинига қадар эса одат нормалари ва ислом динининг қарашлари сингдирилган шариат қоидалари билан тартибга солинган.

Зардуштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто» — Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқлари қадимий маданиятининг бебаҳо тарихий ёдгорлиги бўлиб, у жаҳон тарихига диний, ҳуқуқий, ахлоқий, ижтимоий ва бошқа дунёқараш тасаввурларини англашнинг битмас-туганмас манбаи сифатида кирган<sup>2</sup>. Ушбу нодир тарихий-ҳуқуқий ёдгорлик қадимги замонлардаги сиёсий ва ҳуқуқий ғоялар ҳақида, одамларнинг ҳуқуқий онги даражаси, мулкӣ, оила-никоҳ муносабатларини тартибга солувчи ижтимоий нормалар, жиноят ва жазо, суд ва суд амалиёти масалалари тўғрисида кенг

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят процесси кафедрасининг ўқитувчиси.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. — Т., 2002. — 33-б.

<sup>2</sup> Саидов А.Х., Жўзжоний А.Ш. Шарқ цивилизацияси: инсон ва ҳуқуқ (ўтмиш ва ҳозирги замон). — Т., 2005. — 56-б.

маълумот беради. Жиноят ва жазо масалалари «Авесто»да очиқ ва ҳар томонлама тартибга солинган масалалардан ҳисобланган. Унга мувофиқ судда ишни кўриш тортишувга асосланган. Ишни ҳал этишдан олдин ҳуқуқбузарларнинг айбдорлигига оид қатор масалаларни, яъни айбдорлик шаклини — қасд ёки эҳтиётсизлик, қаттиқ ҳаяжон ҳолатида, биринчи марта ёки такроран ҳуқуқбузарлик содир этган шахснинг айбини тан олиши, унинг диний мансублиги каби бир қатор ҳолатларга аниқлик киритилган. Мазкур масалаларни аниқлаш учун гувоҳлик кўрсатувларидан фойдаланилган. Гувоҳлик беришнинг маълум қоидалари — «қасам олтин суви»да қасамёд этиш тартиби ўрнатилган, ёлгон гувоҳлик берганлик учун қаттиқ жазо белгиланган. Демак, зардўштиликда бирор-бир шахс томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик суд томонидан кўриб чиқилиши жараёнида унинг ўз айбини тан олиши ёки айбдорлиги ҳолатлари гувоҳларнинг кўрсатувлари орқали исботланган. Гувоҳнинг бевосита судда кўрсатув бериши, ўз навбатида, далилларни мустаҳкамлашнинг муайян шакли сифатида намоён бўлган.

Ўрта асрларда Шарқда жиноят процесси ислом ҳуқуқига асосланган ҳолда амалга оширилган. Судлов жараёни бу даврда ўзининг оддийлиги ва ҳар қандай шаклдан холилиги билан ажралиб турган. Ёзма иш юритиш бўлмаган, жиноят ишлари суд мажлисида томонларнинг оғзаки тортишуви орқали муҳокама қилинган. Илк ислом даврида судда ишларни юритишнинг яна бир хусусияти — суд жараёнининг узлуксизлиги принципи ва бирон-бир ёзма иш юритишнинг йўқлигидир. Қозининг диний ҳуқуқ, яъни Қуръон, ҳадислар, қиёс ва ижмога суяниб ҳукм чиқариши расм бўлган, бунда маҳаллий урф-одатлар ҳисобга олинмаган. Қози шахсий муносабатига ёки ўзигагина маълум фактларга асосланиши мумкин бўлмаган. Фиқҳ (арабча билим, тушуниш маъноларини англатади, бугунги кунда фиқҳ деганда, ислом ҳуқуқшунослиги, шариат қонун-қоидаларини ўрганувчи ислом таълимотининг бир соҳаси тушунилади)<sup>1</sup> далилларнинг қуйидаги уч тоифасини тан олади ва шахснинг айби қуйидаги далиллар билан мустаҳкамланган:

- иқрор — айбини бўйнига олиш;
- шуҳуд — гувоҳларнинг кўрсатувлари;
- ямин — қасамёд.

Шариат суди учун гувоҳларнинг кўрсатувлари энг муҳим, кўпинча ҳал қилувчи далилий аҳамиятга эга бўлган. Аксарият судлов ишлари — фуқароликда ҳам, жиноят ишлари учун камида икки гувоҳ кўрсатуви талаб этилган ва шахснинг айби бор ёки йўқлиги ушбу гувоҳларнинг кўрсатувлари орқали мустаҳкамланган. Вояга етган, ҳуқуқ лаёқатига эга мусулмон эркакларгина гувоҳликка ўтишлари мумкин бўлган. Фиқҳ гувоҳларнинг ахлоқий фазилатларига катта эътибор беради. Гувоҳлардан қасам ичиш талаб қилинмаган, лекин гувоҳ кўрсатув беришни «ашҳаду» — «гувоҳлик бераман» сўзлари билан бошлаши шарт бўлган<sup>2</sup>.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда амал қилаётган ҳуқуқ тизими «роман-герман» ҳуқуқ оиласига мансублигини ҳисобга олиб, исботлаш жараёнида далиллар тўплаш, уларни процессуал расмийлаштириш ва мустаҳкамлаш тартибининг вужудга келиши ва шаклланишини қадимги Рим ҳуқуқи билан боғлаб ўрганиш мақсадга мувофиқ. Рим ҳуқуқида шахснинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, яъни ҳуқуқ бузилишидан олдинги ҳолатга қайтаришга катта эътибор қаратилган. Қадимги Римда шахслар, яъни фуқаролар

<sup>1</sup> Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Муҳитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. — Т., 2010. — 483-б.

<sup>2</sup> Раҳманов А.Р., Раҳманов А.Р. Ислом ҳуқуқи. — Т., 2007. — 367-б.

ўртасидаги низолар хусусий тартибда тарафлар орқали тайинланган ҳакамлик судлари томонидан кўриб чиқилган. Республика ва принципат даврига келиб, фуқаролик жараёни босқичлари иккига бўлинган:

- биринчи босқич «In iure» (ин юре);
- иккинчи босқич «In iudicio» (ин юдицио).

*Биринчи босқичда* магистрат бузилган ҳуқуқни суд орқали ҳимоя қилиш ёки ҳимоя қилиш мумкин эмаслигини аниқлайди ва судьяни тайинлайди. Шунингдек, ушбу ишни мазмунан кўриш билан боғлиқ ташкилий ишларни амалга оширади. *Иккинчи босқичда* судья низони мазмунан кўриб чиқади ва қарор қабул қилади. Бу босқичда далиллар тўпланadi, уларга баҳо берилади ва иш мазмунан ҳал қилинади. Рим ҳуқуқида суд жараёни очиқ, эркинлик ва оғзаки асосда давом этиб, тўпланган далилларни баҳолаш муносабатлари орқали амалга оширилган. Гувоҳларнинг кўрсатувлари, воқеа жойини кўздан кечириш, ҳужжатлар ва қасамёд қилиниши далил ҳисобланган. Даъвогардан ўз даъвосини асослаши ва далиллар тақдим этиши, жавобгардан эса ўзининг эътирозини асослайдиган далиллар тақдим этиши талаб этилган<sup>1</sup>. Рим юристларининг энг олий ихтиролари ва авлодларга қолдирган бебаҳо қадриятларидан бири далилларни эркин муҳокама қилиш, ақл ва виждон кўрсатмаси билан қозонилган эътиқод, яъни ички ишончдир. Бу ишонч формал шароитларга эмас, ишнинг барча томонларини оқилона ва холисона текширишга асосланган<sup>2</sup>.

Европанинг бошқа давлатларида ҳам ижтимоий муносабатлар Рим ҳуқуқидан андоза олган ҳолда тартибга солинган. Жумладан, Англияда дастлабки тортишувга асосланган жиноят-процессуал фаолият юритилган. Англия жиноят процесси ривожланишининг дастлабки босқичини шартли равишда дастлабки тергов деб аташ мумкин. Бу процесда айбланувчига нисбатан далиллар тўплаш ва мустаҳкамлаш фаолиятини амалга оширадиган «терговчи» лавозими бўлмаган. Дастлабки терговнинг вазифаси, жиноят ишларини мураса ва полиция судларига кўриб чиқиш мақсадида юбориш учун шахснинг айбини исботлашда тақдим этилган далилларнинг етарли эканлигини текширишдан иборат бўлган. Суд жараёнида ишнинг ҳолати бўйича айбланувчи берган кўрсатувлар ёзиб олинган ва судья томонидан имзоланиб, тасдиқланган, агар айбланувчи хоҳласа, унинг имзоси билан ҳам тасдиқланиши мумкин бўлган. Бу эса, ўз навбатида, судда далил сифатида ишлатилган<sup>3</sup>.

Жиноят иши жабрланувчи (айбловчи-даъвогар)нинг шикояти бўйича қўзғатилган. Унинг ўзи айблов далилларини, айбланувчи ва унинг ҳимоячиси эса оқлов далилларини тўплаган. Суд муҳокамаси тортишувга асосланган ва ошкора бўлган. Суд иши томонлар тақдим этган далиллар асосида ҳал қилинган. Дин таъсирида қарор топган исботлаш тизими покловчи қасамлар, курашлар ва ордалиялар<sup>4</sup> йиғиндисидан иборат бўлиб, тортишувда голиб чиққан шахс доимо ҳақ ҳисобланган.

Инквизиция (қийноқ, азоблаш)га асосланган айблов процесси қулдорлик жамиятида

<sup>1</sup> Қаранг: Эрназаров О., Жиянов М.Х. Рим ҳуқуқи. — НамДУ.2000//[http://akadmvd/biblio/biblio/konstitut\\_pravo/uchebnik/rim\\_huquqi/index.htm](http://akadmvd/biblio/biblio/konstitut_pravo/uchebnik/rim_huquqi/index.htm)

<sup>2</sup> Қаранг: Шомухамедова З. Ш. Рим хусусий ҳуқуқи. — Т., 2002. — 33-34-б.

<sup>3</sup> Қаранг: Чельцов-Бebutov М.А. Курс уголовно-процессуального права. Очерки по истории суда и уголовного процесса в рабовладельческих, феодальных и буржуазных государствах. — СПб., 1995. — С. 419-424.

<sup>4</sup> Ордалия — қизиган темир босиш, ўрта асрларда айбдорлигини бўйнига қўйиш учун қўлланилган қийноқ усули (Қаранг: Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Мухитдинов ва бошқ.; масъул муҳаррир Н.Тойчиев. — Т., 2010. — 352-б.).

юзага келган бўлиб, далиллар тўплаш ва мустаҳкамлашга қаратилган ҳаракатларни қатъий тартибга солишга асосланган формал далиллар назарияси амал қилган<sup>1</sup>. Судлов учун судланувчининг ўз айбига иқдор бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган, бунга эса кўпинча уни қийнаш орқали ҳам эришилган. Тергов жараёни ва суд муҳокамаси ноошкора, яширин, ёзма равишда амалга оширилган.

Инсоният тарихидаги илк демократик ўзгаришлар янгича тортишув процессининг шаклланишига олиб келган. Ушбу процесс ошкоралиги билан ажралиб турган. У айблов жараёнидан келиб чиққан бўлиб, далилларни баҳолаш судьяларнинг ички эътиқодига (ишончига) боғлиқ қилиб қўйилади. Аммо айбланувчининг айбига иқдор бўлиши, далил бўла олиш мезонлари, «исботлаш стандартлари»ни норматив қайд этиш кабиларга алоҳида ўрин бериш каби расмий исботлаш элементлари сақланиб қолган.

Аралаш процессда айбланувчининг процессуал ҳуқуқларини турли тарзда чеклаш ва дастлабки терговда ҳимоя қилишда, терговчининг вазифаси бир вақтнинг ўзида тергов қилиш ва бир қатор масалалар бўйича охириги қарор чиқариш функцияларини бажаришида намоён бўлади. Аралаш процессга Франциянинг 1808 йилда қабул қилинган жиноят-процессуал кодексига асос солинган, сўнгра у континенталь Европанинг бошқа мамлакатлари, яъни Германия, Италия, Австрия, Бельгия ва Россия қонунларида ривожлантирилган<sup>2</sup>.

Бизнинг ҳуқуқий тизимга яқин бўлган Россияда XVIII–XIX асрларда давлат ҳокимияти тармоқлари тубдан ислоҳ қилиниб, суд ислоҳотлари натижасида 1864 йилда Суд уставлари қабул қилинган. У тўртта низомдан ташкил топган бўлиб, Жиний иш юритув низомида илк бор далилларни тўплаш ва сақлаш ҳамда дастлабки терговнинг уч ҳужжати, яъни баённомалар, қарорлар ва чақирув қоғозлари ҳақидаги маълумотлар ўз ифодасини топган. Ушбу Низомнинг 4-боби «Далилларни тўплаш ва уларни сақлаш» деб номланган бўлиб, унинг 371-моддасида далилларни тўплаш ва уларни процессуал мустаҳкамлаш билан боғлиқ маълумотлар акс эттирилган. Шу билан бирга, Низомнинг 9-боби «Дастлабки тергов баённомалари ҳақида» деб номланган бўлиб, унинг 467-моддасида ҳар бир тергов ҳаракатининг натижалари баённомаларда қайд этилиши, 468-моддасида баённома ким томонидан ва қачон тузилганлиги, уни тузиш чоғида кимлар ҳозир бўлганлиги, иштирокчилар томонидан киритилган шикоят ва аризалар, шунингдек, тергов ҳаракатлари натижалари қайд этилиши, 469-моддасида сўроқ баённомасида акс эттирилиши лозим бўлган маълумотлар, 470-моддасида баённоманинг иштирокчилар томонидан тасдиқланиши, 471-моддасида баённоманинг иштирокчиларга ўқиб эшиттирилиши қайд этилган<sup>3</sup>. Юқоридагиларга кўра, баённомалар тергов ҳаракатлари натижаларини қайд этиш учун тузилиши, шу билан бирга, бошқа шахслар томонидан тақдим этилган нарса ва ҳужжатларни олиш, иштирокчилар томонидан келтирилган шикоят ва аризаларни қайд этиш учун тузилиб, далилларни процессуал мустаҳкамлашга қаратилган.

Россияда бўлиб ўтган 1917 йилги давлат тўнтаришидан сўнг қабул қилинган қонунларда ҳам далиллар, уларни мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар ўз ифодасини топган. Ўзбекистоннинг 1926 йилда қабул қилинган дастлабки Жиноят-процессуал кодексига<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Қаранг: Миренский Б., Асамутдинов А., Камалходжаев Ж. Жиноят процессида далиллар назарияси муаммолари. – Т., 2002. – 4-5-б.

<sup>2</sup> Қаранг: Уголовный процесс / Под ред. К.Ф. Гуценко. – М., 1998. – С. 20.

<sup>3</sup> Қаранг: Российское законодательство X-XX веков. Т. 8. Судебная реформа. – М., 1991. – С. 166.

<sup>4</sup> Қаранг: Уголовно-процессуальный кодекс УзССР. – Самарканд, 1927. – С. 13-16.

айнан далиллар ва баённомаларга ажратилган алоҳида боблар мавжуд, улар «Далиллар ҳақида» ва «Баённомалар ҳақида» деб номланган, уларда гувоҳларнинг кўрсатувлари, эксперт хулосалари, ашёвий далиллар, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомалари, ёзма ҳужжатлар, айбланувчининг тушунтиришларидан судда далил сифатида фойдаланилиши, далилларни сақлаш билан боғлиқ масалалар, шу билан бирга, тергов ҳаракатлари жараёни ва натижаларини ўз ичига олган баённомаларни расмийлаштиришда акс эттирилиши лозим бўлган ҳолатлар, баённомаларга қўйиладиган талаблар ва бошқалар қайд этилган.

Собиқ Иттифоқ таркибига кирган Ўзбекистоннинг 1929 йилда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексда<sup>1</sup> ҳам далиллар ва уларни расмийлаштириш ҳамда мустаҳкамлаш билан боғлиқ алоҳида боб ажратилган бўлса-да, лекин мазкур кодексда, юқорида келтириб ўтилган кодекслардан фарқли ўлароқ, далилларга бағишланган боб «Далилларни тўплаш» деб номланади. Шу билан бирга, юқорида санаб ўтилган кодексларда баённомаларга алоҳида боблар ажратилган бўлса-да, ушбу кодексда бундай боб акс этмаган. Ундаги «Далилларни тўплаш» деб номланган бобда далилларни тўплаш, айнан қандай маълумотлар далил сифатида эътироф этилиши, процесс иштирокчиларини сўроқ қилиш, олиб қўйиш ва тинтув, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, ушбу тергов ҳаракатларини ўтказишнинг процессуал тартиби, ашёвий далиллар, уларни сақлаш ва ишга қўшиб қўйиш билан боғлиқ масалалар ва бошқалар ўз аксини топган, лекин исботлаш жараёнини амалга оширишда далилларни расмийлаштириш билан боғлиқ, яъни тегишли баённомаларни тузиш ва ушбу баённомаларга қўйиладиган талаблар ифода этилмаган.

Ўзбекистоннинг 1959 йилда қабул қилинган Жиноят-процессуал кодексда<sup>14</sup> юқорида кўрсатиб ўтилган кодексларга нисбатан ривожлантирилган ҳолда далилларни тўплаш, баҳолаш, расмийлаштириш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ процессуал ҳаракатлар қайд этилган. Ушбу кодекснинг 3-боби айнан «Жиноят иши бўйича далиллар» деб номланиб, унда жиноят иши бўйича исбот қилиниши лозим бўлган ҳолатлар, далиллар, уларни тўплаш, баҳолаш, гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи ҳамда айбланувчиларнинг кўрсатувлари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, гувоҳ тариқасида сўроқ қилиниши мумкин бўлмаган шахслар доираси, ашёвий далиллар, уларни сақлаш тартиби ва муддатлари, иш ҳолатларини тасдиқловчи баённомалар, ҳужжатлар, эксперт хулосалари ва бошқалар қайд этилган. Ўзбекистоннинг мазкур кодексда, 1929 йилда қабул қилинган кодексдан фарқли ўлароқ, далилларни тўплаш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалаларга кўпроқ эътибор қаратилганлиги яққол кўзга ташланади. Бу эса мамлакатимизнинг тарихий ривожланиш шароитида жиноят-процессуал қонунчилик такомиллашиб борганидан далолат беради.

Юқорида мусулмон ҳуқуқи — фикҳ ва Рим ҳуқуқида айбни бўйнига олиш, гувоҳларнинг кўрсатувлари, шахснинг қасамёди далил сифатида фойдаланилишини кўрсатиб ўтган эдик. Бироқ шўро тузуми даврида қабул қилинган жиноят-процессуал кодексларида айбни бўйнига олиш, яъни айбига иқрорлик, гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳам далил сифатида тан олинishi қайд этилган бўлса-да, лекин шахснинг қасам ичиши, яъни қасамёдидан иш бўйича далил сифатида фойдаланилмаслиги кўрсатиб ўтилган.

<sup>1</sup> Қаранг: Уголовно-процессуальный кодекс УзССР. — Т., 1954. — С. 11-14.

<sup>2</sup> Қаранг: Уголовно-процессуальный кодекс Узбекской ССР. — Т., 1978. — С. 25-33.



Мустақил Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодексида<sup>1</sup> «Исбот қилишнинг умумий шартлари» деб номланган алоҳида боб ажратилган. Унда исбот қилиш, исбот қилиш иштирокчилари, далилларни тўплаш, исбот қилиш жараёнида фуқаролар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қўриқлаш, далилларни баённомада қайд этиш, далилларни қайд этишда ёрдамчи усуллар, баённомага иловалар, далилларни қайд этишнинг тўғрилигини тасдиқлаш, баённомага имзо чекишдан бош тортиш ёки имзо чека олмаслик ҳолларини тасдиқлаш, далилларни текшириш, далилларга баҳо бериш каби моддалар ўз аксини топди.

Далилларни расмийлаштириш ва мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалаларга дастлабки йилларда кам эътибор берилган бўлса-да, сўнгги йилларда бошланган либераллаштириш билан боғлиқ суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида далилларни расмийлаштириш ва процессуал мустаҳкамлаш билан боғлиқ суд-тергов амалиётига эътибор кучая бошлади. Бунга биргина мисол «Адвокатура институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2008 йил 31 декабрь қонунига асосан жиноят ишини юритишга ваколатли бўлган субъектлардан ҳақиқатни аниқлаш мақсадида далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолаш билан боғлиқ фаолиятида янада масъулиятни оширишни талаб қилади. Бунинг учун эса муайян илмий ёндашув асосида мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тадқиқотлар орқали мақбул ечимлар ишлаб чиқиш давр талабидир.

• Янги нашр •

**Жаҳонгиров И.С., Исмоилов Н.Т.** Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг якка тартибдаги профилактикаси: Ўқув-амалий қўлланма. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2010. — 80 б.

Мазкур ўқув-амалий қўлланмада вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси мазмуни, ҳуқуқбузарлик содир этган вояга етмаган шахсининг криминологик тавсифи, якка тартибдаги профилактик фаолиятни ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш масалалари илмий-амалий жиҳатдан ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни асосида якка тартибдаги профилактика ишини ташкил этишнинг хусусиятлари очиқ берилган.

Юридик олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тингловчи ва талабалари ҳамда амалиёт ходимларига мўлжалланган.

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (2010 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). — Т., 2010. — 52-58-б.

*О.Э. Норбўтаев\**

## ЖИНОЙ-ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАРНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ИНСТИТУТЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

**Ж**иноий-ҳуқуқий нормалар жиноят-процессуал қонунда белгиланган тартибни шаклантиришга асос яратади. Айнан шу тартибга амал қилган ҳолда жиноят содир этилиши муносабати билан жиноят ишлари бўйича иш юритилади. Демак, жиноят ишини юритиш тартиби бевосита жиноий-ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган қоида ва тақиқларнинг бузилиши оқибатида вужудга келади. Бу жиноят-процессуал тартибнинг жиноий-ҳуқуқий нормалар билан ўзаро боғлиқлигини англатади. Жумладан, суд ишларини юритишда ҳимояни ифодалайдиган иштирокчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини такомиллаштириш<sup>1</sup>, шахс ҳуқуқ ва манфаатларининг халқаро-ҳуқуқий стандартларига йўналтирилган халқаро амалиёт билан миллий юридик амалиётни мувофиқлаштириш процессуал шакллар дифференциациясини чуқурлаштиришдан иборат<sup>2</sup>. Процессуал шакллар дифференциацияси эса, бир қарашда, тегишли жиноий-ҳуқуқий квалификацияга боғлиқ бўлиб, унинг асосида ишни судга қадар юритиш жараёни шаклланади<sup>3</sup>.

Процессуал фаолиятнинг таркиби бўлган қилмишни квалификация қилиш жиноят процесси предметининг фактик ҳолатини белгилашга таъсир қилмайди, бироқ айбланувчининг жиноий жавобгарлиги билан боғлиқ ҳолатларга ойдинлик киритади. Айрим муаллифларнинг фикрича, «айблов суд тадқиқотининг асосий ва ягона предметини ташкил этади»<sup>4</sup>, шунингдек жиноят процессининг объектини жиноят содир этишда айбланаётган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш ва бундан келиб чиқадиган жазони ўташ мажбурияти ташкил этади.

Бироқ жиноий жавобгарлик институти процессуал мажбурлов воситаларининг мавжуд захирасига жиноят-процессуал шаклнинг таркибий қисми сифатида қарашга эҳтиёж туғдиради<sup>5</sup>. Бундай воситаларнинг тавсифи амалий фаолиятнинг предмети бўлмиш моддий-ҳуқуқий муносабатларга боғлиқдир. Бошқача айтганда, агар процессуал фаолиятнинг асосий вазифаси моддий-ҳуқуқий муносабатларни аниқлаш ва уларга етказилган зарарнинг миқдорини белгилаш ҳисобланса, у ҳолда бундай фаолиятнинг таърифловчи хусусияти ҳуқуқий мажбурловни қўллашда намоён бўлади. Бу борада З.З.Зинатуллин ҳуқуқий мажбурловнинг ниҳоятда жиддий бир қатор белгиларини таъкидлаб ўтади:

\* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят процесси кафедрасининг тадқиқотчиси.

<sup>1</sup> Қаранг: *Маматқулов Ф.* Жиноят процессида ҳимоя функцияси // Ҳаёт ва қонун. — 2002. — №2. — 68-б; *Айтниязов Е.* Жиноят ишини судда кўришда ҳимоячининг иштироки // Ҳаёт ва қонун. — 2002. — №2. — 71-б.

<sup>2</sup> Қаранг: *Пулатов Ю.С., Иногамов Ш.* Дифференциация // Қонун ҳимоясида. — 2002. — №6. — 31-32-б.

<sup>3</sup> Қаранг: *Мухитдинов Ф.М.* Уголовно-процессуальная форма: проблемы теории и методологии: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. — Т., 2005. — С. 18-19.

<sup>4</sup> Қаранг: *Шейфер С.А.* Правовая регламентация следственных действий в новом УПК РФ // Государство и право. — 2003. — №2. — С. 68.

<sup>5</sup> Ўша жойда.

*биринчиси*, давлат мажбурловининг ҳажми ва доираларини ойдинлаштириш назарда тутилганда унинг қўлланилишининг аниқ ҳолатларга боғлиқлиги;

*иккинчиси*, айб учун жавобгарликни ифодаловчи давлат мажбурлов чораларининг норматив тартибга солиниши;

*учинчиси*, шахс ва унинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш мақсадида давлат мажбурлов чораларини қўллаш тартиб-қоидаларининг ҳуқуқий ва процессуал жиҳатдан расмийлаштирилиши.

Умуман олганда, З.З. Зинатуллин давлат мажбурловини моддий-ҳуқуқий категория тариқасида таҳлил қилиб, унинг жиноят ва жиноят содир этиш оқибатида келиб чиқадиган жавобгарлик институтига боғлиқ баъзи афзаллик жиҳатларини эътиборсиз қолдиради<sup>1</sup>.

Аммо давлат идоралари томонидан қўлланиладиган мажбурлов чоралари жиноят-процессуал шаклга эга бўлиб, айбдор деб топилган шахсларнинг жиноятига доир ҳолатларни аниқлаш ва жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан бажарилиши зарур деб ҳисобланган вазифалар орқали таърифланади. Бу борада шуни таъкидлаш жоизки, давлат мажбурлов чоралари жиноят процессининг барча институтларини ҳаракатга келтириш эҳтиёжи вужудга келган тақдирдагина қўлланилиши мумкин. Бироқ бунда моддий ва процессуал ҳуқуқ ўртасида узвийлик таъминланиши лозим.

Зеро, процессуал мазмундаги ноаниқлик моддий-ҳуқуқий нормаларда ҳам айнан шундай мазмундаги ноаниқликларни келтириб чиқарар экан<sup>2</sup>, унда алоҳида олинган жиноий-ҳуқуқий институтлар (ЖКнинг 12, 15, 51-моддалари) процессуал ҳуқуқ институтларининг (ЖПКнинг 8, 9, 243-245-моддалари) мазмуний қисми бўлиб хизмат қилади ва шу боис процессуал ҳуқуқнинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Бошқалари (ЖКнинг 26, 27, 31, 37, 38, 39, 40, 41-моддалари) эса, уларнинг процессуал институтлар призмаси орқали исботланганлик ҳолатини билдиради. Демак, шаклига кўра моддий ва процессуал ҳуқуқ институтларининг боғлиқлиги уларнинг ўзаро алоқадорлигида намоён бўлади. Хусусан, одатда ихтиёрий воз кечиш, иштирокчилик, зарурий мудофаа, охириги зарурат тўғрисидаги иш бўйича тўпланган материаллардан келиб чиқиб, шахснинг жавобгарлигини истисно этувчи ёки енгиллаштирувчи ҳолатлар тўғрисида фикр юритилади. ЖПК 61-боби билан тартибга солинган тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг процессуал хусусияти ЖКнинг 67-моддасига биноан суд қарори чиқарилган ҳолларда ўзининг амалий қўллаш механизмига эга бўлади. Шубҳасиз, аҳамияти бўйича иккиламчи бўлган процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларининг жиноий-ҳуқуқий жиҳатдан моддийлаштирилишига бевосита боғлиқдир.

Жиноят ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг моҳияти ва ташқи кўринишининг узвийлиги ЖК 66-моддасининг шарҳида, яъни мазкур модда қай даражада ҳуқуқий ва процессуал институтларга асосланган ҳолда тартибга солинганлигида кузатилади. Бошқача айтганда, айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги ва жиноятни очишда кўмаклашганлиги жавобгарликдан озод қилишнинг ташқи шарт ҳисобланади ва бу жиноят содир этган шахснинг ҳуқуқий фаоллигини рағбатлантиради. Лекин гумон қилинаётган (айбланаётган) шахс томонидан жиноятни очишга кўмаклашишга қара-

<sup>1</sup> Қаранг: *Зинатуллин З.З.* Уголовно-процессуальное принуждение и его эффективность. – Казань, 1981. – С.165.

<sup>2</sup> Қаранг: *Флетчер Д.Ж., Наумов А.В.* Основные концепции современного уголовного права. – М., 1998. – 62-б.

тилган ҳаракатлар қанчалик ихтиёрий ёки давлат мажбурлови таъсири остида амалга оширганлигини аниқлаш ўта мушкул вазифа<sup>1</sup>. И.Л.Петрухиннинг фикрича, манфаатли ҳолатларда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки уларга яқин қариндош бўлганларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайдиган процессуал ҳаракатларни процессуал мажбурлов чоралари қаторига киритиш мумкин эмас. Демак, одам ўлдириш, баданга шикаст етказиш, безориликка оид ишлар бўйича, гумон қилинувчи ёки айбланувчи ўзининг зарар келтирувчи ҳаракатлари жабрланувчининг жиноий фаоллигидан нишона берувчи зарурий мудофаа ҳолатида содир этилганлигини исбот қилувчи далиллар тақдим этишдан, аниқроғи, у жароҳат изларининг мавжудлиги аниқланишидан манфаатдор бўлади.

Ушбу ҳолларда гувоҳлантириш ёки экспертиза ўтказиш процессуал мажбурлов чоралар сирасига киритилмайди, чунки у гумон қилинувчи ёки айбланувчининг хоҳишига биноан ўтказилади. Бунинг устига, ҳатто ушлаш ва эҳтиёт чорасини танлаш, муаллифнинг назарида, ҳар доим ҳам айбланувчини (гумон қилинувчини) мажбурлаш чораси деб ҳисобланавермайди. Хусусан, айбини бўйнига олиб келиш тўғрисида сўз юритадиган бўлсак, унда шахс пушаймонлик таъсири остида ўзининг ҳибсга олинишини билган ҳолда онгли равишда ўз айби учун жавобгарликка тортилишни истайди. Бу борада И.Л.Петрухин, фуқаро процессуал мажбурият ташувчиси сифатида амалга оширадиган айнан бир хил процессуал ҳаракатларга, унинг хоҳиш ва манфаатларига мос келувчи ҳаракат ёки процессуал мажбурлов чораси тариқасида қараш кераклигини таъкидлайди.

Жиноят иши учун масъул бўлган мансабдор шахс билан процессуал муносабат орқали фуқаронинг унга юклатилган мажбуриятга психологик муносабати хоҳишни эркин намоён этиш ҳолатидан процессуал мажбурловни ажратиш мезони бўлиб хизмат қилади. Шу боис фуқаро ўзига юклатилган мажбуриятни оқлаб, уни ўзининг ижтимоий бурчи деб қабул қила олса, бундай ҳолларда мажбурлов истисно этилади. Агар у ушбу мажбуриятни ижро этишга қаршилиқ қилса, мажбуриятни руҳий қўрқитиш ёки жисмоний зўрлик таъсирида ижро этса, демак мажбурлаш яққол кўзга ташланади<sup>2</sup>.

